


НАГИБ МАҲФУЗ


ЁМҒИР ОСТИДАГИ МУҲАББАТ

Роман



**Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1979**

Русчадан
Маҳмуд Сатторов ва Туррун Исмоилов таржимаси



© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.
(Тарж.)

Поезд тўхтади. Ойна олдида турган Исо перрондаги шовқин-сурон кўтаряпган одамлар орасида бирорта танишим бормикан деб, диққат билан тикилди. Ажабо... Уни кутиб олишга чамаси, ҳеч ким чиқмабди. Ақалли курьер юборишга ҳам фаросатлари етмабди.

Наҳотки, канал бўйидаги фожей воқеалар, ҳатто шу Қоҳирада ҳам ҳамма ёқни остин-устун қилган бўлса?

Мадори қуриган ва асабийлашган Исо чамадонини қўлига олиб вагондан тушди ва шаҳар томон юрди. Бирдан ўткинчиларнинг авзойидаги тушкунлик, эзгинлик кайфияти кўзга ташланди. Кўнгли аллақандай фалокатли воқеалар бўлишини сезиб қолди.

Демак, ҳаммасига канал бўйидаги кечаги қирғин сабаб бўлган. Ёки янги фалокат яқинлашибдими? Мана бу одамларнинг бирортасидан нима бўлганини сўрасамми? Ҳа, нега ҳеч ким кутиб олмадийкин?.. Бюро хизматчиларидан бирортаси вокзалга келмабди... Ажабо!.. Ё худойим! Қандай замонларга қолдик!

Канал бўйидаги воқеалар кўз олдидан сира кетмасди. Кечагина ўзи шоҳид бўлган қонли манзаралар: намойишчиларнинг қирилиши, қуролсиз одамларнинг қаҳ-рамонлиги бирма-бир кўз ўнгидан ўта бошлади.

Бир ватанпарвар йигитнинг ғазабли овози қулоғидан кетмасди.— Ҳукумат қаёқда? Бу нимаси? Курашга чақиринишади-ю, ўзлари...

Бутунлай боши қотиб қолган Исо унга аранг жавоб берди:

— Ҳа, сен ҳақсан... Мен шунинг учун ҳам келдим-да...

— Қурул қани?— ғазаб билан қичқирди йигит.— Нима учун бизга қурул беришмаяпти?

— Ҳозирча бунинг имкони йўқ, ҳукуматнинг ҳам аҳволи чатоқ ҳозир...

— Бизнинг аҳволимиз-чи? Уйи бузилганларнинг аҳволи нима кечади?

— Хабарим бор,— деди Исо.— Катталаримизнинг ҳам хабари бор. Сабр қилинглар, қўлимиздан келган барча чораларни кўрамиз.

— Яхши, бўлмаса сафарингиз бехатар бўлсин...

Исо учун бу сўзлар ниҳоятда аччиқ киноя бўлиб эшитилди!

Аммо лекин Қоҳирада нима бўляпти ўзи?

Вокзалда битта ҳам такси йўқ эди. Вокзал олдидаги майдон ғала-ғовурли оломонга тўлиб кетган, инглизларни қарғашар эди.

Ҳарорат пасайди. Аммо шаҳар узра қора булутлар тўпланган, ҳаво бўғиқ эди.

Барча дўкон ва магазинлар мотам пайтидаги каби ёпилган. Уфқда қалин тутун ўрламоқда эди.

«Ишқилиб бир нарса бўлган-ов»,— яна ташвиш билан ўйлади Исо.

У қаршисидан югуриб келаётган одамни тўхтатиб сўради:

— Нима гап? Нима бўляпти ўзи?

Бояги одам эсанкираб:

— Қиёмат-қойим бўляпти,— деди.

— Норозилик намойишими?— яна қайсарлик билан сўради Исо.

— Қаёқда дейсиз,— тўхтамасдан қичқирди нотаниш одам,— уйларга ўт қўйишяпти, магазинларни тошбўрон қилишяпти...

Исо театр майдони бўйлаб борар экан, хавотир билан атрофга аланглаб қарар эди. «Полиция қани, армия қани?— ажабланиб сўрарди у ўз-ўзидан. Муюлнишга етганда у кўз ўнгинда пайдо бўлган манзарани кўриб қотиб қолди. Кўчани газабнок оломон эгаллаб олганди. Тошбўрон гўё тасодифан отилган вулқоннинг ифлос лаваси каби оқаётгандай эди.

Йиқилаётган уйларнинг гувиллаши одамларнинг дод-фарёдларини босиб кетар эди. Кўчанинг бутун энини эгаллаб нефть оқарди. Кўпчилик уйларнинг дарвозалари пачоқлаб ташланган. Таланган магазинларнинг олдида буюмлар сочилиб ётарди... Бу оммавий телбаликни тўхтатиб қолишга ҳеч кимнинг юраги бетламас эди.

«Мана, қаҳр-ғазабга минган Қоҳира, у ўзининг ҳақиқий душманларига қарши бош кўтариш ўрнига бутун қаҳр-ғазабинини ичига ютган! Ўз жонига ўзи қасд қилишнинг ўзгинаси бу. Бу ишлар охири нима билан тугаркин?»— даҳшат ичида ўйларди у. Яқинлашиб келаётган фалокат сезгиси яна унинг вужудини эгаллаб олди.

Исонинг ич-ичини бугунги кун воқеалари — фақат муқаддима, ҳақиқий фожиа ҳозирча вақт пардаси ортида деган мудҳиш бир ишонч кемира бошлади. Келажакда номаълум таҳдид кутаётганлигинини кўнгли сеза бошлади. Балки унинг учун азиз бўлган барча нарсалар: ўрганиб қолинган ҳаёт тарзи, Қоҳира, канал бўйидаги кураш, ҳукумат тақдири, бинобарин, ўзининг тақдири қил устида тургандир. Янги тўфон шуларнинг ҳаммасини ювиб, оқизиб кетади...

Ўз тақдири учун ўжар, кўр-кўрона қўрқув зўрлик билан унинг ақл ва иродасини эзиб-янчиб, юрагига тобора чуқур кириб борар эди. Ҳатто мана шу кечадаги телбалик ҳам, атрофда қутураётган асов вайронлик денгизи ҳам унинг кўнглидаги мудҳиш гумонни босиб кета олмас эди. У энди ёмон гумонлари ҳам ҳақиқатга айланишига заррача шубҳа қилмас эди: ички сезгиси уни

ҳеч қачон алдамаган. Ҳозир у тўхтатиб бўлмас, даҳшатли ҳалокат яқинлашаётганлигига ишончи қопил эди.

Қўнгли саросимада қолган Исо шаҳар маркази томон йўл олди. Кутилмаганда унинг вужудини ғалати қатъият эгаллаб олди. У ҳаммасини ўз кўзи билан кўриши керак. Майли, у айтарли катта амалда бўлмаса ҳам, барибир, юз берган ҳодиса учун жавобгарлик унинг ҳам зиммасига тушади.

Шаҳарда ғала-ғовур тиимас эди. Гўё ҳар нарча ер қичқирарди. Ҳамма ёқда олов тиллари ҳилпирар, деразаларнинг кўзларида олов қутурар, у шифтларни қарсиллатиб ютар, девордаги ёриқлардан ҳуштак чалиб ўтар, шамол қанотида гувишлар эди. Бутун осмон қора тутун билан қопланган. Қуйган дарахт, кул бўлган латта ва нефтнинг заҳарли ҳиди нафасни бўғар эди.

Яқин орада гўё тутундан бўғилгандай ноаниқ товушлар эшитилди. Қандайдир одамлар телбаларча бефарқлик билан қўлларига илинган ҳамма нарсани синдирар ва бузар эдилар.

«Халқ ғазаб ва аламини узоқ вақт ичига ютиб келди. Энди сабр косаси тўлиб-тошди,— ўйлади Исо.— Нақадар даҳшатли фалокат! Лекин ахир... Тўғри, кўп нарсаларни ёқиш керак албатта, аммо фақат Қоҳирани эмас-да. Улар нима қилаётганларини ўзлари ҳам тушунишмаяпти. Ахир бутун бошлиқ инглиз дивизияси ҳам бундай вайронлиkning ўндан бирини қила олмас эди. Ҳа, канал бўйидаги жанг тамом бўлди. Юраги сезиб турибди: жангда биз ютқаздик. Ҳукуматнинг солдатлари йўқ, ўт қўювчиларни ким тўхтатади? Наҳотки, азим шаҳар ёниб кул бўлса? Наҳотки ҳаммаёқ вайрон бўлиб, турли касалликлар авж олса, бошбошдоқлик бошланса? Наҳотки инглизлар «тартиб ўрнатиш учун» Қоҳирага қўшинларини олиб кирса? Наҳотки ваҳшиёна бузғунчиликка ўч бўлган одамлар мустақилликни, Ватанга муҳаббатни, энг яхши келажак ҳақидаги орзуларни унуттишса?

Бир-биридан даҳшатли ўйлар тинимсиз унинг ми-
сини кемирарди. Сўнгги умидларини ҳам сўндириб, юра-
гини ғаш қиларди.

Кўча муюлишида, катта бино соясида турган бир
гуруҳ одамларни кўриб қолди у. Улар қичқири-
шарди:

— Ёндир!.. Вайрон қил!.. Яшасин Ватан!

Исо уларга яхшироқ қарашга ҳам улгурмади: одам-
лар мавжли оқими уни илгарн суриб кетди. Мана шу
башареларни қанчалнк лаззат билан бўғиб ўлдирншни
истарди шу онда у! Йўқ, бундай одамлар бирор-бир пар-
тияга мансуб бўлишлари мумкин эмас. Улардан сотқин-
лик ҳиди келаётир. Бир лаҳза унга шундай туюлдики,
кўчадаги бўғиқ ҳид, ана ўша кишилардан тарқаётган
ифлос ҳиддан янада бузилгандек бўлди.

Алам билан чуқур нафас оларкан, у қалтираган ҳол-
да ўз-ўзича такрорларди: «Ёндир, вайрон қил, яшасин
Ватан!.. Миср солдат ва офпцерлари бекорга жон бе-
ришганмиди? Агар шундай давом этадиган бўлса, дунё-
даги барча яхшилик ва гўзаллик лаънатга лойиқ экан-
да».

— Йўқ.— деди бирдан у ўз-ўзига,— бунга йўл қўйиб
бўлмайди. Тезроқ министрликка бориш керак. Раҳбар
ташкilotлар шаҳарда нималар бўлаётганлигини билиш-
лари керак.

Аммо бу машъум соатда бирор-бир ерга етиб олиш
осон эмасди. Кўчаларда бирорта ҳам автомашина йўқ
эди, фақат уларнинг синиқ парчалари кўзга ташланар-
ди.

Қанал бўйида жанг қилган, милтиқ етишмаслигидан
шикоят қилган ҳалиги ёш ватанпарвар бу манзараларни
кўрса, бу вайронгарчиликка қақирувчи хитобларни эшит-
са нима дерди?

Ёнғинлар, бузилган уйлар ва магазинлар, бутун ша-
ҳарни қоплаб олган тутун, буларнинг ҳаммаси ақл бо-
вар қилмайдиган хунук ҳодисалар эди. Айниқса бундан

ҳам ёмон ва жирканчли томони — Қоҳира кўчаларида юз берган хиёнат эди¹.

Ҳамма ақлдан озганга ўхшарди.

Исо машаққат билан тўлғаниб турган оломон ичида зўрға нафас олган ҳолда бир лаҳза тўхтади. Наҳот сабр-тоқат шу зум уни тарк этди. Чамадони узун кўкимтир плашчига илашганча оёқларига урилар, оғритар эди. Қанал бўйидаги воқеалар ҳақида пухта ўйлаб тузилган, Исо министрға етказиши лозим бўлган доклад пунктлари бутунлай миёсидан кўтарилиб кетди.

Уни фақат ягона бир фикр қийнади: Бундан кейин унинг шахсий тақдири нима бўлади? Келажак пойтахт шаҳар куйиндилари каби туманли ва хира кўринади.

Қандайдир бир тинчгина, кичик кўчага буриларкан, Исо бирдан бир пайтлар кекса сенатор ал-Салғубий томонидан клубда айтилган шартномани бекор қилиш² тўғрисидаги жумлани эслади. У шундай деганди:

— Ҳаммаси худонинг иродасидан, бизнинг охиратимиз яқин.

Исо яқингинада ўтираркан, бу гапдан ҳайрон бўлганди:

— Эҳ, сиз сенаторлар! Сизни фақат ўз фойдангиздан бўлак нима ҳам қизиқтирарди?!— деганди у.

Кекса сенатор Исога ўгирилиб, ишонч билан такрорлаганди:

— Охиратимиз яқинлашди, сиз нима деб ўйлаяпсиз? Бандасини не кўйга солишни оллонинг ўзи билади.

¹ Бу ерда тасвирланган воқеалар 1952 йил 26 январда Қоҳирада бўлиб ўтган эди. Стихияли равишда Миср ватанпарварларидан ўч олишга қарши ўтказилган Сувайш канали соҳилларидаги бу оммавий намойишда инглиз иғвогарлари томонидан ўт кўйишлар ва аҳолини қириш каби манфур ишлар содир бўлганди.

² Бу ерда 1936 йилги асоратга соладиган Англия — Миср шартномаси кўзда тутилмоқда. Шартномага кўра, Англия Сувайш канали бўйида ўз қуrolли кучларини тутиб туришга эришган эди. 1951 йил 15 октябрда Миср депутатлар палатаси бу бир томонлама шартномани бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

— Ахир бу бизинг шонли тарихимиздаги энг қутлуғ воқеа-ку!— хитоб қилди ҳаяжондан титраган овоз билан Исо.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай,— мўйловларини силаркан, қўрққанча унинг фикрига қўшилганди сенатор,— қандайин бахтли замонлар... Варибир, бу охир замон.

Ўша кунлари умумнинг шодлигига сабаб бўлган кекса сенаторнинг сўзлари чақириқ бўлиб янгради.

Мана, ҳозир ҳам Қоҳира ўт ичида, кўчаларнинг мўйишларида эса сотқинлар яширинган. Йўқ, йўқ! Халқ унга қарши чора кўра олади. Уларнинг ҳаммаси халқнинг ғазаби денгизида гум бўлишади.

Вайрон этилган кўча нимаси биландир ўладиган даражада яраланган катта ва кучли ҳайвонни эслатарди.

Қандай йўл билан бўлмасин, ўз уйига етиб олишга қатъий қарор қилган Исо бир оз ҳушёр тортди. Ниҳоят, ал-Дукканинг ¹ таниш манзараларини кўргунича орадан бугун бир аср ўтгандек туюлди.

2

Исо хуфтонда Шукрий пошодан хабар олгани жўнади. Унинг уйи яқин — пиёда юрганда ўн беш минутлик йўл эди.

Пошо Исони ўзининг иш кабинетида қабул қилди. Бу одам унча узун бўлмаган, озгинроқдан келган бўлиб, катта ва кенг креслода яна ҳам кичик кўринарди. Унинг думалоқ, ҳамиша самимият ёғилиб турадиган ажиндор юзи бугун тунд эди. Ҳамиша пўрим ва хушбичим кийинадиган бу киши бугун унчалик қойилмақом қилиб тикилмаган кул ранг-кўкимтир рангдаги инглизча костюмда эди. Тақир бошида — қизил фас.

Улар одатдагига нисбатан шошилишча салом-алик қилишди, бунга шароитнинг жиддийлиги сабаб эди. Исо

¹ Ал-Дукка — Қоҳиранинг бир райони.

Ўзини бу ерда анча ноқулай ҳис қилди. Ниҳояти бир ой олдин Исо пошонинг гарчи мансабга кўтариллиб, ҳукумат доирасига киришга интилиб юрганини сезса ҳам, бўш турган министрлик мансабига тавсия этиш хусусида бир қарорга келолмаган эди. Ҳозир Исо ўзининг бу қатъиятсизликдан иборат қилмишига сидқидилдан ачинар эди.

Сўнгги вақтларда чол аслида қизғин фаолиятдан қолган, фақат сенатнинг бюджет комиссиясидагина ҳамон иштирок этарди. Ҳозир Исо унга худди ўзининг тақдирига ачингандек ачинди.

Ҳаммадан кўра бу одамнинг бўлиб ўтган барча ҳодисалар ҳақида қандай фикрда эканлигини билишга қизиқарди у.

Исо ҳурмат юзасидан қачон Шукрий пошо бу ҳақда гап бошлашини сабр билан кутиб турарди. Аммо у одам креслога қулай ўрнашиб олганча, пинагини бузмасди. Кўнгилсиз воқеалардан изтироб чекишга қарамасдан, пошо ўз уйида эркин жамиятдан ўзини четга олиб яшаётганлигидан бўлса керак, сезиларли даражада ўзгарган, ҳатто сўнгги марта кўрганга нисбатан анча яшарган ҳам эди.

Ниҳоят Шукрий пошо бармогидаги никоҳ узугини тўғриларкан, сўз қотди:

— Ҳа... Бугунги кунни биз узоқ вақт эслаб юрамиз...

— Мен ҳам унча-мунча нарсаларни кўришга муяссар бўлдим,— деди Исо пошони ошкора суҳбатга тортишга ҳаракат қиларкан.— Бу ҳақиқатан ҳам қаро кун бўлди.

Исо катта бошини қуйи эгди. Унинг қуруқ ҳурпайган сочлари ҳар томонга тарқалди. У кутилмаганда гавдасини тиклаганча, уюлган қошлари остидан пошога тикилди.

— Демак, сен Қоҳира ёниб бўлгандан кейин келибсан-да?— сўради пошо.

— Ҳа, у ер дўзахнинг ўзи эди...

— Уйлашга осон... Сен соҳил бўйидаги воқеани... қандай баҳолайсан?

— Ёшлар куч-ғайратга тўла. Аммо уларда қурол

йўқ: Инглизлар билан полициямиз зулми ҳамманинг жон-жонидан ўтди кетди...

— Эй, худо!

— Ҳа,— алам билан деди Исо,— биз ўзимизни тутолмай, жаҳаннамга қараб...— сўзлари унинг томоғига тиқилди.

Суҳбатдошларнинг қўрқув тўла кўзлари учрашди.

— Одамлар бизнинг ҳақимизда нималар дейишяпти?— базўр эшитиладиган даражада секин сўради пошо.

— Деярли ҳамма ватанпарварлик руҳида. Аммо бизнинг душманларимиз халқни чалғитиш мақсадида гўёки канал бўйидаги воқеаларни бизларга тўнкаб, ёлғон-яшиқ гаплар тарқатишяпти.

Пошо истеҳзолли кулпмсиради.

— Аҳмоқлар... Улар ҳамма вақт бирон гап топадилар... Яхшиси қаҳва ичайлик,— таклиф қилди у Исога кичик столча устида турган кумуш қаҳва чойнаги ва патнисдаги печеньега ишора қилиб.

Чашкаларни тўлдириб, улар секин қаҳва ҳўплай бошладилар, аммо бундан ҳеч қандай лаззат олишмасди.

Исо кабинетга кўз югуртирди — қимматбаҳо ёзув столи тепасидаги деворда Саъд Заҳлул¹ портрети осифлиқ турарди.

— Тасаввур қилинг-а, мен ҳалигача министр билан алоқа боғлаёлмаяшман.

— Қизиқ, ундан нима истар эдинг!— хитоб қилди пошо.— Министр? Қани унинг ўзи, деган савол туғил-

¹ Саъд Заҳлул (1860—1927) — Мисрнинг таниқли ижтимоий-сиёсий арбоби, 1923 йилда тузилган ва 1952 йил монархия тахтни эгаллагандан кейин тугатилган Вафд номли буржуазия партиясининг асосчиси. Саъд Заҳлул Мисрнинг биринчи жаҳон урушидан кейин кенг авж олган миллий-озодлик ҳаракатига катта таъсир кўрсатган. 1924 йилда тузилган биринчи Вафдчилар ҳукуматига раҳбарлик қилган.

майдами? Полиция! Армия! Ҳаммаси осмонга учиб кетди. Оёғи осмондан келди!..

— Наҳотки шу пайтгача ёнғинлар тугамаган бўлса? Исонинг саволи жавобсиз қолди.

Қаҳвасини ичиб бўларкан, Шукрий пошо креслода ястаниб бир оёғини иккинчи оёғи устига қўйди — унинг ярақлагунча артилган қора туфлиси қаҳва столининг оёқчаларп билан бирлашиб кетгандек эди.

Панжара ортида камин печли деворга бир текисда ёнаётган олов овози эшитиларди. Исо беихтиёр енгил тебраниб турган аланга тилларига маҳлиё бўлиб тикилиб қолди: олов яллиғи унга иссиқлик сочарди. У нима учундир ўтга топинувчилар ҳақида ўйлади. Кейин унинг диққати классик услубда ясалган мебелларга қўчди. Улардан бойлик, улуғворлик ва айни пайтда нимаси биландир ғамгин кайфият туғдирувчи, замони ўтганликни билдирувчи таассурот қоларди.

Шукрий пошо ниҳоят ишончсиз ҳолда эҳтиётлик билан жавоб қилди:

— Олов ўз ишини қилиб бўлгач, ёнғинларга чек қўйилади.

Исонинг думалоқ кўзлари қизиқсиниш билан ёнди: Шукрий пошо афтидан ниманидир биладиганга ўхшайди...

— Балки бу воқеаларнинг барчаси оломоннинг тен-такларча норозилигидан келиб чиққандир?— сўради Исо тагин уни ошкора суҳбатга тортишга уринаркан.

Шукрий пошо ўзини тутган ҳолда кулимсиради.

— Норозилик ҳам бор эди, аммо унинг остида нафрат яшириниб ётибди. Норозиликни ҳақиқатан ҳам ифодалаш қийин. Аммо нафрат ҳамма вақт аниқ мақсад билан амалга оширилади.

— Ҳукумат тепасида бизнинг партиямиз тургани ҳолда бу ҳодиса қандай содир бўлиши мумкин ахир?

Қуруққина кулиб қўяркан, Шукрий пошо жавоб қилди:

— Бугунги кун худди қоп-қоронғи, булутлар билан қопланган кечанинг ўзи. Бир оз сабр қил, боши қаерда-ю, оёғи қаердалигини аниқлаб оламнз...

Исо оғир нафас олди ва қўрқа-писа сўради:

— Мабодо бу ерда бошқа партияларнинг қўли бўлмасин?

Шукрий пошо нафрат билан лабларини бурди:

— Бундай бўлмаса керак. Улар шунчалик заифки, бирор нима қилишларига ишониш қийин.

— Ахир ким айбдор бўлмаса!— хитоб қилди Исо пошога ишончсизлик билан тикиларкан.

— Буларнинг ҳаммаси сен ўйлагандек жўнгина эмас. Барча буйруқлар пошо саройидан берилган бўлса керак, ким билади, бундай ишларда пихини ёрган инглиз жосуслари ҳам иштирок этгандир. Шахсан менпнг фикримча, бошда кураш стихияли равишда туғилган, кейин эса ёмон ниятдаги кишилар бу олижаноб ҳодисадан усталик билан фойдаланишган...

— Канал бўйидаги кураш нима билан тугаркан?— сўради Исо қалби тубида ётган қўрқув ҳиссини яна уйғонаётганини сезаркан.

Шукрий пошо одатга айланиб қолган, оппоқ мўйловини бураганча жим ўтирарди. Бошини орқага ташлаганча бир қанча муддат қандил нурига ғарқ бўлган шифтга тикилди. Сўнг қаршисида сукут сақлаб ўтирган ёш йигитга хафақонлик билан қаради.

Ўзини тетиклаштириш ва уни қийнаётган қалбидаги қўрқув ҳиссини ҳайдаш мақсадида Исо хптоб қилди:

— Ким бизнинг курашимизга қаршилиқ қилса, у яхшилик кўрмайди!

Аммо бу сўзлар пошога ҳеч қанақа ҳамдамлик ҳисси туғдирмади. Юзида ишончсизлик ифодасини сақлаган ҳолда Шукрий пошо қўшимча қилди:

— Қўрамиз, кўрамиз... Энг муҳими, бу воқеалар нималарга олиб келаркин...

— Мен бугун мана иккинчи марта,— гап бошлади Исо,— сенатор ал-Салғубийнинг шартнома бекор қилингандан кейин айтган: «Ҳаммаси худонинг иродасидан. Бизнинг охиратимиз яқин...»— деган сўзларини эслаяпман.

— Йўқ, йўқ, қизиқмисан. Нима деяпсан ўзинг?!— деди Шукрий пошо масхараомуз кулги билан.— Ҳатто бизни оғир мағлубият кутаётган бўлиши ҳам мумкин, аммо нимаики бўлмасин, бизни ҳеч ким парчалаб ташлолмайди ва биз ҳатто охир-оқибатда илгаригидан ҳам кучлироқ бўламиз...

Телефон жиринглади. Пошо трубкани кўтарди. Эшитгани сайин унинг юзида қайғули ифода ошиб борди. Гаплашиб бўлгач, у Исога деди:

— Фавқулодда ҳолат эълон қилинган...

Хонага оғир жимлик чўкди. Исо бу жимликни биринчи бўлиб бузди:

— Балки... жиноятчиларни қўлга тушириш учун шундай қилиш керакдир,— ғўлдиради у.

Ўзининг серташвиш ўйларига ғарқ бўлган Шукрий пошо анча вақт ҳеч қандай жавоб қилмади.

— Бу қанақаси бўлди, ҳукумат тепасида бизнинг партиямиз турган бўлса-ю, фавқулодда ҳолат нимаси,— яна қўшди Исо ва ташвиш билан қўшимча қилди:— Шу ҳам гап бўлди-ю...

Қовоқларини уйганча Шукрий пошо тундлик билан деди:

— Бу ерда бизнинг партиямизнинг нима дахли бор? Биз ҳеч нарасада айбдор эмасмиз!

3

— Мана, министр канцелярияси бошлиқлигидан туширилдим ҳам,— деди Исо.— Менинг архивга ўтказилганим ҳақидаги буйруққа қўл қўйилди.

Онаси унга диққат билан тикилиб турарди. Унинг

кексаликка хос оқарган юзида бир-бирига яқин ўрнашган қуруқшаган лаблари, кескин няги қатъий ифода берарди; кўзлари эса кўпдан бери равшанлигини йўқотган эди.

— Қайғурма,— овутишга ҳаракат қиларди она ҳайрон қоларли даражада ўзига ўхшаш бўлган ўғлини.— Гоҳида ундай, гоҳида бундай. Пешанангдагини кўрасан. Оллои таоло бизни ҳам унутмас...

Улар она-бола меҳмон кутишга мўлжалланган хонада ўтиришарди. Балконнинг кўчага чиқадиган ойнаванли кенг эшиги маҳкам ёпилган эди. Дераза ортида шамол дарахтларнинг баргларини учирарди. Осмонда булутларнинг ҳам қовоғи солиқ, гўё пастда, ерда бўлаётган воқеалардан улар ҳам норозидек эдилар.

Шу кунларда ҳукумат истеъфога чиқишга мажбур бўлганди. Кўпчилик масъул амалдорлар, айниқса соҳил бўйидаги тўқнашувларга қандай бўлмасин алоқада бўлганлар мансабларидан олиб ташланган эди.

Исонинг онаси бўлиб ўтган бу воқеаларда ҳеч қандай хавфли парса кўрмади. Унинг учун қайғуришга ҳеч қандай ҳожат ҳам йўқ эди: у шунга ўрганиб ва ишониб қолган эдики, бу беқарор сиёсатда бўлиб турадиган ҳар қандай ўзгаришлар ҳамиша бўлиб келганидек унинг суюкли ўғлига наф келтирар эди. Кекса ва саводни кам бу аёл атрофда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатар, бу воқеалар пировардида ўғлининг мавқеи ва тақдирига таъсир қилишини яхши англар эди. У ўғли билан ҳаддан ташқари фахрланарди, нимаки гапирса, ҳаммасини ҳақ деб билар, хизмат соҳасидаги муваффақиятли силжишларидан ҳаяжонга тушарди. Бўлмасамчи, ахир унинг марҳум эри умр бўйи ҳеч ким танимайдиган кичик бир хизматчи бўлиб ўтган эди-да!

Шу кунга қадар Исо моҳирлик билан ўзига йўл очиб келди, ўзига рўпара келган барча қарши оқимларни енгиб ўтди. Сиёсий курашнинг бўронли тўлқинлари уни маҳв қилиб юборишига оз қолган пайтлар ҳам бўлди,

аммо у муваффақият билан илгари босди, илгари босганда ҳам ҳар сафар хизмат зинапоясининг янада юқори-роқ поғонасига кўтарилди.

Мана бу ажойиб уйни айтмайсизми? Шунинг ўзи ҳам Исонинг сўнгсиз ғолбиятлари гувоҳи эмасми? Бу мафтункор, кўзларни қувонтирувчи мебеллар-чи! Ҳатто подшо ва министрлар унинг ўғлинигига ташрифларини канда қилмайдилар!

Тасбеҳининг йирик маржон доналарини илгаригидек эркин букилмайдиган бармоқлари билан бир-бир ўғираркан, бу кекса аёл оллоҳдан ўғлининг омадини тилар, кейинги воқеаларнинг ўғли учун безарар ўтишини илтижо қиларди. У атрофда бўлаётган ҳодисаларга унчалик тушунмасди ҳам, шунинг учун бирмунча хавотирланарди: буларнинг барчасига кўз сабабчи эмасмикан, кўзи-кишмаганмикин?

— Уйлаб кўринг,— титроқ овоз билан деди Исо,— бизнинг партиямиз ҳокимият тепасига келганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Бизни бу билан тўртинчи марта ҳокимиятдан олиб ташлашга уриниб кўришди. Ахир бизгина, ҳа, фақат бизгина мамлакатга ҳукмронлик қилишга қонуний ҳақлимиз-ку...

— Хафа бўлма, ўғлим, асосийси тан соғлиқ,— тинчлантиришга уринди онаси.

Исонинг юзига аччиқ истеҳзо ифодаси қалқди. Аммо у онасини ўзининг шубҳалари билан ташвишлантириш-ни мутлақо истамасди. Ўзини зўрға босган ҳолда тетиклик билан:

— Яхшиси, олдда турган имкониятлардан фойдаланиш, шахсий ишларни бажариб қолиш керак,— деди.

Онасининг ҳорғин кўзларига жон кирди.

— Бу гапинг бўлак гап, болам. Уйланишинг ҳақида бош қотиришингга аллақачон вақт етган. Ҳатто ажойиб қиз ҳам топиб қўйибман. Унинг отаси, шубҳасиз розилик беради.

Исо жилмайганча сўради:

— Ҳукуматнинг олий мансабига кўтарилиб олганимдан кейин уйланганим яхши эмасми?

Унинг кутилмаган хушчақчақлиги кекса аёлни хурсанд қилиб юборди.

— Сенинг мансабинг шундай ҳам юқори,— деди у,— ҳамма биладики, энг масъул мансабларга биринчи номзод сенинг ўзинг. Алибек Сулаймон бу ишларни ҳаммадан яхшироқ тушунади. У сенга қариндош бўлади. Эҳ, марҳум отангни қанчалик севарди у...

«Ҳа, буларнинг ҳаммаси ҳам тўғри-ку,— ўйлади Исо, Алибек Сулаймон отасига амакивачча бўлади.— Муҳим мансабдаги амалдор, сарой давраларида эътиборли. У билан қариндошлашиш сиёсий бўронларнинг ҳар қандайи ҳам кўрқинчли бўлмай қоладиган қирғоққа чиқиб олишнинг ўзгинаси. Унинг қизи Сальвага келганда эса, шунини айтиш мумкинки, ҳақиқатан алоҳид қиз. Одамлар аллақачонлар Ҳасаннинг синглисини менинг хотинимга чиқариб қўйган. Ахир Сальвани Ҳасаннинг синглиси билан тенглаштириш мумкинми?»

Тўғри, Сальванинг онаси қандай йўл билан бўлмасин ўз танишлари даврасида шуҳрат орттиришни ўйлади. Исога омад келгани яна шундаки, бўлажак қайнанаси куёвнинг порлоқ келажагига, тезда уни министр сифатида кўришига Исонинг ўзидан ҳам қаттиқ ишонади. Исо бир пайтлар Сальвага ўйланиш ҳақида оғиз очганда, у аёл очик айтган: уни одамнинг бойлиги эмас, жамиятда тутган ўрни қизиқтиради. Ахир эндигина ўттиз ёшга етган ёш йигитнинг олий даражадан сал пастроқ амалдорликка эришиши ҳазил гапми? Бўлғуси қайнанага чет элларда маълумот олган ёшлар айниқса ёқади. Тўғри, у чет элда ўқигани йўқ, аммо Лондонда бутун бир йил элчихонада хизмат қилди ва ҳатто бир вақтнинг ўзида Миср миссиясининг энг муҳим музокараларида масъул котиблик вазифасини бажарди.

Сальвага алоқадор нимаики нарса бўлса, Исони кучли ҳаяжон чулгарди. У қизнинг фотосуратига қайта-

қайта тикиларкан, унинг гўзаллигига ҳар сафар ҳайрат билан боқарди.

— Тасаввур қиласизми, Сальвани кўрмаганимга ҳам минг йил бўлди-ёв!— кутилмаганда ҳаяжон ичра деди у онасига қараб.

— Бу сенинг катта хатоинг. Ишнинг кўплиги, уму-ман ўзингни оқлашингга сабаб бўлолмайди. Алибек Сулаймондек яқин қариндош билан ҳамиша яқин муносабатда бўлиш керак...

Аммо Исо онасидан ҳақиқатни сир тутарди. Ҳақиқатда эса у Сальванинг отасидан қизининг қўлини сўраган эди. Шу дамда у буларнинг ҳаммасини онасига ётиғи билан тушунтириб беришга муносиб сўзлар қидирарди. Аммо шу вақт хонага кекса хизматкор хотин Умм Шалабий кирди ва унинг амакиваччаси Ҳасан келганини билдирди.

Бу номни эшитаркан, Исони қарама-қарши ўйлар чулғаб олди. Бу ўйлар орасида айниқса душманга нисбатан бўлган нафрат ҳисси, ёмон кўрган кишингга нисбатан бўладиган табиий инсоний нафрат ҳукмрон эди.

Хонага Ҳасан Али-ал-Дибоғ кирди. У ўрта бўйли, қирра бурунли, юз ифодаси кескин, янги кенг, равшан, ақлли кўзлари ёниб турадиган шу ерлик ёш йигит эди. Ҳасаннинг жуда яхши кайфиятда эканлиги сезилиб турарди. У холасининг қўлини ўпди, Исо билан ҳол-аҳвол сўрашди, Исо эса унинг саломига ўз титроғини аранг яшириб жавоб қилди. Ҳасан чой қуйишни сўраганча Исо билан ёнма-ён ўтирди. Қарийб бир ёшда бўлган бу икки йигит тақдирнинг тақозоси, тўғрироғи, сиёсат тақозоси билан узун ижтимоий нарвоннинг турли поғоналаридан жой олган эдилар. Исо Ҳасандан жуда кўп ўтиб кетди: у аллақачонлардан бери олий даражадаги амалдорлар ёнидаги пиллапояни эгаллаган; Ҳасан эса унинг даражасига нисбатан бешинчи даражада. Бакалаврлик даражасини олган бўлса-да, Ҳасан армияда хизмат қилишни ҳаммадан юқори қўйди.

— Қандай яшаяпсизлар у ёқда энди?— сўради Исонинг онаси.

— Раҳмат, ҳаммамиз яхши — онам ҳам, синглим ҳам...

Холавачча — синглиси эслатилганидан кейин Исонинг аъзойи бадани янада қаттиқроқ титраб кетди. Бу титроқ қизнинг гўзал бўлмагани учунгина эмас, шунчаки мана шу кўп йиллик рақибининг синглиси бўлгани учун эди. Ҳа, улар Ҳасан билан бир-бирларидан яхшилик кўрмаган, доимий рақиб эдилар. Буларнинг ҳаммасига сабаб — сиёсат эди. Фақат сиёсатгина уларнинг орасини бузди. Исонинг муваффақият билан юқори мансабларга кўтарилиши, Ҳасаннинг йўлларига тўсиқ тушиши, мана шу сиёсат туғайли бўлди. Сўнгги пайтларда улар деярли учрашишмасди, лекин Ҳасан ўз бўласи билан мутлақо алоқасини узиб кетишни истамасди. Ҳатто у ўз синглисининг Исога турмушга чиқишини истарди ҳам.

Ҳаммадан ҳайрон қоларлиси шуки, Ҳасан ҳам Исодан бир неча кун кейин умумий қариндошлари бўлмиш Алибек Сулаймондан қизи Сальванинг қўлини сўради. Бундан хабар топган Исо нафрат билан кулганди: «Ё олло! Бу йигит афтидан ўз баҳосини биладиганга ўхшайди-ку!»

Шундай бўлса ҳам қанчалик ёмон кўришига қарамасдан, Исо зимдан унга холис баҳо берар — унинг гавдасининг келишганлигига, ақлига тан берарди.

— Эшитишимча,— ҳамдардлик билан деди Ҳасан,— сени архивга ишга ўтказишармиш... Жаҳлинг чиқмасин... Сен ахир эркаксан, ҳар қандай синовга тайёр бўлишинг керак.

— Хафа бўлишга арзийдиган сабабнинг ўзи йўқ-ку,— қизгин баҳсга аралашди Исонинг онаси.

— Мен ҳамма вақт шу хусусда гапираман. Аммо одамлар... Нега одамлар доим қудратли одамларни тинч қўйиб, кичикроқ одамларга осилишади.

Ҳасаннинг ҳамдарилиги Исони янада ғазаблантирди.
У ғурур билан жавоб берди:

— Бизнинг партиямиз аъзолари турмага тушиб қолишлари ҳамда хўрлик-ҳақоратларга дуч келишлари мумкинлигини ҳеч қачон эътибордан қочирган эмаслар...

Чой ҳўпларкан, гўё Исони баҳса чорлагандай Ҳасан табассум билан қўшимча қилди:

— Сизларнинг баъзи бир арбобларингиз ҳақиқатан ҳам турмада ўтиришибди ва маҳбуслик жабрини тортишяпти, ўзгалар бўлса, кўп вақт савдо билан банд...

Исонинг онаси хонадан чиқиб кетди: намоз вақти бўлганди.

Исо ғазабдан тутоқди, у Ҳасан «бошқалар» деганда кимни назарда тутаетганлигини тушуниб турарди.

— Сал секинроқ,— огоҳлантирувчи овоз билан деди у.— Ўша «бошқалар» менинг юрагимдан қанчалик чуқур жой олганини сен билиб қўйишинг керак.

Ҳасан кулимсиради.

— Атрофдаги ҳамма нарса вайрон қилинаётир, бизлар ҳам бу эски дунёни асосигача йўқ қилишга ёрдам берсак ёмон бўлмасди!

— Чакки эмассиз-ку! Сўрашга рухсат этинг, миллий масалаларимиз билан ким шуғулланади?— истеҳзо билан сўради Исо.

— Наҳотки сен ҳақиқатан ҳам ўша бетамиз, ақлдан озган сенаторлар олдимиздаги масалаларни ҳал қилиб беради деб ўйласанг-а?

— Сен уларга холис баҳо беришга лаёқатли одам эмассан.

— Мен уларни қандай бўлишса шундай кўраман...

— Сен бизнинг партияга қарши бўлган газеталарнинг бўлмағур фикрларини такрорлаганинг-такрорлаган.

— Мен фактларга ишонаман,— ишонч билан жавоб қилди Ҳасан,— ва ўйлайманки, ёшлар ўз куч-қудратига етарли даражада ишонишлари керак.

Исо аранг ўзини босиб турарди.

— Вайронгарчиликка чақириқ жуда хавфли. Хиёнаткор бўлма, биз подшони ўз ўрнига чиқариб, унинг конституция билан ҳисоблашишига эришсак, мустақилликка эришган бўлардик.

Ҳасан ёйилиб кулди ва чойли стаканни оларкан, юмшоқлик билан деди:

— Сен содиқ ва ишончли одамсан. Аммо ана шу кўркўрона садоқатнинг оқибатида, бундай садоқатга лойиқ бўлмаган одамлар билан яқинлашдинг. Менга ишон,— давом қилди у,— мамлакатда ҳамма нарса коррупциядан¹ зарба еди ва емирилди. Қандай йўл билан бўлмасин бойиб қолиш — мана бугунги ҳукумат тепасида турганларни ҳаммадан кўра қизиқтирадиган масала. Наҳот сен ҳамма жойдан чуруқ ҳид бурқсиётганини сезмаётган бўлсанг? Қандай йўл билан сен бизни бу ботқоқдан олиб чиқиш мумкин деб ўйлайсан?

Ҳовлидан онанинг овози эшитиларди, у худога сиғинарди. Исо бир оз ҳовуридан тушди. Ахир нима бўлганда ҳам Ҳасан унинг меҳмони-ку. Аммо ҳеч қандай куч Исо-ни унинг фикрига қўшилишга мажбур қилолмасди. У ҳеч қачон бу ишни қилмайди. Ўжарлигининг ўзи ҳам бунга йўл қўймайди. Шундай бўлса ҳам... Чуқур изтироб борган сари қалбнинг тубини кемирарди. Унинг дунё ҳақидаги тасаввурлари барбод бўлди, у шу кунгача сиғиниб келган ишонч саробга айланди.

Ҳасан ҳозир унга қотилликлар, ёнғинларнинг сабабчилари, буларнинг сирлари нимада эканлиги ҳақида, инглизларнинг тутган йўллари, ҳамон давом этаётган қамоққа олишлар ҳақида гапирди. Айниқса ўз фикрини исботлади.

— Менга коррупциядан зарар кўрмаган бирор жойни кўрсат-чи!

¹Коррупция — ўзгалар ҳуқуқини тортиб олиш.

Исо учун бу суҳбат қанчалик нафратланарли ҳодиса эди!

Кутилмаганда унинг эсига аллақачонлар унутилиб кетган бир воқеа тушди. Унда ҳали бола эди, отаси билан бирга қариндошлари Алибек Сулаймонларникига меҳмонга боришган, Исо ошхонада ёлғиз қоларкан, буфетнинг ярим очиқ яшигида бир плитка шоколадни кўриб қолиб, уни олиб чиқиб кетган эди!

Орадан қарийб чорак аср ўтса ҳамки Исо бу ёқимсиз воқеани хотирасидан ўчириб ташлолмади. Бунинг устига Ҳасан (жин ургур Ҳасан) ўз ҳужумини тўхтатмасди.

— Нима истайсизлар ўзи сизлар?— ҳорғин сўради Исо.

— Тўнғиб қолган томирларга янги, тоза қон қуймоқчимиз.

— Уни қаердан оласизлар?

Ҳасан икки қатор оппоқ тишларини ярқиратиб кулди.

— Мамлакат ҳали бутунлай ўлимга маҳкум бўлгани йўқ,— деди у.

— Балки сен бизнинг партиядан ортиқроқ ишончга эга бўлган бирор-бир кучнинг номини айтарсан?— титраб-қақшаб сўради Исо.

Ҳасан истеҳзо билан қаради, аммо ҳеч қандай жавоб қилмади. Ҳовлидан ҳали намозини тамом қилмаган онанинг кексаларга хос овози эшитилди.

— Ҳўш, нима қилиш керак дейсан, ахир?— давом қилди масаланинг моҳияти, тубига етишга интилиб Исо.

— Мана шу шайтонга, агар у чўкаётган кемани қутқаришга киришган бўлса, ёрдам қилиш керак...

— Ахир ҳанузгача шайтон ҳеч нимани қутқазिशга интилмаган!

Ўз рақибининг нигоҳига чидаш беролмаган Исо кўзларини бошқа ёққа олди ва бутунлай эътиборсизлик билан деразага, унинг ортидаги алангаланиб турган қизғиш уфқ шуъласига тикилди.

— Ҳаммадан олдин, инглизлар, подшо ва эски партиялар даф бўлишсин, кейин биз ўз фикримизни айтаминиз!— хитоб қилди Ҳасан.

Исо аччиқ кулди.

— Қоҳиранинг ёнғинга учраши кўрсатдики, хиёнат хурматдан ҳам, халқдан ҳам кучлироқ экан.

Хонага Исонинг онаси кириб келди. Унинг юзлари шамолдан бир оз қизарган эди.

— Наҳотки суҳбат учун бошқа гап топилмаса,— дея хўрсинди у ва ўз ўрнига ўтираркан, Ҳасандан сўради:

— Хўш, сен қачон уйлапмоқчисан?

Исо тагин Ҳасаннинг Сальванинг қўлини сўраши воқеасини эслади. Ҳамиша ўзини хокисор қилиб кўрсатади, аслида муғомбир,— алам билан ўйлардн у амаки-ваччаси ҳақида. Афтидан у ҳам бошқаларга ўхшаб, ўз аҳволини яхшилаб олиш учун қизнинг пулларига кўз олайтиради.

Ҳасан онага кулимсираб деди:

— Ҳар хил кутилмаган ҳодисалар бўлавериб кечик-япти...

— Онанг бизни қачон йўқлаб келади?

— Турар жойларингиз анча узоқ-да... Аммо у барибир, албатта келади...

Кетишидан олдин у Исога деди:

— Бугун кечқурун қаерга бормоқчисан?

— Клубга,— бир оз қўрсроқ, аммо осойишталик билан жавоб қилди Исо.

— Хўш, бўлмаса, муваффақият, кўришгунча хайр,— хайрлашди Ҳасан эшикка томон йўл оларкан.

4

Ниҳоят, узоқ кутилган унаштириш тўй куни ҳам келди. Тантана Алибек Сулаймоннинг Гелиополисдаги¹

¹ Гелиополис — Қоҳира яқинидаги жой.

ховлисида ўтди. Бу ерда мусулмон ақидаларига унчалик ҳам амал қилинавермасди: ҳатто уй одатдаги анъанага кўра эркак ва аёлларни айрим-айрим кутишга мўлжалланмаган ҳам эди.

Меҳмонларни дид билан безатилган, бир-бирига ўхшаш учта катта залда кутиб олишарди. Уларнинг бирида Исонинг онаси ва унинг марҳум акасининг хотини — Ҳасаннинг онаси ўтиришарди. Бошқасида қариндошлар ва бошқа эътиборли меҳмонлар, Исонинг яқин дўстлари — Самир, Аббос ва Иброҳим ўтирарди. Ҳасан ҳам ўша ерда эди.

Энг катта зал алоҳида ҳурматга эга бўлган меҳмонларга ажратилган бўлиб, унда юқори даражали сарой амалдорлари — уй эгаси Алибек Сулаймоннинг дўстларини учратиш мумкин эди.

Кўзни қамаштирувчи қандил нурида, сершовқин, бегона одамлар орасида Исонинг онаси энг тантанали кунга атаб қўйган тўй кўйлагига ўзини ниҳоятда ноқулай ҳис қиларди. У атрофдаги одамларни ғира-шира кўрар, бегона кишилар назарига тушишдан ўзини олиб қочарди. Бурчакда ўтирган бу муштдеккина хокисор кампир куёвнинг — бу кунги қаҳрамоннинг онаси эканлиги кимнинг ҳам хаёлига келарди.

Алибекнинг хотини — Сусанна хоним — эллик ёшларда, юзи ва қоматида илгариги гўзалликнинг излари сақланиб қолган аёл — Исонинг онасини узоқ вақтлардан, ҳали ўзи келин бўлиб тушган пайтларидан бери биларди.

У ҳар замон-ҳар замонда кекса хотиннинг ёнига келар ва жилмайиб:

— Тортинманг, ўз уйингизда ўтиргандек ҳис қилинг...— дерди.

Ҳасан ўз фикрида қолганди. У ҳали ҳам ҳеч бўлмаганда гарчи яқиндан таниш бўлмаса-да, Исонинг яқин дўстларидан бири билан бўлса-да, сиёсий темада баҳс-лашишга уринарди. Унга таклифнома юбораркан, Исо

ичдан Ҳасаннинг тўй маросимига иштирок этмаслигига ишонарди. Аммо у келди. Бир неча минутдан бўён Исо яширинча Ҳасанни кузатаркан, унинг ҳаракатчан ва руҳан тетиклигига ҳайрон қолиб ўтирарди. «Ана йигит—хаёлидан ўтказди Исо,—гўёки дунёни сув олса, тўпига чиқмайдигандек». Аммо тезда Исо ўз хаёлларини тўплаб, Ҳасанни кузатишни бас қилди, меҳмонлар кўп, уларнинг ҳаммасига ҳам эътибор бериш керак эди.

Бу оқшом у ўз партияси раҳбарлари билан алоҳида эҳтиёткорлик билан муомала қилишга интиларди. Улар тўпланган залда вазият анча жиддий эди: бу ерда партия арбоблари, сарой амалдорлари учрашиб туришарди. Кўплари биринчи марта бир-бирлари билан учрашишлари эдилар.

Алибек серғайрат мезбон ролини ўйнарди. У ҳаммага меҳр билан жилмаяр, гарчи саройда эътибори баланд кишиларга кўпроқ диққат қилса-да, ҳаммага бир хил муомалада бўлишга интиларди. Ўтмишда ўртамиёна адвокат бўлган бу одамга кунлардан бир кун подшога яқин кишилардан кимнингдир назари тушиб қолди-ю, шундан сўнг тезда уни суд идорасидан масъул вазифага кўтаришди. Унинг қатъий сиёсий эътиқоди йўқ эди. Узоқ вақтлар унинг қайси партияга мансублигини ҳеч ким билолмай юрди. Ниҳоят маълум бўлдики, Алибек сарой партияси «Ал-иттиҳод»га аъзо бўлиб, тезда подшога содиқ арбобларнинг бири сифатида танилди. Шундай бўлгач, унинг хизмат пиллапоясидан тез ва муваффақиятли кўтарилишининг ҳайрон қоларли ери йўқ эди. Ҳозир у адлия министрлигида энг юқори вазифалардан бирини эгаллаб турарди.

Алибек ноёб саломатлиги ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб турарди, унинг элликдан ўтиб, олтмишга кетаётганига ҳеч ким ишонмасди. Баланд бўй, қалин қошлар остидаги айёрона ялтираб турувчи қоп-қора кўзлар эгаси бўлган бу киши одатда бир қарагандаёқ кўпчилик назарига тушар эди.

Ҳа, Алибек ҳаётга мослашиш йўлини биларди. Шунинг учун ҳам унинг омади юришди. Фақат унинг Су-санна хонимга уйланишининг ўзи қанчалар фойда берди, хотинининг сепи унинг анчагина маблағ тўплаб олишига сезиларли таъсир кўрсатди, келиннинг оқсуяклар авлодидан бўлгани-чи.

Ҳозир у жуда аъло кайфиятда эди. У гоҳ бир, гоҳ иккинчи гуруҳ меҳмонлар ёнига келар, ҳаммага ҳазил қилиб кулар:

— Сиёсат ажратади, қувонч бирлаштиради!—дерди.

Шукрий пошо Исога айёрона бош силкитиб шивирлади:

— Сеннинг бўлажак қайнатанг подшо тарафдорлари билан бизнинг партиядагиларни бирлаштиришга уринмаяптими?

Улар билан ёнма-ён ўтирган Шайх Абдусаттор суҳбатни диққат билан тингларкан, шивирлаб қўшилди:

— Нима ҳам дердик, унда майли, партия иродасига бўйсунсин.

Шундай деркан, у деворда осиглиқ турган подшо Фаррухнинг портретига ҳадиксираб қараб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ,— кулди Исо,— ҳозир ҳатто Қоҳира қаҳвахоналарида ҳам подшони сўкишдан қўрқишмайди.

Сиёсий келишмовчилик олови ҳам бу оқшомнинг қувончли кайфиятига таъсир қилолмади. Ҳаммадан ҳам Исони таниб бўлмас эди. Гўё сиёсат дувёсини бутунлай унутган эди. Унинг юзи қувончдан нур сочар, кўзлари ғурур билан ёнарди. Унинг бахтининг чек-чегараси йўқ эди. Йўқ, уйланиш унга бойлик ва жамиятда юқори даража бераётгани учун эмас, сира унинг учунмас! Шунчаки у ўз севгилиги висолдан сарҳуш эди. Уни бу вақтда Қоҳирадаги ёнғинлар ҳам, ҳукуматнинг истеъфо бергани ҳам, ўзининг бошқа ишга — архивга ўтгани ҳам қайғуртирмасди. Сўнгги кунлардаги соҳил бўйи халқ намоёнлиқларига оид изтироблар ҳам унутилган эди. Юракда кўнгил гашлик учун ўрин қолмаган, келажак бахтли ва

ғуборсиз бўлиб кўринарди. Ҳаяжонланган ва сал бепарво кайфият билан у меҳмонларнинг у гуруҳи олди-дан бу гуруҳи олдига ўтарди. Мана у бўлажак қайна-наси Сусанна хонимга яқинлашди ва у билан бирга ноз-неъматларга тўла байрам дастурхонини кўриб чиқди, кейин ўзининг энг яқин дўстлари ўтирган зал томон йўл олди. Улар билан бир неча дақиқа бирга бўлди.

— О-ҳо, бу ерда ажойиб хонимлар жуда кўп,— деди Иброҳим Ҳайрат очиқ эшикдан қўшни залга кўз ташларкан.

— Қандай энди, онанг ниҳоят ўз мақсадига етди-ми?— ҳазиллашди Аббос Содиқ.

Исо бирдан онасини эслади. Ўғрилиб қараркан, уни бурчакда, байрам кўйлагига камсуқум бўлиб ўтиргани-ни кўрди. «Ҳар қалай, менинг онам Ҳасаннинг онасига нисбатан ўзини жамоат орасида яхшироқ тута била-ди,— онасининг бу хислатини хайрихоҳлик билан эс-ларкан ўй сурди у.— У бўлса қаёқ яхшироқ кўринса, аланглайверади».

— Жуда сержаҳл бўланг бор-да, у бизни Қоҳира-нинг барча ёнғинларидан ҳам кўпроқ қўрқитиши мум-кин,— ҳазил билан Ҳасандан зорланган бўлди Аббос.

Суҳбатга шу пайтгача индамай ўтирган Самир ара-лашди:

— Аммо аҳвол ҳар қалай жуда ташвишли.

— Ҳе, ҳеч нарса бўлмайди,— қўшилди Исо.

— Аҳвол, менимча ҳатто биз ўйлагандан жиддий,— ишонч билан хитоб қилди Самир.

— Тўғри, вазият сенга қандай туюлаётган бўлса, ҳақиқатан ҳам шундай,— кулди Ҳасан.

— Подшо ёлланма аскарлардан фойдаланишга ҳа-ракат қиляпти, дейишяпти, энди у ҳеч кимга ишон-майди!

Аббос кулиб қўйди.

— Аҳвол шунга бориб етдики, подшонинг айрим тарафдорлари ҳозирги тартибсизлик ва бошбошдоқлик-

дан кўра Вафд партияси ҳукумат тепасига чиққани яхши деб ўйлашяпти.

— Мен оллодан тилайманки,—хитоб қилди Ҳасан,—ҳозирги анархия янада кўпроқ кучайсин...

Расмий унаштириш маросимининг тантанали дақиқалари бошланди.

Исони ичкарига чақириб олишди. У одамларнинг меҳрли нигоҳлари остида залдан чиқди. Тантанавор жимлик ҳукм суларди. Аммо бир неча лаҳзадан кейин табрик овозлари янгради: онаси ва куёви билан бирга Сальва меҳмонларни айланиб чиқди, сўнг гуллар билан безатилган, унинг учун махсус ажратилган жойга томон йўл олди. У чиндан ҳам аломат эди: онасидан — баланд бўй ва гўзал қомат, отасидан — катта-катта, қоп-қора кўзлар наслан ўтган эди. Аммо жуда қизиқ. Бу кўзлар ташқи дунёга бефарқ ва ҳатто совуқлик билан боқарди.

Келиннинг кийимлари жуда ажойиб эди. Меҳмонлар уни узоқ вақт эслаб юрдилар.

Тантана давом этарди. Тайёрланган иссиқ овқатлар, лозим бўлган ширинликлар, совутилган ичимликлар ҳам бериб бўлинди, буфет ҳам бўш қолди. Меҳмонлар тарқалиша бошлади. Уй эгалари зиқналик қилмадилар: ҳар бир таклиф қилинган одамга совға — бир қути конфет берилди...

Исо, Сальва ва Сусанна хоним катта, ойнабанд айвонда ўтиришарди. Ажойиб баҳор оқшоми эди. Электр чироғининг ёрқин нури айвондан боққа таралар, қоронғилик орасида барглари шабадада тебраниб турган бир неча улкан дарахтларни ёритарди.

Биринчи бўлиб жимлики Исо бузди:

— Бугун менинг ҳаётимда энг бахтли кун.

— Раҳмат,— уятчанлик билан шивирлади Сальва,— мен ҳам сенга ўз туйуғларимни етказишни истардим, азизим, аммо мен буни кейин қилсам майлими...

Сусанна хоним уларга хайрихоҳлик билан жилмай-ганча тикиларди.

— Ҳадемай сизларнинг бахтларингиз бутун бўлади,— деди у.— Июлда тўйни ўтказамиз.

Исонинг қувончига чек йўқ эди. Бу сафар тақдир унга чинакамига кулиб боқди. Тезроқ тўй бўлса бўлгани, ундан кейин унга қандай муносабатда бўлишни ўзи билади: у Алибекнинг тажрибасини тўла ўзлаштириб, ишонч орттириб олади. Вақти келиб албатта унинг мавкеига кўтарилади ҳам.

— Жоним,— деди у Сальвага,— сен онангнинг нақд қўйиб қўйган ўзисан-ку. Бу мени яна ҳам қувонтиради.

Сусанна хоним кулиб қўйди.

— Билиб қўй, келажакда бу сўзларингдан қайтиб юрмагин.

Шу пайт Исо ўзининг анойилардан эмаслигини айтиб, ўз қарашлари, имкониятлари билан мақтангиси келиб қолди.

— Чет эл ҳаёти сенга оғирлик қилмасмикин?— кутилмаганда сўраб қолди у Сальвадан,— ким билади, балки, менга яқинда дипломатик вазифани эгаллашга тўғри келиб қолар...

Сальванинг ўрнига онаси жавоб қилди:

— Сенинг қаллиғинг яхши маълумот олган. Немис тилини билади...

Исонинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди:

— Ишонаманки, ҳаётимиз чинакам бахтга тўла, ҳамма орзуларимиз амалга ошади...

5

— Менда бир сир бор, шу сирни сенга айтмоқчиман...

Сальва билан Исо иккаласи айвонда ўтиришарди. Кунлар қисқариб борарди. Чиқиб келаётган қуёш нурида Қоҳира миноралари жилоланарди. Атиргул ва чиннигулларнинг иси бурқиб турарди.

— Сир?— ҳайрон бўлди Сальва.

Исо кулимсиради.

— Албатта-да... Сен ҳатто шубҳа билан қарайсан, мен эсам ҳали бола пайтимдаёқ сени севардим. Бу ҳақда фақат марҳум отам билардилар холос. Бир кун у ҳатто мен сени қандай ўпганимни ҳам кўрганди.

— Ҳеч ҳам бундай бўлмаган!— хитоб қилди Сальва.

— Йўқ, шундай бўлганди... Фақат бутунлай беғубор ўпич эди-да, ахир унда бола эдик-ку. Отам ўшанда: «Унга муносиб бўлгин, шунда қачондир унга уйлана-сан»,— деганди. Мен сенга қандай қилнб муносиб бўлиш мумкинлигини сўрагандим. Отам, энг муҳими, онангнинг ишончини қозониш эканини айтганди. У аёлни бўлажак куёвнинг бойлиги қизиқтирмайди, ўзи етарли даражада бой, куёвнинг жамиятда тутган мавқеи, ҳаётдаги муваффақиятлари қизиқтиради, деганди... Кўпларни менинг бунчалик тез кўтарилишим ҳайрон қолдирди. Лекин ҳеч ким, бирор одам бунинг сабабини тополмади.

Сальва поз билан жилмайиб унинг гапларини тингларди. Қиз йигитга ҳақиқатан қойил қолди.

— Мана энди,— давом этди Исо,— унашиш кечамиз бўлиб ўтди. Шунгача узоқ севги тарихи бор. Тўғри, бу фақат менинг тарихим холос...

Сальва номаълум томонга боқиб шивнрлади:

— Бундай деб ўйлама, илтимос...

Исо беозорлик билан Сальвани қучоқлади, сўнг бирдан севгилисининг лабларини юпқа лабларига босди. Шу зумда унинг ўзи ҳам тўқиб чиқарган узоқ тарихли севгисига ишонганди.

Боринги, бунинг баъзи жойларини тўқиб чиқарган бўлса нима бўпти?.. Ахир бу оқ кўнгилликдан-ку. Ҳар нима бўлганда ҳам ҳозир уни бутун қалби билан севади-ку...

Тўғри, агар ростига кўчилса Сальвада ҳам камчиликлар бор. Масалан, у рўзғор ишларидан бутунлай бе-

хабар ва онасисиз бу масалада бир қадам ҳам босолмайди. Ҳатто у билан бирга юрганда ҳам тез-тез Сусанна хонимга ташвишли нигоҳ билан боқиб, афтидан уни ёрдамга чақиради. Баъзан бу ҳолат кишининг га-шини келтиради...

— Сенинг севгинг — менинг учун бебаҳо хазина,— хитоб қилди Исо.— Биласанми, сизларникига биринчи марта келганимизда қанчалик сенга ёқин истаги тугил-ганди менда!

— Мен эсам унгача сенинг расмларингни газеталар-да кўргандим. Сиёсий давралардаги муваффақиятла-ринг ҳам менга маълум эди...

Исо хурсанд кулди.

— Қизиқ, сенинг сиёсий қарашларинг қанақа?— ҳа-зил аралаш сўради у.— Шахсан мен полиция таёғи, як-ка камералар, ғаламисларнинг ишдан ҳайдалиши та-рафдориман. Сен қандай фикрдасан?

— Отам айтдики...

— Менга отангнинг фикрини қизиғи йўқ, унинг ни-ма дейшини олдиндан биламан. Сен ўзинг наҳотки музика ва саёҳатлар ҳақидаги китоблардан бўлак ҳеч нарсага қизиқмасанг? Эндиликда сен ўзингни сиёсий арбобнинг, ҳа, том маънодаги сиёсий арбобнинг хотини бўлишга тайёрлашинг керак...

Хонага Сусанна хоним кирди. Унинг истиқболига Исо ўрнидан турди. Яқинлашаркан, у тантанали оҳангда маълум қилди:

— Биз ўйлаб кўрдик... майли, сен қандай хоҳласанг, шундай бўлсин...

— Раҳмат, раҳмат,— қувонч билан миннатдорчилик билдирди Исо. Ўтираркан у давом этди:— Демак, биз-нинг тўйимиз августда бўлади. Ажойиб! Тўйдан кейи-ноқ Европа бўйлаб саёҳатга отланамиз...

У Сальвага қаради. Сальва бахтиёр табассум билан жавоб қилди. Хона қоронғилашиб қолди — қуёш деяр-ли уфққа ботиб кетганди.

— Мен Сальвага қанчалик узоқ пайтлардан буён уни севиб юрганмни айтиб бердим,— деди бирдан Исо.

Сусанна хоним ҳайрат билан қошларини кўтарди. Кейин худди қизини огоҳлантиргандек деди:

— Унинг айтганларининг ҳаммасига ҳам ишонаверма, Сальва! Эсингда тутки сенинг куёвинг сиёсатдон, мен эсам бу сиёсатдонларни жуда ҳам яхши биламан!

Ҳаммалари кулиб юборишди.

6

Бу воқеа 1952 йилнинг июлида содир бўлди¹. Радио ўзининг одатдаги эшиттиришларини бирдан ўзгартирган пайтда Исо нонушта қилиб ўтирарди. Эфирда армиянинг халққа мурожаати янгради... Биринчи дамда у шунчалик гангиб қолдики, эшитиб турган ахборотининг моҳиятини ҳадеганда англаб етолмади. Стулдан сакраб туриб, у приёмник ёнига югуриб келди, ҳаяжон ичида худди иситмалагандек бирдан қуриб қолган лабларини яларди.

Яна донатор, аини чоғда ҳайратланарли сўзлар янгради. Уларнинг маъноси секинлик билан онгига кириб бораркан, ҳайратини янада оширди.

Бир қанча муддат Исо атрофга гўё узоқ вақт қоронғиликда ётиб, бирдан ёруғликка чиққанда кўр бўлиб қолган одам сингари ҳеч нимани кўрмай тикилди. «Буларнинг ҳаммасидан нима маъно чиқади?— сўрарди у ўз-ўзидан,— қандай воқеа содир бўлди ўзи?»

Меҳмонхонага кираркан, у онаси билан ёнма-ён хонтахта қаршисига ўтирди.— Жуда жиддий хабарлар,— деди у,— армия подшога қарши кўтарилибди.

Кампир яқинни кўролмайдиган кўзларини саволмуз

¹ 1952 йилнинг 23 июлида подполковник Жамол Абдул Носир раҳбарлигида Мисрнинг бир гуруҳ офицерлари армияга суянган ҳолда монархияга қарши қаратилган революцион тўнтариш қилди.

ўғлига тикди. Ўғлининг гапларини қийинлик билан англаётгани сезилиб турарди.

— Бу нима дегани?.. Тағин Араби пошо замонасидагидек бўлганими?¹ Худо бир, расул барҳақ! Ҳаммаси оллонинг иродасидан! Афтидан худои таолонинг ғазаби келганга ўхшайди.

— Ҳа, ҳа, албатта, худди Араби пошо давридагидек,— ғўлдиради Исо.

— Хўш, энди нима бўлади, урушми?— онанинг овозида ташвиш акс этарди.

— Ҳақиқатан ҳам... Энди уруш бўладими? Кимдан билса бўларкин? Ҳозир шундай пайтки, Қоҳирада ҳеч ким йўқ. Унга бирор нима тушунтириши мумкин бўлган одамларнинг ҳаммаси шаҳардан ташқаридаги дала ҳовлиларига кўчиб кетишган. Унинг ўзи ҳам пойтахтга фақат таътилни қолдириш, ундан чет элга қилинадиган тўй сафари учун фойдаланиш мақсадидагина қолганди, холос.

— Йўқ, йўқ,— ниҳоят жавоб қилди у онасига,— шунчаки армиянинг ҳам ўз талаблари бор, улар албатта қондирилади. Бори шу бўлса керак, тамом...

Ўша кунёқ Исо Искандарияга жўнаб кетди. Подшо худди шу ерда, олий даражадаги курортда дам олмоқда эди, армия ўз қатъий талабини шу ерда билдириб турарди. Вагон деразаси олдида тик турганча бир хилдаги саҳро табиятига тикилганча Исо ҳаяжон билан ўй сурарди. Аслида ҳақиқатан ҳам подшо шу тарсакига лойиқ одам эди. Нима ҳам дейиш мумкин, хатолар ва аҳмоқликлар учун ҳақли, қонуний равишда жавоб бериш керак-да... Аммо бу исённинг бошида кимлар турибди? Партия-чи? Бу ишларнинг барчасида унинг роли қанчалик экан?..

¹ Араби пошо — полковник, Мисрдаги 1881—1882 йилларда рўй берган миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси. Бу ҳаракат Англия мустамлакачилари томонидан шафқатсизларча бостирилган.

Баъзан Исони тагин умид учқунлари қанотлантириб юборарди. Аммо тез-тез уни бўлажак фалокатнинг кўнгилсиз гашлиги қамраб оларди.

Искандарияга келгач, ўзининг партиядаги эски таниши Ҳалим пошо хонадонига шошилди. Ёқасида атиргул нусхаси туширилган енгил шоҳи камзул кийиб олган Ҳалим пошо уни ўз богида қарши олди. Унинг яқинидаги столда пиводан бўшаган кружка турарди. Шу кушларда ваҳима гаплар янада кучайганди.

Улар суҳбатга тутиндилар. Пошо эринчоқлик билан кўзларини сузиб гап қотди:

— Армия талабларини қондириш ҳақидаги тахминингни хаёлдан чиқар. Бу ҳаракат ҳозир сен кўриб турганинга нисбатан анча кенг. Бугун армиянинг талабларини қондириш— эртага эса унинг йўлбошчиларини осийш мумкин. Йўқ, ҳазрати олийлари, бу гал бунга ўхшаш ҳодисалар кетмайди. Шунинг учун ҳозир бирор нимани олдиндан айтиш қийин...

— Наҳотки жаноби олийларига ҳеч нима маълум бўлмаса?

— Воқеалар жуда тезлик билан ривожланиб борапти. Атиги бир соат олдин худди шу ерда, менинг қаршимда инглиз журналисти мистер Гедвин ўтирганди. Унинг фикрича энди подшолик барҳам топди...

Ўртага бир дақиқа жимлик чўкди. Биринчи бўлиб Исо бу жимликни бузди:— Бизнинг партиямиз қандай? Бу ҳаракатга унинг алоқаси борми?

— Ҳозир ҳеч нарсага ишониб бўлмайди. Бу офицерлар, ҳаракат бошида турганлар ким ўзи? Сен уларни биласанми? Яна шуни ҳам унутмаки, партиянинг барча раҳбар арбоблари ҳозир чет элларда юришибди.

— Балки уларнинг сафарлари шу ҳаракатга алоқадордир...

Пошо истеҳзоли кулди:

— Бўлиши мумкин, ким билади тагин...— базўр эшитиладиган даражада деди у.

Улар унчалик муҳим бўлмаган масалалар хусусида бир оз гаплашишди. Кейин Исо хайирлашиб, тезгина чиқди. У пошо ҳузуридан илгаригидан ҳам ташвишлироқ ҳолатда кетди. Рўпара келган таксини тўхтатиб, у Алибекнинг дала ҳовлисига жўнади...

Алибек бамбук креслода тебраниб ўтирарди. Кейинги пайтларда у сезиларли даражада ўзини олдириб қўйди: дўнг пешонасини чуқур ажинлар кесиб ўтди, кўзлари илгариги тийраклигини йўқотиб, қайғули боқадиган бўлиб қолди, илгариги осмондан қарашлар йўқ, юзида чарчаш аломатлари, ҳаётдан норозилик. У билан бирга хонада Сусанна хоним ва Сальва ҳам ўтиришарди.

Исони кўраркан, Алибек уни кутиб олиш учун қўзғалди ва сабрсизлик билан сўради:

— Хўш, сен қандай янгилик олиб келдинг?

Ҳамма унинг жавобини кутиб нафасини ичига ютиб ўтирарди.

— Подшолник барҳам топди...— деди Исо қийинлик билан ўзини қўлга олиб, ташқи осойишталигини сақлаб турпшга уринаркан.

Алибекнинг кўзларидаги сўнгги учқун сўнди. Бир оз муддат деразага ва безовта денгизга бемаъно тикиларкан жим қолди. Сўнг у яна сўради:

— Хўш, сен-чи... Ҳаммаларингиз маъқуллайсизларми шу ишларни?

Исо зўрға ўзини тутиб турганча ишонч билан деди:

— Ҳаммага маълумки, подшо ҳамиша бизларга душман эди.

Алибек ўзини креслода ростлаб олди.

— Сенинг партиянгнинг бу воқеаларга алоқаси борми?

Эҳ, Исо ўзига умидворлик билан боққан нигоҳлар бу саволни тасдиқловчи жавоб бериш имкониятига эга бўлиш учун дунёдаги ҳамма нарсасини беришга тайёр эди...

— Бу ҳақда мен ҳеч нима билмайман,— деди у кўк-сида ёнаётган аламни яширишга уринаркан.

— Билишинг керак эди-да...

— Кейинги кунларда кимни учратмайин, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Бизнинг лидерларимиз эса ҳаммага маълумки, чет элларда.

Алибек чуқур нафас олди.

— Ҳа, кўриниб турибди, Араби пошо бизга ҳеч нима-ни ўргатолмаган. Ҳа, майли... Ҳадемай, инглизлар бизнинг адабимизни бериб қўйишади...

— Бу хусусда бирор гап борми?— ташвиш билан сўради Исо

Сухбатга Сусанна хоним аралашди:

— Балки кишлоққа кетганимиз маъқулдир?

Алибек норозилик билан қўл силтади:

— Ким билади ҳозир қаер осойишталигини...

Орадан бир неча кун ўтди. Подшони мамлакатдан чиқариб юборишди. Унинг Искандариядан кетишини куватаркан, Исо халқнинг қаҳр-ғазабининг ва армиянинг босиқ қарорининг гувоҳи бўлди. Шу ҳолатда унинг юрагини бир-бирига қарама-қарши ўйлар пармаларди.

Якка ҳокимнинг ҳайдалиши ҳаммани қувонтирди. Шундай ҳодиса юз бераётганига ҳатто ишониш ҳам қийин эди. Шунинг билан бирга бўлиб ўтган воқеаларнинг аламли ҳислари юракни эзарди. Балки бу изтироб чекаётган қалбнинг нидолари эди. Кўзда тутилган мақсадга эришилди, бошқа интиладиган нарса ҳам йўқ— энди кайфиятнинг ҳам кескин тушиб кетиш даври бошланди. Шунанқаси ҳам бўлади. Балки унга алам қиладигани— шундай катта ғалабанинг унинг партияси иштирокисиз қўлга киритилганидандир?

Ана шундай парокандалик билан Исо Ҳалим пошонинг уйига иккинчи марта уни кўргани меҳмон бўлиб келди. Қувонч ва ташвиш, келажакдан қўрқиш мезбоннинг ҳар бир нигоҳи, ҳар бир сўзида акс этиб турарди.

— Фаррухнинг якка ҳукмронлик тузуми тугатилди, аммо бизнинг кўнглимиз ҳамон тинчигани йўқ,— деди сенатор Ас-Салғубий ўзининг нотиқона қиёфасида.

Ҳамма нима учундир кулди. Бу асабий, заҳарханда кулги эди. Исо дўстлари Самир, Аббос ва Иброҳимлар даврасида ўтираркан савол берди:

— Бизни нима кутяпти?

Ҳалим пошо ўзини саволга тушунмаган қилиб кўрса-тиб, жавоб қилди:

— Келажак, шубҳасиз, ўтмишдан яхшироқ бўлиб кўринмоқда!

Ас-Салғубий Исонинг саволига аниқлик киритишга қарор қилди:

— Исо, афтидан, умуман келажак ҳақида эмас, балки сиз билан бизнинг келажакимиз ҳақида сўраётир...

Кекса сиёсий арбобга туюлганидек, Ҳалим пошо но-аниқ жавоб қилди:

— Биз ҳали ўз сўзимизни айтампиз, мана кўрасизлар.

Ас-Салғубий титраб елкаларини учирди ва кескин ху-лоса қилди:

— Бу ҳаракат бизнинг фойдамизга юрмайди. Мен олдинда фақат хавф-хатар кўряпман. Агар подшоликнинг афдариллиши кунин биз подшони, инглизларини бой берган бўлсак, ҳозир энди ҳамма нарсадан айрилдик...

— Сиз нима дейсиз, хавф-хатар фақат бизгагина ху-руж қиладими ёки...

Самир ўртага масала қўймоқчи эди, аммо уни Ибро-ҳим бўлди:

— Бизнинг ўзимиз ҳам содир бўлган воқеаларни қи-лишимиз мумкин эди, фақат зарур кучларга эга бўлгани-мизда...

— Аммо ҳеч нима қилмадик,— унинг ўрнига жавоб билан гапни тамомлади Ас-Салғубий.

Исо улар ҳамон нима ҳақда гапиришаётганини энди тингламасди. У ўз тақдирини ўйларди. Ўтмиш унинг кў-зига барча имкониятларининг, ҳатто энг улуғворларининг ҳам амалга ошган даври бўлиб кўринарди. У қанча кўп ўйлагани сайин кўнглини аламли туйғулар шунча кўпроқ қоплаб ола бошлаганди. Кўнгли ўтмишдаги муваффақи-

ятлар ярқировчи совун пуфагидек ёрилиб кетишга тайёр турганини сезаётганди. Унга гўё у ана шу совун пуфагининг ўртасида турибди-ю, ташқаридан унга меҳр билан бир нотаниш чеҳра боқиб тургандек туюларди.— Бу янги ҳаётнинг нотаниш чеҳраси эди. Янги ҳаёт уни қандай қабул қиларкин, бошига қандай кунлар соларкин?

У бошини илкис кўтараркан, кўзи камин тепасида осилган расмга тушди, унда қоп-қора, қалин лабли чўри аёл тик боқиб турар, унинг катта кўзларида ҳиссиётга тўла ҳаёт акс этарди...

7

Кунлар ўтиб борар, аммо шубҳалар Исони тарк этмасди. У бутунлай тинчини йўқотди, асаблари бўшашиб кетди.

Тўйни кейинроққа, яхши кунларга, токи оёқ остидаги замин тинчийдиган вақтларга кўчиришга қарор қилнди. Илож қанча, бўлажак қайнанасининг истаги шу.

Ҳамон шароитни тушуниш қийин эди. Ҳаёт Исо ва унинг дўстлари олдига кун сайин янгидан-янги, янада мураккаброқ масалалар қўярди. Бу нимаси биландир денгиз қирғоғига қора байроқлар тикиб, денгизда бўладиган тўлқинлар ҳақида огоҳлантириш жараёнини эслатарди. Бўлаётган воқеалар ҳақида уларга маълум мишмишлардан ортиқ нарсаси маълуммасди.

Бир куни Исо Ҳасаннинг истиқболли масъул мансабга тайинлангани ҳақидаги хабарни эшитиб қолди. Афтидан, Ҳасан янги тузум тарафдорлари активларидан бири эди. Бу янгилик Исонинг ёқимсиз кайфиятини янада кучайтирди. Бир қанча муддат у бу янгиликни онасига ҳам билдирмай юрди. Аммо кампир бундан хабардор бўлгандан кейин ҳам, барибир ҳеч нарсасига тушунмади. Ўзига хос соддалик билан у ўғлини юпатди:

— Майли, сенинг галинг ҳам келиб қолади, куйинма. Ахир сен ҳаммадан яхши мансабларга лойиқсан...

Бу сўзлардан Исонинг кайфияти батамом тушиб кетди. Ҳамма нарсага қўл силтаб, қаёқларгадир, одамлардан узоқларга кетгиси келарди...

Тезда кутилаётган давлат апаратини тозалаш кампанияси ҳақидаги эълонлар пайдо бўлди. Исо булар ҳақида газеталарда ёзилган хабарларни кўнгилсизлик билан ўқиб чиқди. Мана, ҳадемай бутунлай барбод бўлиш даври — сиёсий партиялар ва уларнинг доҳийлари босиб ўтган тақдир такрорланади; ўтмиш муваффақиятларининг сўнгги кунларига барҳам берилади.

Атрофда эса шундай ғалати воқеалар бўлмоқда эдики, буларни илгарилари тасаввур қилиш ҳам мумкин эмасди. Буни қарангки, дўсти Иброҳим Ҳайрат—адвокат ва собиқ вакиллар палатасининг депутати газеталарда янги революция ҳақида жўшқин мақолалар ёзар, унинг бу фаолиятини кўрган киши уни бу воқеаларнинг ташкилотчиларидан бири деб ўйлаши мумкин эди! Ўз мақолаларида Иброҳим сиёсий партияларнинг, шу жумладан, ўзи мансуб бўлган партиянинг ҳам пўстагини қоқар, бир пайтлар ўзи кўзга кўринарли мансаб эгаллаб турган монархияга танқиднинг ўткир тигини санчар эди.

Аббос Содиқ-чи! У ҳамон илгаригидек босиқ ва ўзини тутган, ўзига нишончи зўр ва ҳеч нима хусусида қайғурмасди. Шуниси ҳам борки, у янги тузум тарафдорлари орасидан ўзига суянчиқ бўладиган кишиларни аллақачон топиб олган ва ўзининг келажак мартабасини таъминлаб ҳам қўйганди.

Ёлғиз Самиргина Исонинг ташвишларига шерик бўлар, у ҳам ўз келажакдан ташвишга тушарди. У озган, ранглари оқарган, кўк кўзлари қайғу билан боқадиган йигит бўлиб қолганди.

— Сенингча, бизнинг тақдиримиз нима бўларкин?— сўради Исо ундан қандайдир умидворлик билан қараб.

— Энг камида, бизни кутётгани—ишдан ҳайдалиш,— жавоб қилди Самир бемаъно жилмаяркан.

— Хўш, энди нима қилишимиз керак деб ўйлайсан?— тагин сўради Исо ҳаяжондан титраб-қақшаб.

— Иш ва пул топиш йўлини қидириш керак. Балки бизни бирор-бир компанияга ишга олишар.

— Ишга ўрнашиш осон деб ўйлайсанми? Биз ҳаётни, ҳамма ишни яна қайтадан бошлашга ирода, бардошимиз етармикин?

— Нима ҳам қилардик,— хўрсинди Самир чеккаларида оқлар пайдо бўлган қоп-қора қуюқ сочли бошини сарак-сарак қилиб.— Шароит биздан кучли...

Тозалаш комиссиясига тушган аризаларнинг сони кундан-кун ортиб борарди. Бу шикоятларда Исони ҳам кўп томонлама айбловчи фикрлар илгари суриларди. У бундан ҳайрон бўлмади: министрликдаги амалдорлар орасида унга ёмон кўз билан қарайдиганлари, дўстларидан кўра, кўпроқ эди. Улар имкони топилган ҳар қандай қулай фурсатда устидан ахлат афдаришга тайёр эдиларки, ҳозир бунинг айна пайти эди. Ҳатто шу даражага етишдики, унинг қўл остида ишлаган айрим кишилар Исога ошкора ҳурматсизлик қилиб, салом-аликни ҳам йиғиштириб қўйдилар. Умуман, министрлик унинг учун чпнакам дўзахга айланиб қолди.

Ниҳоят, у комиссия суҳбатига чақирилди. Министрликнинг адлия маслаҳатчиси кабинетининг яшил мовут ёпилган узун столида комиссия аъзолари ўтиришарди. Унга секретарь аёл; Исони столнинг энг сўнгги — четига ўтиришга таклиф этишди. У илгари подшо портрети осиб қўйилган ўринда қандайдир нотаниш одамнинг сурати осилганини дарҳол пайқади... У стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммасига кўзининг қири билан қараб чиқди. Бу ерда эски ҳамкасблар ва танишлар кўп эди. Уларнинг бири билан у ҳатто бирга ўқиганди, уларнинг иккаласи ҳам студентлар комитети составига аъзо бўлишиб, бир кунги намоиш учун қамалишларига оз қолганди.

Исо қуриган лабларини тишладн: қизнқ, бу ўтирган одамларнинг бирортаси уни танишини сездирмасди. Унинг кўзига кўзлари тўқнаш келаркан, айримлари сохта қизикнш билан олдиларнда турган қоғозларни титкилашар, бошқалари лоқайд қиёфада гўё уни ҳеч кўрмаган, танимаган, ҳамкасблари бўлмаган қиёфада боқншарди. Ўтмишда Исонинг министрликда тутган мавқеи айниқса унинг партиясн ҳукумат тепасига турган пайтлари уларнинг кўпчилигини зир титратарди. Мана, тақдир тақозоси билан бугун Исо катта қоп-қора деворли шу хонада улар олдида қўрқув ичида ўтирибди... У хонанинг айвончали деразасига боқди. Дераза панжарасига бир калхат қўниб турарди. Калхат бирдан қаттиқ қичқирди-да, худди бировнинг тақдири — аъмоли хусусида ҳукм чиқарган каби шиддат билан кўкка кўтарилди...

Комисия раиси Исога қоп-қора кўзойнаги тагидан узоқ ва қаттиқ тикилиб турди.

— Сиз хотиржам бўлинг, илтимос,— дея сўз бошлади у,— бизнинг одиллигимизга шубҳа ҳам қилманг. Биз фақат қонунга асосан иш юритамиз.

— Мен ҳеч ҳам бунга шубҳаланмайман,— гап қотди Исо ўзини зўрлаб кулишга тиришаркан.

— Бизнинг бўйнимизда фақат ҳамманинг осойишталигини сақлаш вазифаси турганини тушунишингизни йауда истардим. Бизнинг бирор кишидан ўч олиш ёки ўзга мақсадимиз ҳам йўқ...

— Мен бунга ҳам шубҳа қилмайман,— тагин ёўлдиради Исо юрагига кириб келаётган қўрқув ҳиссини аниқроқ ҳис қилиб.

Ранслик қилувчи секретарга «ўқинг» деган ишора қилгач, у комиссияга тушган шикоят хатларининг бири кетидан иккинчисини ўқиб бераверди. Унинг овози бир меъёрда ва бир хил оҳангда жарангларди. Исо бутун диққатини тўплаб, кўзларини юмиб олганча тингларди. Дегарли барча аризаларнинг мазмунини бир хил нома таш-

кил қиларди: қишлоқ оқсоқоллигига тайинланганлардан совғалар олган ва масъул паст мансабларга фақат ўзининг партиясига мансуб кишиларни тайинлаган. Астасекилик билан унинг диққати сочилиб кетди ва бутун вужудини енгил титроқ ҳисси қоплаб олди, секретарнинг гаплари туман ортидан, афтидан, аллақандай узоқлардан эшитилаётгандек туюла бошлади унга. У яна диққатини бир жойга тўплашга уриниб кўрди. Аммо бунинг иложи бўлмади. Мана, у уйига ўтлоқда роса копток тепган ёш бола бўлиб қайтади, бирдан уни номаълум кўрқув ҳисси қамраб олади, ундан ҳеч қаерга яширинишнинг иложи йўқ, унга ахлатчининг тўплаган ахлатлари тагига яширинишдан бошқа илож қолмайди... Бу қандай хотиралар, нима учун булар ҳаёлига келяпти...

У қаддини ростлади, кўзлари олдида яна ҳакамларининг юзлари жонланди. Бир зум Исога адлия маслаҳатчисининг чап мўйлови давлат маслаҳатчиси вакилининг ўнг мўйлови билан қўшилиб кетгандек туюлди.

Бирдан шуидай савол эшитилди:

— Бу ерда ўқилган гапларга нисбатан сизнинг фикрингиз қандай?

Исо ўзинга келди. Унинг фикри?

— Буларнинг барчаси қуруқ гаплар, ҳеч бўлмаганда бирор исботни эшитишни истайман,— қалтираб жавоб қилди у.

Ўз овози уни бир оз дадиллантирди. Лекин шу пайтнинг ўзидаёқ у яна ўзини йўқотди, худди адо бўлган сап-сарик дарахт баргидек шалвираб қолди.

— Министр, ахир ҳамма вақт, сизнинг одамларни турли мансабларга тайинлаш хусусидаги таклифларингизга фақат розилик берарди. Кўринадики, сиз жуда масъул киши бўлсангиз...

— Бу бевосита менинг хизмат вазифамга кирарди,— унинг гапини бўлди Исо.— Менинг ишларимга эса виждоним раҳбарлик қиларди.

— Шуни тушунтириб берсангиз, қишлоқ оқсоқолла-

рини ишга тайинлаш ва ишдан олиб ташлашда фақат партиявий сабабларгина асос бўлганми?

Исо зўр бериб ўзини қўлга олишга интиларкан, титроқ овоз билан жавоб қилди:

— Дейлик, фақат партиявий сабаблар асос бўлсин. Аммо ахир бизнинг бутун ўтмиш ҳаётимиз шунга асосланган-ку?

— Сиз ўз ҳаракатларингизнинг тўғрилигига ишонасизми?

— Ҳа, улар тўғри бўлганди деб ҳисоблайман.

Комиссия аъзоларидан бири ручкасини эҳтиётсизлик билан ўйнаб сўради:

— Сизга келтиришган совғалар хусусида нима дейсиз?

Исо жаҳлдан бутунлай тутациб кетди:

— Такрор айтаманки, ҳаммаси қуруқ уйдирма, ишот керак, бирор-бир далил келтиринг-чи.

Унга жавобан гувоҳлик беришлари мумкин бўлган қатор оқсоқолларнинг номлари ўқилди.

— Бу ифлос туҳмат!— хитоб қилди Исо.

Кейин Исо билан турли давраларда ишлашган бир неча амалдорларнинг кўрсатувлари тингланди. Унга бир неча ҳужжатлар кўрсатишди: уларда мансабларга навбатсиз силжитишлар ҳақида ва айрим қишлоқ хўжалик тўловлари хусусида имзо чеккан экан. Тағин маълум бўлдики, бу ишларнинг кўпчилиги ҳеч қачон, ҳеч қерда юритилмаган, бунинг учун эса айрим текинтомоқ товламачилар ҳақ олиб юрганлар, эски тузумнинг айрим юқори мансабдаги товламачилари ҳам бу кўзбўямачиликни яшириб, ундан фойдаланиб юрганлар.

Комиссия маслаҳат мажлиси бир неча соатга чўзилди. Исонинг энди ўз истиқболидан ҳеч ҳам умиди қолмаганди.

— Ундай бўлса ҳайдалишга лойиқ бўлмаган масъул амалдорнинг номини айтинг-чи менга,— асабийлик билан сўради у.

Комиссия аъзоларидан бири (Исо уни илгари ҳеч учратмаган эди) жонкуярлик билан амалдорларнинг халқ олдидаги бурчи ҳақида гапира бошлади:

— Революция давлат аппаратини ҳар қандай ярамасликлардан тозалашга киришган!— хитоб қилди у,— сизни ишонтириб айтаманки, келажакда Мисрда, эшитяпсизми, ҳақ-ҳуқуқи топталадиган бирорта мисрлик бўлмайди, қандайдир бир шахснинг, бировнинг қўллаб-қувватлаши билан омади юришадиган бирорта мисрлик бўлмайди.

Исо ҳеч қандай жавоб қилмади. Нимадир унинг қалби тубида ҳозир фақат индамай ўтириш лозимлигини ўқитиарди. Комиссия ўз ишини давом эттирди...

Исо комиссия маслаҳат мажлисидан чиққанида сиққан ва қалби ҳувиллаб қолган эди. У сершовқин ва қувноқ кайфиятли оломонга тўла кўчалардан ҳеч нима кўрмай ва эшитмай уйи томон борарди. Изтиробга соловчи оғир туйғулар унинг қалбини янада кенгроқ чулғаб олганди.

Уйда онаси сўради:

— Нега ўз ишларинг ҳақида бўланг билан суҳбатлашмайсан? Ахир у шу одамлардан-ку...

Онасининг сўзлари уни ўртаб юборди...

8

Бир неча кун ўтгандан кейин, кадрлар бўйича инспектор Исонинг ишдан бўшатилиши ҳақидаги буйруқни эълон қилди. Буйруқда кўрсатишича, ҳақиқатан Исонинг тағин расмий жиҳатдан икки йил давомида эски хизматида туриши ҳам қайд этилган эди.

Инспектор Исони кўп вақтдан бери биларди. Ўз вақтида у бошқача буйруқлар тузарди: бу буйруқларнинг ҳар биридан кейин Исо хизмат пиллапоясининг янги, юқори поғонасига кўтарилар, то иккинчи даражали

амалдорликкача шу йўсинда кўтарилиб келганди. Қим билади, балки инспекторнинг сейфида Исони биринчи даражали амалдорликка кўтариш ҳақидаги буйруқ сақланар! Ўйлашга осон, биринчи даражали амалдор!.. Министр креслосининг шундайгина рўпараси деган гап-а.

Исо инспекторнинг ўзига нисбатан хайрихоҳлик билан қарашига сира ҳам шубҳа қилмасди. Бўлмасам-чи! Ахир уларнинг иккаласи ҳам ёшларидаги фарққа қарамасдан, деярли тенг даражадаги мансабни эгаллаб туришарди.

Ҳозир кабинетда бегона одам йўқлигидан фойдаланиб, инспектор унга деди:

— Худонинг ўзи шоҳид, қанчалик хафа бўлганимни билсангиз эди, жаноб Исо...

Унинг сўзларининг сира ҳам ёлғонлигига шубҳаланмаган Исо ҳамдардлиги учун инспекторга миннатдорчилик билдирди: саккиз йил амалдорлар даврасида бўлиш беиз кетмаганди. Бу муддат давомида улар сенинг ҳақингда қанчалик баландпарвоз гапиришмасин, қайсиниси сидқидилдан эканини билиш мумкин эди.

Мана, унинг шахсий делоси. Ёзув столи мовутига эҳтиётсизлик билан улоқтирилган делонинг муқовасига мазмуидор араб ёзувида исми ёзиб қўйилган: «Исо Иброҳим ад-Дибон». Исо ўзича тасаввур қилди: бу делони архивга юборишади, у ерда эса у барча мазмун, қанчалик кўп қогозлари, уларда ўтмиш таниқли арбобларининг Исонинг ёрқин келажаги ҳақида гувоҳлик берувчи имзолари — ҳаммаси бутун умрга кўмилади...

У ўзига тайинланадиган пенсиянинг миқдори билан қизиқсинди.

— Ўн икки фунт, — жавоб қилди инспектор. — Аммо сиз яна икки йилгача ўз ойлигингизни олиб турасиз...

Бирданига бир неча ёшга кексарган кишилардек чуқур ботган кўзларига ҳам чўккан Исо министрлик коридоридан бу ерни бир умрга тарк этиб кетиб борарди. Э-

ди у тақдирига тарихнинг кескин бир бурилишида қурбон бўлиш қисмати ёзилганлигига ишонди. Шу пайтгача ҳаёт унинг бошини силади, у ҳаётнинг арзандаси бўлиб келди. Энди буларнинг ҳаммасини унутиши, кимнингдир туртиши билан ўлимга яқин бўлган жарликка йиқилиши лозим эди.

Исо қуёш нурига чўмган улкан шаҳар кўчаларида узоқ ва бемақсад кезиб юрди. Боши оққан томонга юрарди. Унга оёқлари қаёққа олиб бориши бефарқ эди. Бирдан ўзининг севимли қаҳвахонаси эсига тушиб, ўша томонга йўл олди. Қундузи албатта бу ерда унинг танишларидан ҳеч ким учрамади. Исо ёлғиз ўтириб секин-такандан чой ҳўпларди. У қаршисида турган катта ойнага қаради: унинг қиёфаси кишини йиғлатадиган даражада аянчли эди. Шундай бўлса ҳам унинг руҳи бир оз кўтарилди, назарида бу ерда, яқин ўртада, унинг қайғусига шерик бўладиган кимдир борга ўхшарди.

Залнинг иккинчи бурчагида икки нотаниш киши нард ўйнар, ҳар сафар муваффақиятдан шовқин солиб қичқаришарди.

«Мен бутунлай фалокатга учраган одамман. Уларнинг менинг аҳволим билан нима ишлари бор?» ўйларди Исо. У ўйинчилардан юзини ўгирди ва тағин ойнага, хўрланган кишининг юзига тикилди.

«Агар ўз аксим ҳам гапира олганда, албатта юпанч сўзларини эшитган бўлардим. Хўш, марҳамат қилиб айтчи,— фикран мурожаат қилди у ойнага,— мен қандай хато қилдим, нега ҳатто бир неча соат кейинги воқеаларни ҳам олдиндан кўра олмадм?»— Исо яна бир марта ойнага, ўзининг катта бошига, ўткир ияги билан ажралиб турадиган озғин юзига тикилди, кечагина бу юз пойтахт газеталарининг биринчи бетларида кулиб турарди, қандайдир газета мухбирларидан бири унинг физиономиясини Нил ҳавзасига ўхшайди, деб ёзганди. Ҳозир бу юздан бирон-бир маъноли ифода ўқиш қийин эди.

Оғир ўйлар уни тарк этмасди. «Агар бир неча минг фут баландликка кўтарилса,— ўйлади у,— ер устидаги ҳеч қандай жонли нарса кўзга кўринмайди, ҳар қандай овозлар ҳам йўқолади. Ҳаммаси арзимаган ташвишлар бўлиб қолади. Яна бир оз ўтгач, ҳаёт шубҳасиз менинг юзимдан илгариги мағрурлик ифодаларини сидириб ташлайди-ю, фақат кўнгилни айнитувчи ифлос изларни қолдиради».

Киминшгдир ҳаяжонли товуши янгради:

— Сени худди шу ерда учратаман, деб ўйлагандим...

Зал орқали унинг столи томон Самир чаққон юриб келарди. Унинг ранги синиққан, чарчаган қиёфада боқарди.

Исо унинг ташрифидан сидқидилдан қувонди ва узоқ вақт дўстнинг қўлини сиқиб турди.

Самир такрорлади:

— Албата шу ерда бўлишингни юрагим сезганди-я.

Исо асабий равишда шундай шиддат билан кулдики, нарироқда турган қаҳвахона хўжайини унга ҳайрат билан кўзларини пирпиратиб қараб қўйди.

— Бундан кейин мени фақат шу ердан топасан,— деди Исо хиралашган кўкимтир кўзларини Самирга тикиб ва қўшимча қилди:— Ахир мен бугун министрликни бир умрга тарк этдим.

Бир қанча муддат дўстлар бир-бирларига ачиниш билан тикилиб турдилар. Исо зўрлик билан ўзини бефарқ қиёфага солди. У бу ҳолатда худди ортиқроқ ичиб юборган одамга ёки гиёванд кишиларга ўхшаб кетарди.

— Энди нима қилмоқ керак?— сўради. у.

— Ташвиш қилма, бир иложи топилар. Ахир биз ҳали икки йил давомида хизмат маошимизни тўлиқ олиб турамиз-ку.

— Ундан кейин-чи?

— Бирор-бир компаниядан иш топишимиз мумкин.

— Қанақа компания таваккал қилиб бизга иш бераркин?— сўради Исо ишончсизлик билан.

Самир хўрсинди:

— Ахир бундай ҳал қилинмайдиган муаммо йўқ-ку...

Исо уйига етгунча кўзига учраган ўткинчи-йўловчиларга диққат билан тикилиб борарди. Илгари у ҳеч қачон йўловчиларга эътибор қилмасди. Бунини қарангки, уларнинг бари Исога бегона одамлар. Улар билан унинг ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Ахир энди у — бир ғариб бечора-ку. Ипсиз боғланган одам-ку. Ҳайрон қолади киши, ахир қандай қилиб унинг оёғи остидagi замин шунчалик тез ўзгариб кетди. Чорак асрдан буён унга ҳеч бузилмасдек бўлиб кўринган бу тупроқ асосларига шунча тез путур етди.

Уйига қайтиб, у онасининг серажини юзига кўзи тун шаркан, бирдан унга ўз қайғусини гапириб бериш истаси пайдо бўлди. Она ўглига диққат билан тикилди. Кейин яқин келиб, унинг бошини силади, гўё бу билан кекса аёл эърайган оғриқни юмшатишнинг иложини топгандай эди.

— Нима учун улар сенга бундай муомала қилишдйикин-а?— оғир хўрсиниб сўради кекса аёл.

Яхшнмяки, ҳали онаси ҳаммасини батафсил билмайдими! Исо секин у бурчакдан бу бурчакка бориб кела бошлади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам унинг квартираси ёмон эмас. Фақат энди уни сақлаб қолишнинг иложи бўлармикин? Унга қолгани фақат — икки йилгача хизмат ҳақини олишу, бир пайтлар ўз вақтида қишлоқ оқсоқолларидан хизмати эвазига тушган озроқ пулни кассага қўйгани — кичик счёт холос. Лекин булар икки йилга етиши мумкинми? Меҳмонхона, кабинет ва зални беэаб турган ҳозирги буюмлар-чи? Ахир булар ҳам унга совга қилинганди-ку. Албатта-да. Унинг айби катта. Қўли тоза юрган пайтлардан ўтиб кетганига узоқ вақтлар бўлди. Совгалар, поралар, ҳақиқий коррупция. Ва мана, кутилмаган фалокат худди шу пайтларда у энг юқори, ҳатто министрлик мансабига ҳам қўл чўзишга имкон яратилган бир вазиятда эди. Энди у кулфат тўла дунёда ҳамма хиз-

матлари унутилган, гўё ҳаммасини тушида кўргандай. Фақат унинг хатоларигина кўрсатиладиган бу жамиятда қандай яшаш мумкин?!

Қоронғи тушганда у Алибекнинг уйи томон йўл олди. Осмон булутлар билан қопланган, совуқ шамол эсиб турарди. Ҳовлининг кенг мармар зиналаридан юқори кўтариларкан, у бу уйнинг эгаси ҳам осонгина кўчага итқитиб юборилиши, ҳатто суд аралашганда ҳам, унга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмаслиги ҳақида ўйлади.

Алибек уйда йўқ, у қаёққадир кетган эди. Сусанна хоним шамоллаб қолган, кўрна-тўшак қилиб ётарди. Исонни гўзал чеҳрасига ярашган, шунинг билан бирга, уни қандайдир лоқайд кўрсатувчи барқут кўйлак кийган Сальва кутиб олди. Кейинги кунлардаги воқеалар унга ҳеч қандай таъсир қилмаган эди.

Сальвани кўрганда ҳар сафаргидек Исонинг юраги ҳаяжон билан тепди. «Мана, меннинг хазинам,— ўйлади у,— ҳаётимда қолган ёлғиз умидим». Аммо шу лаҳза хаёлига яна бошқа фикр келди:

«Ҳақиқатан у меникимикин?»

Ҳар қандай шубҳалардан тезроқ қутулиш учун у қўрқув аралаш:

— Сальва, бугун мени ишдан бўшатишди...— деди.

Унинг ҳамишаги лоқайд кўзлари бирдан сузилиб кетди.

— Сени-я?..

— Ҳа, мени ҳам жуда кўпчилик каби...

— Аммо сен бошқалардай эмассан-ку!

Унинг сўзлари Исонинг юрагини ўртаб юборди. У қўрқув билан олган поралари ва кассадаги счёти ҳақида ўйлади.

— Улар тозалаш баҳонасида ўч олишди,— базўр гапирди у.

Сальва кўзларида ҳайрат билан бошқа томонга қаради ва бир канча муддат индамай, қандайдир ҳайкалчага тикилиб ўтирди. Кейин гўлдиради:

— Ҳа, ишлар унчалик яхшига ўхшамаяпти...

Ўзини дадил тутиш мақсадида Исо:

— Ҳеч нарсамас, ўзимга илгаригидек иш толаман,— деди.

Гуноҳқорона кулимсираркан, гўёки ўзининг номуносиб мулоҳазалари учун узр сўраётган киши қиёфасида Сальва тагин сўради:

— Қаердан?

Исо тезда жавоб беролмади. Миясига бир-биридан ташвишли ўйлар келарди: у мени ҳақиқатан севармикин, тақдир яна қандай янги синовлар тайёрлаётганикин? Кутилмаганда тозалаш комиссиясининг эрталабки сўроқлари хаёлида қайта жонланди...

— Бирор-бир компанияга кираман ёки эркин касб танлайман.

Сальва бу сафар жаҳли чиққанини яширолмади.

Исо овозида умидворлик оҳанги билан хитоб қилди:

— Сен менга бир оз тасалли берасан, деб ўйлагандим!

Сальва жилмайгансимон пичирлаб деди:

— Сенга омад ёр бўлсин...

Исо Сальванинг кресло суянчигига тираган қўлини олиб, кафтларини силади ва қарийб шивирлаб деди:

— Бизнинг севгимиз олдида ҳар қандай синов бўлса ҳам ўтаверсин, тўғрими, жоним?

— Ҳа... ҳа...

Унинг жавоби аллақандай бўш эшитилди. Аммо Исо унинг севишига эиди ҳеч ҳам шубҳа қилмасди. Шу пайт бирдан севгилисини қучоқлагиси келди. У қизни ўзига тортди. Қизнинг нозик қомати тафти, катта қора кўзларининг меҳрли нигоҳини ҳис этаркан, Исонинг истаклари қонди. Сўнгги кунларнинг қайғу ва кулфатлари бир умрга йўқолгандай эди. Ўзини ҳаяжонга солган бу ҳиссиёти билан Исо унинг лабларига лаб қўйди... Аммо бу ҳисларга қизнинг жавоб ҳиссини туймагач, уни қучоғидан бўшатди. Бир қанча муддат улар чуқур-чуқур

нафас олиб ўтиришди. Хонада сокин жимлик ҳукм су-
рарди. Исо ўзини жуда ноқулай сезарди — назарида
Сальва унинг бу муносабатларидан хафадек туюларди.
Кейин Исо худди кечирим сўрагандек ҳаяжон билан де-
ди:

— Сальва... Сени севаман... Сенга бутун ҳаётимни
беришга тайёрман... Гапирсанг-чи, жоним...

Қиз Исонинг қўлларига ўзининг нозик бармоқлари
учини теккизаркан, уни тўхтатди, кейин хўрсиниқ билан
деди:

— Биз ҳаётга очиқ кўз билан қараб, уни борлигича
қабул қилишимиз керак...

Исо қизнинг мусиқий овозини ҳаяжон билан тинг-
ларди. Шу лаҳзада у Сальва билан бирга одамлардан
узоқларга, оёқ етмас бир ерларга, сиёсат, революция,
ўтмиш ва келажак деган гаплар бўлмаган жойларга ке-
тишни жуда-жуда истарди.

— Сен менга ишонасан-а?— унинг овозида бу оқшом
биринчи марта умид учқунлари янгради.

— Албатта, азизим, сен ҳамма нарсага эришсан.

У тағин Сальвани ҳаяжон билан қучоқлагиси келди.
Аммо бу вақтда эшик ортидан Алибекнинг қадам товуш-
лари ва овози эшитила бошлаганди.

9

Эшик очилди. Алибек хонага кирди ва Исо билан
саломлашгач, уни кабинетига, суҳбатлашишга ўтишга
таклиф қилди. Кабинет сокин ва ним қоронги эди. Али-
бек стол лампасини ёққанида Исо унинг юзига диққат
билан тикилди. Алибекнинг кўзлари мунгли эди. «Нима-
дан у бунчалик қайғу чекапти?— ўйларди Исо.— Менинг
учунми? Ёки бўлиб ўтаётган ҳодисалар туфайлимикин?

Тасодифан Исонинг назари деворда ҳамиша подшо-
нинг портрети осифлиқ турадиган ўринга тушиб қолди.

Ҳозир у ўринини Алибекнинг ўзининг портрети безаб турарди.

— Ишларинг қалай?— сўради Алибек.

— Ҳаммасини янгидан бошламоқчиман,— жавоб қилди Исо. Кейин у ўзини энг ажойиб оламда тасаввур қилишга уриниб ҳикоя қилишга киришди.

Алибек уни бўлмасдан, диққат билан тинглад.

— Сенинг ҳозирги ҳолатинг енгил эмас...— қўшпб қўйди у бир оз сукут сақлаб.

— Биламан, хўш, нима бўпти? Ўзим бундан асло ташвишга тушаётганим йўқ...

Алибек жуда жиддий (Исога ҳатто ҳаддан ташқари жиддий кўринди) тикилди унга.

— Нафсиламрини айтганда, сен менга бирор бир янги гап айтмадинг-ку.

— Наҳотки, комиссия раиси сизга буларнинг ҳаммасини аллақачон гапириб берган бўлса?

— Ҳа-да.

— Балки сиз менга ёрдам...

— Ҳеч нима қилолмадим,— унинг сўзини бўлди Алибек,— раис ҳақиқатан ҳам менинг дўстим, аммо комиссия фақат унинг бир ўзидан ташкил топмаган-ку, бунинг устига, ҳозир ҳамма ҳам ўзидан қўрқади...

Бир оз жим тургач, у норозилик билан қўшимча қилди:

— Ўтган ишга салават, энди қайтариб бўлмайди. Яхшиси келажак ҳақида ўйлайлик...

— Ҳа... ҳа... рост айтасиз... Айтмоқчи, мен буларнинг ҳаммасини Сальвага гапириб бердим...

— Сальвага? Наҳотки?

— Нима бўпти. Ахир бу бутунлай табиий бир ҳол-ку...

— Ҳеч нимани сир тутмадингми?— Алибекнинг овозида шубҳа оҳанги бор эди.

— Йўқ,— жавоб қилди Исо титроқ овоз билан.

— Хўш, у нима деди?

Исо кўнглида ҳозир қандайдир муҳим бир ҳодиса рўй беришини ҳис қилди, у нима бўлса, шу бўлар, деган қарорга келиб, ясама хитоб билан деди:

— Нимани кутган бўлсам — шу-да: у ҳамма вақт мен билан бўлади — бахтиёр дамларда ҳам, кулфатда ҳам!

Бир неча лаҳза хонада сукунат ҳукм сурди. Фақат Алибекнинг ёзув столи устига бармоғини уриб, асабий тиқиллатиши эшитиларди холос. Ниҳоят, у шундай деди:

— Сен билан очиқ гаплашини хоҳлардим. Биласан, ҳозир сизларнинг тўйларингизни ўтказишнинг иложи йўқ.

— Ҳа, ҳа, тушунаман, албатта ҳозир уйланмайман, — бош чайқаб дерди Исо ўз ички шубҳаларига жавоб топаётгандек. Кейин Алибекнинг фикрини билиш ниятида қўшимча қилди: — Илож қанча, мен сиёсий ўйиннинг қурбони бўлган одамман.

Алибек ҳеч нима демади, унинг қалин қошлари савол назари билан юқори кўтарилди.

— Менинг чекимга, — давом этди Исо, — ҳамиша қурбон бўлиш бахти тушади...

Алибек жаҳл билан унинг гапини бўлди:

— Аммо бу сафар сиёсат ягона сабаб бўлгани йўқ, тўғримасми?

Уларнинг кўзлари тўқнашди. Тинчичи йўқотган, бирдан бутун вужудида изтироб сезган Исо титроқ овоз билан сўради:

— Балки сўзларингизни равшанроқ тушунтириб берарсиз?

— Эҳ, Исо! Ахир сен менинг нимани кўзда тутаётганимни тушуниб турибсан-ку, — нафрат ва айни пайтда нимагадир ачиниш билан жавоб қилди Алибек.

— Ахир менинг тўғри одам эканлигимга шубҳа қиласизми? — сўради Исо.

— Мен бундай деяётганим йўқ.

— Ундай бўлса, яна нимани кўзда тутишингиз мумкин?

Алибек норози қиёфада қовоқларини уйди — Исонинг овозидаги кескинлик унга ёқмаётган эди.

— Сенга қарши жиддий далиллар бор.

— Аммо улар шунчалик кучки, фақат уларга аҳмоқ одамларгина ишониши мумкин,— қарийб қичқириб деди Исо.

— Кўриб турибман, асабларинг бўшашган...

— Менинг асабларим? Асабларим темирдан ҳам мустаҳкам...

— Қулоқ сол, Исо!— унинг гапини бўлди Алибек. Унинг овозида қандайдир хунук оҳанг сезиларди.— Ғашимга тегаверма... Акс ҳолда ўзингдан кўр.

Энди Сальвани қўлдан бой берганини аниқ англаган Исо аламдан ақлдан озаёзди.

— Нима бўлса бўлаверсин, менга барибир!— қичқирди у аламидан.— Мен сиз айтган ўша жиддий далилларга тупурдим. Лекин шунга қаттиқ ишонаманки, ҳеч қачон подшо олдида ялтоқлик қилмаганман!

Алибек стулдан ирғиб турди. Унинг юзи нафратга тўла эди. Қалтироқ қўллари билан у эшикни кўрсатди.

Исо кабинетдан чиқиб кетди...

Ҳар қандай ҳолатда ҳам у бўйин эгмасликка қарор қилди, кейинги сўзлар Сальвага, фақат унга тегишли эди. Тўғри, унинг характерининг қатъийлиги ва севгисининг кучига ишониш қийин...

Эртаси куни Исо унга телефон қилди.

— Сальва...— хокисорлик билан гап бошлади у.— Биз тез орада учрашишимиз керак.

Жавоб ўрнига трубкадан қисқа сигналлар эшитилди: симнинг нариги томонида трубка қўйиб қўйилган эди. У ўзини тарсаки еган одамдай ҳис қилди...

— Ҳал қилиб бўлмайдиган қийинчиликлар дейсизми? Бундай қийинчилик йўқ!— хитоб қилди Иброҳим Ҳайрат.

Улар ўзларининг севимли қаҳвахоналари ҳисобланган, одамларга лиқ тўла залдаги бир столни тўлдириб ўтиришарди. Пальтолари ёнларидаги стулларга ташланган. Иброҳим — миқтидан келган, паст бўйли, калласи катта, гарчи ўриндиқнинг учида ўтирган бўлса-да, оёқлари полга базўр етиб турарди. Дунёда у ҳамма нарсадан кўра кулги бўлишдан қўрқарди ва шунинг учун кулгидан қочиш мақсадида ҳамиша юзига иложи борича қатъият ифодаси бериб юрарди. Худди шунинг учун ҳамма вақт пешанасини тирнштирарди.

Исо шунга эътибор бердики, Иброҳим қийинчиликлар ва уларни йўқотиш ҳақида ҳайрон қоларли даражада вазмин, осойишталик билан гапирарди.

Аслини олганда, у революциядан деярли жабр кўрган йўқ — тўнтариш унга ҳеч қандай зиён келтирмади. У қандай бўлса, тагин шундай олгир адвокатлигича қолди: худди илгаригидек ҳозир ҳам газеталарда тез-тез унинг мақолалари пайдо бўлиб турарди. Аббосни айтмайсизми? Унга нима? Ҳозир ҳам илгариги амали даражасида, ўтмишда эса бошқаларнинг чўнтаги ҳисобига кун кўришни Исодан ҳам ўтказарди. Нима бўлганда ҳам улар дўстлигича қолишди: ҳасад ҳам, сўнгги кунларнинг ташвишлари ҳам уларнинг дўстликларига путур етказолмади.

Самир ҳам шу ерда эди. У тўхтамай столдаги патнисда уюлиб турган арахис ёнгоғидан чақиб ерди.

— Чиройли сўзлар,— деди Самир.— Орадан аллақанча вақт ўтиб кетди, биз эса ҳали ҳам бирор ишнинг бошини тутганимиз йўқ...

Исо хафақонлик билан деразага боқди: кўчада ёмғир

қуяр ва ёмғир томчилари дераза ойналарини секинлик билан чертарди.

— Балки секретарь — машинист бўлиб ишга жойлашиш керакдир?— сўради у.

Аббос гапиришга шошилмади — дераза ортида сув шарилларди. Кейин у тирқишни очиб, хонадаги тутунни чиқариб юборди: тамаки тутуни тумандек стол устидаги чироқни хиралаштирди.

Исо атрофидаги барча чеҳраларга бирма-бир тикилиб чиқди. Улардан кўп нарсани ўқиб олиш мумкин эди: ҳаётга нисбатан бутунлай бефарқ ифодани ҳам, орзумандликни ҳам, завқ ва ҳавасни ҳам, қизғинликни ҳам — ҳаммасини ўқиб олиш мумкин. Ҳар қалай, ҳеч кимда ўтмиш воқеаларга мутлақо эътиборсизлик билан ҳаяжонсиз қараш кайфияти йўқ эди.

«Нега тарих гилдираги ўзининг асрий ҳаракатида келиб-келиб шахсан мени янчиб ўтиши керак?»— алам билан ўй суларди Исо. У бир қанча муддат худди таънишини кутаётгандай кўча чироқларида ялтираб қўринаётган, ёмғир ювган асфальтга, ташқарига қараб ўтирди.

— Қиш яхши, аммо Қоҳира қишга мослашмаган-а,— кутилмаганда гуруннга қўшилди у.

— Шунинг унутмаки,— мурожаат қилди Иброҳим Самирга,— кўпгина компанияларнинг правлениеларида бизнинг одамларимиз ўтиришибди...

Бизнинг одамларимиз! Бу гапни ким гапиряпти ўзи? Ҳар кунини ўз мақолаларида партиянинг пўстагини қоқиб, унинг тарқатиб юборилишини талаб қилувчи кимса эмасми?! Бу иккиюзламачилик ва сотқинликка нафратдан бўлак қандай муносабат билдириш мумкин?! Ўтмишдаги одмилик, тўғрилиқ хислатлари қаёқда қолди?!

— Сен менга айт-чи, газеталардаги мақолаларингни ўқиганингда ўзинг қандай туйғуларни хаёлдан кечирасан?— сўради Исо.

Иброҳим оройишталик билан жавоб қилди:

— Мен ўз-ўзимдан сўрайман: олло таоло нега одамзотни шунчалик тубан қилиб яратган экан?

Исодан ташқари ҳамма гапнинг маъносига етгандек кулимсираб қўйишди.

— Майли, жаҳлнинг чиқавермасин, иккалаишизни обрўли бир компаниянинг юқори амалларида кўрмагунча хотиржам бўлолмаймиз,— гапга қўшилди бир лаҳза трубкасини оғзидан олиб Аббос. У тепакал, ўрта бўйли, рангпар юзли, катта-катта кўзлари ҳамниша мунгли боқиб турадиган йилит бўлиб, четдан ёшига нисбатан ўн ёшлар чамаси катта кўринарди.

Сўхбат қовушмасди. «Атроф-теваракда гуж-гуж одамлар!— ўйларди Исо.— Уларнинг энг эзгу истаклари, орзу-умидлари нимадан иборат экан? Бунинг билишнинг имкони борми?.. Оғизларига мум солиб олишгандай гунгли, худди балиқнинг ўзи...»

— Тасаввур қилинглар,— кутилмаганда мурожаат қилди у дўстларига,— одамлар балиқлардан тарқанган!

Ҳамма ҳайрат билан бир-бирига қаради. Исо худди ўз-ўзига жавоб қилгандек давом этди:— Аммо бу билан балиқлар камайиб кетгани йўқ, улар ҳозир ҳам худди илгаригидек миллион-миллион бўлиб океанларда сузиб юришибди. Мана, бизнинг фожиамизнинг туб асослари қаерда яшириниб ётибди!

У жим қолиб, деразага тикилди, столлар атрофидаги одамларни дуо қилганча тиланчилик қилиб юрган бир гадога кўзи тушгач, у ёқдан ҳам юз ўгирди. Ёмғир тўхтаганди.

— Ҳар қалай, мен ўз тақдиримга куяман,— яна гап бошлади Исо,— ўйлашга осон, бировларнинг айблари учун жабр кўриш!

— Шу фикрингга ўзинг ишонасанми?— истехзо билан сўради Аббос.

Исо Сальваннинг телефон трубкасини улоқтирганини

эслади, энди у тагин хаёлан даврадан узоқлашиб кетган эди.

Иброҳим муҳим бир гап айтмоқчидек имлаб ҳаммага деди:

— Дўстлар! Бирор бир кучлироқ ичимлик ичмай-мизми? Қаранглар, қандай чиройли кечада ўтириб-миз-а!

Самир худди ҳеч нима эшитмаётгандек эди. Стакандан бир ҳўплам шарбат ютиб, арахисдан қуриган томоғини ҳўллаб олгач, паришон ҳолда гапга қўшилди:

— Айтайлик, биз ҳақиқатан ҳам хатога йўл қўйган бўлайлик. Лекин наҳотки биз умримиз давомида бирор-бир фойдали иш қилмаган бўлсак?

Исо ҳорғин кўзларини юмди. Юраги сокин тепиб турар, хаёлида яқиндагина бўлиб ўтган воқеалар узуқ-юлуқ жонланарди. Канал бўйида полициячиларнинг халқни калтаклашлари... Буюк ватанпарварлик туйғуси билан тўлган қалби ҳувиллаб, бўшаб қолган. Ерқин келажакка бўлган умидлар. Кутилмаган фожиа... Молдунёдан, ҳамма нарсасидан ажралиш. Совуқ ва ҳиссиз Сальвадан ҳамдардлик кутиб беҳуда ўтган дамлари. Ниҳоят, узилиб қолган телефон трубкасидаги кескин, қисқа сигналлар...

— Ҳа...— жимликни бузди Самир.— Биз ўзимизни етилиб келаётган революциянинг авангарди деб ҳисоблардик, революция бўлса, кўриб турибсизки, бизни ўз деворидан иргитиб ташлади.

— Фақат яна унга қўшилишга интилиб кўриш керак, холос,— эътироз билдирди Иброҳим.

Самирнинг кўзларида аянчли ифода пайдо бўлди.

— Бизнинг пешанамизга, назаримда, икки марта ўлиш ёзилган,— деди у.

— Ҳа, худди шундай...— қувватлади уни Исо.

Яна суҳбат узилиб қолди. Давра жим эди. Улар яқинидан ўз қутисини ногора қилиб чалиб пойафзал тоза-

ловчи ўтди. Самир қаттиқ кулиб юборди. Дўстлари ҳайрон бўлиб унга қарашди. У тушунтирди:

— Бир кунни ҳарбий ўқув юртига киришимга сал қолганини эсладим.

Ҳаммани нима учундир бирдан қувноқ кайфият эгаллади.

— Биласизларми, бизга қийин бўла борган сари мен кўпроқ оптимистроқ бўлиб боряпман,— қўшимча қилди у.

«Ўзпни овуттиш йўлини қаранг-а»,— кулимсиради Исо...

Соат ўнларга яқин у елкасига пальтосини ташлаганча, дўстларини қолдириб кўчага чиқди. Минглаб юлдузлар сочилган осмонга тикилди. Яқинда ёғиб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво ниҳоят даражада соф эди. Исо қоникши билан бутун кўкрагини тўлдириб нафас оларди. Асфальтланган тош кўчанинг у ер-бу еридан катта ҳалқоблар ялтираб кўринар эди. Ёқимли шабада юзларига урилар, гўё уни дадиллантирмоқчи бўларди. Исо бир оз тинчиди. Ҳали бутунлай барбод бўлганим йўқ-ку, деган фикр келди унинг миясига — ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам унга икки йил давомида илгариги ойлик маошини олиб туриши тайинланган, бунинг устига, банкдаги пул ҳам бир кунига яраб турар...

Исо клубда биринчи бўлиб Шукрий пошо ва шайх ас-Салғубийни учратди. Улар ёнма-ён ўтиришар, тез-тез кулишиб, нималарнидир шивирлашишарди. Исони кўргач, у билан саломлашишди-да, лоқайдлик билан янгиликлар тўғрисида қизиққан бўлишди.

Исо ас - Салғубийдан ишга жойлашишига ёрдамлашиши хусусида беҳудага умид қиларди. Шайх ундан истеҳзо билан сўради:

— Хўш, қалай, сен ҳали ҳам Англия билан тузилган шартномаларнинг бекор қилинганидан хурсанд бўлиб юрибсанми?

Исо шайхнинг Англия — Миср шартномасининг ашад-

дий тарафдори эканлигини, барча кулфатларнинг бош сабабчиси ана шу шартноманинг бекор қилинши деб билишини анчадан бери англаб юарди.

— Ҳа... Воқеалар дўстларимизни кутилмаганда афдар-тўнтар қилиб юборди... Худди булутсиз осмонда момақалдироқ гулдурагандек,— қўшилди Ҳалим Шукрий,— тезда, албатта, бпзга ҳам навбат келса керак.

Исо майдалаб чой ҳўплар, ўз ҳамсуҳбатларининг йилтираб турган юзларига синовчан тикиларди. Кутилмаганда Ҳалим Шукрий унга ўгирилди:

— Сенга, афтидан, аллақачон навбат етган-а!

Исо ичдан зил кетди, аммо пинак бўзмай, ўзинча ўйлади: «Ахир мен ҳам шуларнинг бири эмасманми? Менинг бошимдан кечган савдолар улар учун ҳали ҳам оз... Қаранг-а, улар менинг бошимга яна кулфатлар тушишини истайдилар!»

Тезда у клубни ташлаб чиқди. Қўчада бораркан, унинг миясини оғир ўйлар пармаларди. Унинг қулоқларида гоҳ Сальванинг шўх кулгиси янграр, гоҳ телефонда узилган суҳбат, қисқа сигналлар эшитиларди... Ҳаво совуқ эди, аммо воқеалар гирдибодида унинг вужуди ёнарди. Ахир у қизнинг ўзига қандай муносабатидан қатъи назар, жонидан ортиқ севарди-ку! Бошда, тўғри, уни бошқа нарса — бойлик ва амал қизиқтирганди... Аммо, биринчи учрашувдан кейиноқ, у қизни сидқидилдан севиб қолди. У-чи, телефон трубкасини қўйиб қўйишга шошилди... Балки хизмат пиллапоясидан қулаши ва севги драмаси — бу икки зарба, унинг учун яхшиликка хизмат қилар. Энди унга ҳамма нарса барибир, унинг учун бундан буён муқаддас нарса йўқ. Ишга жойлашиш-чи? Бу уни ташвишлантирмайди. Бу ҳақда бошқалар ўйлашсин. У шундай ҳам яшайвериши мумкин. Ва, умуман, иш уни энг сўнгги навбатда қизиқтиради. Бу ҳақда у маст-аластлар яхши билиб қўйишсин. У бўйин эгмоқчи эмас, улар ҳали унинг доврўғини тағин эшитиб қолишади!

Орадан бир неча кун ўтди. Бир куни кечқурун уйга Ҳасан кириб келди. «У нимага келдийкин?»— ўйларди Исо,— бахт қуши бировнинг бошидан учиб, бошқаникига қўндимикин, бу ҳақда мен ҳеч нима эшитмадим-ку. Буни қандай тушуниш мумкин?» Бирдан у Ҳасаннинг синглисини эслади. Унинг қиёфасини бир бор тасаввур қилишданоқ бошига қон тепди. Аммо у ўзини тутди ва бўласини ўзини зўрлаб бўлса - да, очиқ кўнгиллик билан кутиб олди. Улар меҳмонхонага ўтдилар. Биринчи лаҳзаларда Исо ўзини жуда шоқулай ҳис қилди. Худди айбдор боладек қаёққадир, бегона кўзлардан нарироққа яширинишни истарди. Иродасининг зўри билан у ўзини қўлга олди ва ҳатто анча қувноқ кайфият билан лозим бўлган бир қанча жумлалар ҳам айтди.

Ҳасаннинг кайфияти кўтаринки эди. Унинг кўзлари қувонч билан чақнаб, юзида ишонч ва қатъият акс этарди. Бу илгариги, мазкур тузум эзиб ташлаган, бирор қарорга келишига илож тополмай, нолиб юрадиган мижғов эмасди.

Қандайдир ички бир ҳис Исонинг онасига Ҳасаннинг фақат шундоқ уларни кўриш учунгина келмаганлигини айтиб турарди. У тасбеҳ ўғиришдан тўхтаб, ёшларнинг нима ҳақда гапиришаётганлигини билиш учун яқинроқ сурилиб ўтирди.

Чой келтирилди. Ҳасан чанқоқлик билан бир неча ҳўплам чой ичди.

— Ишларнинг қалай?— мурожаат қилди сўнг у Исога.

Исо кулимсираб қўя қолди. Аммо Ҳасандан қутулиш осон эмасди. У ўз саволини тағин такрорлади.

— Наҳотки кўрмаётган бўлсанг?— жавоб қилди Исо,— байрамона ҳаёт кечиряпман.

Ҳасан жиддий қиёфада деди:

— Бирор бир ишнинг бошни тутишингга вақт етди, ахир...

Исонинг онаси хурсандлик билан бошни силкитди. Исо зўрға қалтироғини босиб турарди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг синглисига уйланмасликка қасам ичаркан, яна ўз-ўзидан Ҳасаннинг ташрифи сабаби ҳақида сўрарди — ундан кўра ўлгани яхши! Ўзини беэтибор кўрсатишга тиришаркан, мақсадини баён қилди:

— Агар ўзим хоҳласам, аллақачонлар иш топган бўлардим.

— Хўш, нима учун хоҳламайсан?— кўнгличанлик билан сўради Ҳасан осойишта ҳолатини ўзгартирмай.

— Чунки мен буларнинг барчасидан кейин икки - уч йил дам олишим керак.

— Сен ҳазил қияпсан албатта, а?

— Нимаси ҳазил?—эътироз билдирди Исо. Ва жаҳл билан қўшимча қилди:

— Айниқса, менинг унаштирилшим ҳам бекор қилиниб турган шу дамларда. Ўйлайманки, бу ҳақда эшитган бўлсанг керак?

— Ҳа, тасодифан Алибекни учратиб қолган эдим...— жавоб қилди Ҳасан бутун кўриниши билан унга бу суҳбат ёқмаётганини писанда қилиб. Ва ачиниш билан қўшимча қилди:— Буларнинг ҳаммаси, албатта, жуда қайғули.

— Майли, мен унинг гапини ютиб кетаверганим йўқ. У менинг гапимни бир умр ёдидан чиқармайди,— жаҳл билан қичқирди Исо.

— Гарчи Алибек шикоят қилмаган бўлса - да, менга ҳам шундай туюлганди, хўп, майли... Бу ҳақдаги гапларни унутайлик. Балки бу воқеалар — яхшиликкадир.

Ҳасан Исога дўстона назар ташлаб, шуни маълум қилди:

— Сенинг учун бир эътиборли компанияда ўрин бор.

Исонинг юзини бирдан ташвиш ифодаси қоплади. У Ҳасанга савол ифодаси билан қаради.

— Биласанми, кинофильмлар ишлаб чиқариш бўйича компания ташкил қилинганди. Мен бу компанияга директор ўринбосари қилиб тайинландим. Бизга молиявий масалаларни бошқарувчи бир ўткир одам ниҳоятда зарур...

— Худо ёрлақасин сени, Ҳасанжон! — деди она қувониб.

«Ҳаммаси тушунарли, — ўйларди Исо. Мен унга бўйсунувчи вазифада ишлашим ва синглисига эр бўлишим керак. Акс ҳолда, мен унинг учун бир пулман!»

— Янги мансабга тайинланганинг билан табриклайман сени ва таклифнинг учун миннатдорчилик билдираман, — совуққина жавоб қилди у. — Аммо мени кечиргин...

Ҳасаннинг йилтироқ, соғлом юзида жаҳл ифодаси пайдо бўлди.

— Наҳотки сен бирор ишнинг бошини тутишни ўйламасанг?

— Мен яна бир бор сенга миннатдорчилик билдираман ва кечиршингни сўрайман...

Ҳасан ва кекса она ўзларини йўқотиб бир-бирларига аманглашди. — Ахир бу жуда эътиборли вазифа-ку.

— Албатта. Уни менинг учун сен танлаганингдан кейин... Аммо мен дам олишга қатъий қарор қилганман...

Бир оз жимликдан кейин Ҳасан:

— Мен сенга фақат иш таклиф этаётганим йўқ, айти пайтда янги ҳаётга аралашувингга имконият ҳам яратяпман. Ахир, компания бизнинг давлатимиз манфаатларига асосланиб тузилган-ку.

— Энг муҳими, ҳозир менинг учун — дам олиш, — қатъий инкор қилди унинг таклифини Исо.

Унинг ичи ёнарди. Кечагина ҳеч ким танимаган бир хизматчи бугун компания директори ўринбосарлигига тайинланибди. Буни қарангу! Йўқ, у бундай даврда иш-

лашни хоҳламайди. Унинг қалбида ўз-ўзини ерга уриш каби ҳайрон қоларли истак кучайиб борарди. . .

Ҳасан яна бир неча бор Исони кўндиришга уриниб кўрди, аммо у қатъият билан унинг таклифидан бош тортиди. Ҳасан натижасиз қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Исо ўзича хурсанд эди: нима бўлганда ҳам у ўз айтганида турди-ку! У ўзини гўё эски рақибни устидан ғалаба қилгандек ҳис этарди.

Она оғир хўрсинди:

— Ҳеч нимага тушунмай қолдим. . .

— Мен ҳам, — жавоб қилди ўғли. Унинг овозида истеҳзо оҳанги бор эди.

— Сен ўз бўлангни яхши кўрмайсан, — алам билан деди она.

— У ҳам менинг учун унчалик қайғурмайди.

— Аммо у лозим бўлганда сенинг қариндош эканлигингни унутмайди!

— Шундаймикин? . .

Она қатъият билан давом эттирди:

— Унинг синглиси ҳам сенинг ўша Сальвангдан ўн чандон ортиқ. Сен албатта уни унутиб ҳам юборгандирсан? Бирор-бир жиддийроқ нарса ҳақида ўйлашни истамайсан.

Исо деразага қаради. Дарахт шоҳлари орасидан уфқни булутлар қоплаб бораётгани кўриниб турарди. У секин деди:

— Мен Қоҳирадан чиқиб кетиш ҳақида жиддий ўйлаяман. . .

12

Исо сўнгги иккиланишларга чек қўйгунича орадан бир неча ойлар ўтиб кетди. Нихоят, кунлардан бир кун Исо онасига шуни маълум қилди:

— Мен Александрияга кетишга қатъий қарор қилдим.

Кампир кўпдан буён ўглининг характерида пайдо бўлган ғалати қилиқларга ажабланмайдиган бўлиб қолганди.

— Аммо энди ёз тугади-ку ахир, — журъатсизлик билан илтижо қилди у.

— Мен фақат ёзликка эмас, бутунлай у ёққа кўчиб кетишим керак.

Онанинг қовоқлари асабий уча бошлади.

— Ҳозирча ўша ёқда яшаб тураман... — давом этди Исо.

— Нима учун ахир?

— Мени у ёқда ҳеч ким танймайди, мен ҳам ҳеч кимни билмайман. Бу ҳолатда менга яхши бўлади.

— Сенинг бу қилиқларинг менга ёқмаяпти, — норозилик билан деди она, — эркак киши машаққатларга дуч келганда ўзини бошқача тутиши керак. Ҳали ҳам Ҳасаннинг таклифини қабул қилганига кеч эмас...

Аммо энди Исо ўз қарорда қатъий эди. Онаси Исони кўндириш учун ёрдамга қизларни чақиришга қарор қилди. Эртаси кuni учала қиз етиб келди. Қизларнинг ҳаммасининг ҳам турмуш қурганларига кўп бўлган, улар ҳайрон қоларли даражада бир-бирларига ўхшашарди: учалови ҳам нягига томон торайиб борувчи учбурчак юзли ва юмалоқ кўзли. Улар Исони сидқидилдан яхши кўрарди, укаларининг ноёб қобилияти билан фахрланарди, унинг обрўидан эрлари олдида ҳам эътиборлари зўр, бунинг сабаби, Исонинг ўтмишда шиддат билан хизмат пиллапоясининг янада юқори поғоналарига кўтарилиб бориши эди.

Опалари унинг Искандарияга кўчиб кетишига дарҳол қаршилик билдиришди ва ҳаммалари бир бўлиб, уни Ҳасаннинг таклифига унашга уринишди.

— Сени ҳеч ким танймайдиган бегона шаҳарда яшашиңгда қандай мазмун бор? — хитоб қилди улардан бири.

— Менинг шунча кўнгилсизликлардан кейин у ерда

дам олишимнинг ўзи етарли эмасми?— жавоб қилди Исо.

— Келажагинг нима бўлади?

— Энди менинг келажагим йўқ, фақат ўтмишим бор,— алам билан уларнинг гапини инкор этди Исо.

— Аммо сенда йўқотганларингни қайта тиклашга имкониятлар бор.

Исо жаҳл билан қўл силтаркан, опаларидан жим бўлишни талаб қилди. Кейин осойишталик билан деди:

— Барча урнишларингиз бефойда, мен бу уйдан кўчиб кетишга қарор қилдим, бўлгани шу...

У онасининг қайғули нигоҳини кўриб қолиб, кечирим сўрагандек қўшимча қилди:

— Ахир сизлар айтган имкониятлар катта пул талаб қилади. Шу ҳолатимизда бундай катта харажатлар қилишимиз ақлданми?

— Аммо бунинг Александрияга жўнашингга қанақа алоқаси бор?

Исо қовоғини солди:

— Ҳеч қандай. Шунчаки, бир оз ўзимга келиб олишим учун. Бу ердан бирор ёққа кетиш зарур.

Онаси унга илтижо билан боқди:

— Сен бу ишнинг билан фақат душманларингни қувонтирасан. Мен ишонаманки, агар бўлангнинг таклифига кўнсанг, мана шу ажойиб квартирада илгариги тинч ҳаётингни давом эттираверасан.

Исо жавоб қилмади, бефойда баҳсни давом эттиришни хоҳламаётганини англатмоқ ниятида кўзларини юмиб олди.

— Сен менинг ўғлимсан, сени жуда яхши биламан. Сен ҳаддан ташқари қайсарсан, — ёниб деди кекса она. — Сен ҳамма вақт қайсарлигингча қолдинг, бу сенга жуда қимматга тушса ҳам, ҳеч қачон ўз ғурурингдан воз кечмадинг. Албатта бу ўжарлигинг ўз уйингда, ҳам-

ма вақт сени меҳр қуршаб олганда сенга озор етказмайди. Аммо дунё фақат она ва сингиллардан иборат эмас-ку?

Исо диққат бўлиб елкаларини қисди.

— Мен ҳеч нарса эшитмадим деб ҳисоблайман,— ҳали ҳам ўша фикрини ўтказиш оҳангида деди у.

Она илтижоли оҳангда давом этди:

— Худонинг иродасига бўйсунганида ахир, тақдиринг унинг қўлида-ку! Сен ахир министр ёки министр ўринбосари бўлмасдан ҳам бахтли бўлишинг мумкин-ку!..

Исо ўғирилиб опаларига мурожаат қилди:

— Мен қайтиб келгунча онамнинг қаерда тургани маъқул?

Кетиш ҳақидаги масала ҳал қилинганлиги ҳаммага аён бўлганди. Энди опаларининг ҳар бири оналарининг ўзлари билан бирга бўлишини талаб қилиб талашшарди.

Ниҳоят онанинг ўзи уларнинг баҳсига аралашди:

— Мен Қоҳира чеккасидаги ўзимизнинг эски уйимизга кўчиб ўтаман.

Опа-сингиллар, ҳаммалари қаршилиқ қилишди:

— Ҳеч қачон.

— Сен ёлғиз қолмаслигинг керак!

— Ёлғиз қолмайман,— тинчлантирди уларни кекса аёл.— Ишонаманки, Умм-Шалабнй мени ёлғиз қўймас...

Исо беихтиёр кўҳна уйларини эслади, уйнинг тилсиз деворлари ҳар бирининг дунёга келишининг гувоҳи бўлган. Айниқса, у катта, бўш ҳовлини аниқ тасаввур қилди. У бирданига қалбини эгаллаб олган туйгуларни ифодалашга сўз тополмади. Онасига мурожаат қилиб шуни сўрай олди, холос:

— Ҳақиқатан ҳам бирорта опамникига жойлашсанг яхши бўлмасмикин?

— Йўқ,— қатъият билан эътироз билдирди у.— Мен ҳам қайсарман. Агар мен эски уйимизда яшасам, ҳаммага яхши бўлади...

Исо бирдан бу ажойиб квартирасини ташлаб кетишга ачинди ҳам.

У кузолди шамолларидан улуғворлик билан тебраниб турган дарахтларга қайғули нигоҳ ташлади.

«Худонинг қаҳрига учраганимиз ҳаммамиз».

Тағин опаларидан бири хитоб қилди:

— Шундай ажойиб квартирага ўрганиб қолганингдан кейин, ўша эски уйингга қандай борасан?

Исо онасининг лаблари титраб кетганини сезди. Унга гўё онаси ҳозир йиглаб юборадигандек туюлди. Аммо она фақат алам билан деди:

— Ҳеч нима қилмайди. У яхши жой. Ахир мен сизларни ўша ерда туққанман-ку...

13

Бу воқелардан кейин атрофда ўлик осойишталик ҳукм суларди. Аммо Исонинг кўп изтироб чеккан қалби гарчи қанчалик оғир бўлмасин, жойини алмаштирганидан таскин топган эди. Аслини олганда, бу мебелли, кичик квартира унчалик ёмон эмасди. Ҳатто ҳозирги цивилизация даврида баъзан жамиятда тузуккина бурчаклар учраб туришига шу ер мисол бўла оларди.

Октябрнинг бу илк кунларида, ҳатто, денгиз ҳам ўзининг уфқларга чўзилган бор улуғворлиги билан аллақандай мулойим ва доно кўринарди.

Хона деворларига дидли оилаларга хос жуда кўп фото расмлар осиб ташланган эди. Уй эгалари греклар эди. Искандариянинг бу кварталига бутунлай греклар ўрнашиб олишганди. Қаёққа қараманг деразаларга, қўшниларнинг балконларига, кўчаларга — ҳам-

ма жойда юзларида тавротнинг қандайдир муҳри бўлган грек чехраларини учратиш мумкин эди.

Биринчи кунларда буларнинг ҳаммаси аллақандай нотаниш — гўё бутунлай бегоналар орасида қолгандек туюлди Исога. Нақд тротуарнинг ўзига экилган дарахтлар билан қопланган қаҳвахонани айтмайсизми? Равшан ва янги ранглари билан кўзларни қувонтирувчи кўк бозори-чи, грек чехралари ва бегона тилдаги гапларни эшитиш мумкин бўлган кўҳнагина дўконлар-чи?

Исо баъзан ўзини ҳақиқатан ҳам Мисрдан жуда узоқларга кетиб қолгандек ҳис қиларди. Бу туйғу эсанга ҳайрон қоларли даражада қониқиш, хурсандлик ҳисси берарди. Ахир у қачонлардир мана шу келгиндиларга нафрат билан қарарди... Ҳозир эса уларга ўз ватандошларига нисбатан кўпроқ меҳр қўйган, ҳатто улар билан бирга бўлишдан ўзига қандайдир тасалли изларди.

Унинг турар жойи саккизинчи қаватга жойлашган эди. Бу ердан денгиз қирғоғига бориб тақалган кичкина уйларнинг томлари кўриниб турар, у ҳамма вақт денгизнинг улуғвор манзарасини кўриши мумкин эди. Денгиз ва кишини мафтун этувчи куз ойи... Тез-тез Исо деразага тикилганча ўз ўйларига эрк берарди. Баъзан беданалар тўдаси кўкдан секин сузиб ўтарди. У хаёлида бу кўчаётган қушлар олдида турган тақдирнинг қочиб бўлмас хавф-хатар ва қийинчиликлари ва улар бу қийинчиликларни енгиб ўтиш манзараларини жонлантardi. У жонажон Қоҳирани тез-тез эслаб турарди. Қайғули хотиралар... Албатта, ёлғизлик оғир синов. Аммо у баъзан кишининг осойишталигини бузувчи ва уйқусиз кечаларга сабаб бўлувчи кўнгилсиз учрашувлардан қочиш, ўтмишдаги умид ва интилишларини унутиш учун жуда зарур бўлиб қолади.

Дақиқалар кетидан дақиқалар оқади, соатлар ўтади, ўзинг сезмаган ҳолда вақтнинг ҳисобини йўқотасан ва ҳатто куннинг қандай ўтганлигини ҳам билмай қола-

1 сан. Ва бирдан рангсиз кузги булутларнинг шундай осойишта қучоғида қуёшнинг секин уфққа оға бошлаётганини сезиб, ҳайратда қоласан. Ҳаёт сенга қайтадан кулиб боқаётгандай туюлади, дунёни ва атрофингни ўраб турган одамларни биричи марта кўриб тургандек бўласан. Узоқ курашлар, изтироблар — энди ҳаммаси ортда қолди. Шундай лаҳзаларда, ниҳоят ижод, яратиш ҳиссини, сидқидилдан ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини англаб қоласан...

Бу кватирада Исо ҳақиқатан ҳам ўзини ёлғиз ҳис қилар, ўз юрагининг уришидан бошқа ҳеч нимани эшитмасди. Ҳали ҳам Қоҳира қаҳвахонасида ўтказилган сўнгги кеча ҳақидаги хотиралар унинг юрагидан ўчмаган, уни ҳамон изтиробга соларди. Ахир у ўз дўстлари — Аббос ва Иброҳимни қандай севарди. Ҳозир эса уларнинг ҳар иккаласидан ҳам нафратланади. Исо уларни революциядан олдин қандай бўлишса, шундай-лигича севарди, ҳозирги ҳолатларидан нафратланарди. Ниҳоят, у дўстлар билан аҳмоқона алоқаларини узишга имкон топди... Оғир ўйлар юки қамраб олиб, унга тинчлик бермас, миясини пармаларди. Аммо осонгина ўзини юната олиш, аҳмоқ ва жиноятчиларга хос ҳислат ҳолос, тағин бундай осон ечим дераза ортидан кенг бўшлиқларга бир назар ташлаш билан қалбни тинчлатириш ва борлиқдаги ҳамма нарсага бефарқ қараш кайфияти тушлардагина бўлиши мумкин ҳолос.

«Нима учун оллон таоло сермашаққат қонли йўлдан иборат ҳаётимиз маъносини салгина бўлса-да, бизга англазмаган экан? Пайдо бўлганидан буён қанчадан қанча воқеаларни кўриб келаётган бу денгиз нега жим? Нима учун она ер ўз болаларини ўзи еяпти? Нима учун ҳатто тош бўлсин, қурт-қумурсқа, ёки қаторгага сургун қилинган киши бўлсин, ҳаммасининг ҳаётда ўрни бор, меники йўқ?» Бу саволлар уни тарк этмасди.

Исо ўша тонгда яқинда хат юборган Самир билан учрашиш учун «Фирдавс» казиносига йўл олганди.

Улар Исонинг сентябрь ўрталарида Искандарияга кўчиб кетганидан буён бирор марта учрашишмаган эди.

Сўнгги марта Исо бу казинога 1951 йилнинг ёзида кирганди. Денгиз лабидаги пляж бўшаб қолган, казинода ҳали одам кам эди: ҳар қалай октябрнинг охирлари эди-да!

Илгариги вақтларда Исо, юқори мансабларини эгаллаб турган пайтларида «Фирдавс»га бошини баланд тутган ҳолда дўстлари ва душманларининг ҳурмат назари оғушида ўз столи томон дадил юриб борарди. У бундан икки йил бурун бу ерда ташкил қилинган банкетни ҳеч қачон унутолмайдн. Ушанда масту масрур қалблар қанчалик шодланган эди! Уни қанчалар оқнишлаган эди! Бутун кеча мусиқа янграган, қанча винолар ичилиб кетган эди! Унинг олдида энг қувончли истиқболлар ёлқинланиб турарди, барча умид ва истаклари албатта амалга ошиши керак эди.

Ҳозир у киришда ўнг томондаги ўзининг эски ўрнида ўтирарди. Залда тағин бир қанча ҳамиша ҳозир у нозир бўлувчи — мавсумининг энг сўнгги кунигача шу ерда бўлувчи — кекса пошолар ўтиришарди.

Столлارнинг бири атрофида кекса ва ўрта ёшдаги икки аёл ўтирарди. Бу ерда одамни ташвишга солувчи қандайдир ёқимсиз жимлик чўккан эди.

Исо кампирга ўгринча назар ташлади. Бир вақт келиб Сальва ҳам мана шундай кампир бўлиб қолади, деган фикр миясига урди унинг. Вақт ҳеч ким ва ҳеч нимага шафқат қилмайдн. Дераза ортида мовий денгиз чайқалиб ётибди. Осмонда қизғин-оқшн булутлар эришчоқлик билан секки сузади.

Самир белгиланган вақтда ҳозир бўлди. Улар қучоқлашиб кўришншди. Самир сезиларли даражада йўғон тортган, айни пайтда бақувватлашган эди. Кўзлари осойишта боқарди.

— Мен хотиним билан келдим, қайнанами қузатдик. Эртага қайтиб кетамиз.

Исо Қоҳирада нима янгиликлар борлигини, Самирнинг севимли қаҳвахоналарида бўлиш-бўлмаслигини сўради.

— Айтарли янгилик йўқ,— жавоб қилди Самир.— Мен ишга жойлашдим: мебель билан савдо қилувчи тоғамга ёрдам бераман. Унинг кичик компаньони бўлиб қолдим, ҳақиқатда эса ҳамма ишни удалайман.

Исо дўстини табриклади. Ўзининг бундай бемаза даврда ҳеч ишлашга хоҳиши йўқлигини баён қилди.

Самир ҳайрат билан атрофга назар ташлади:

— Қара-я, Искандария бунча бўм-бўш?

— Искандарияни айтасан, ахир бутун дунё бўм-бўш-ку. Қўлингдаги нима? Кўрсат-чи?

Самир унга қўлидаги китобни узатди. Исо Самирға ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

— Наҳотки сен сўфизм ҳақида ҳеч нима эшитмаган бўлсанг,— деди ўртоғи.

Исо кулимсиради:

— Илгари бу билан қизиқишингни сезмаган эканман!

— Ҳа, шундай... Аммо биласанми, бир куни диндор ваъзгўйини тингладим. Унинг фикрлари менинг қалбим тубида чуқур из қолдирди. У менга сўфизм ҳақидаги бир неча китобни совға қилди. Уларни мен мана, кейинги пайтлар ўқиб ўрганияпман.

Исонинг юзидан кулги аримасди.

— Сен бу машғулот билан жиддий шуғулланиясанми ёки шунчаки эрмак учунми?

— Очигини айтсам, эрмакдан ҳам кўра қалбга ҳақиқий ором беришдир,— жавоб берди Самир шишадан кокакола қуяркан. У бокалнинг ярмини бўшатиб, давом этди:— Биз одатда фақат мажбур бўлганимиздагина, яъни касалланганимиздан кейингина ўз соғлиғимиз ҳақида қайғуриб қоламиз, ўшапда ҳатто қиш кунида ҳам Асвонга даволанишга борамиз. Ахир у ерга ол-

динроқ бориб, касалнинг олдини олишимиз ҳам мумкин эди-ку...

Исо истеҳзо билан деди:

— Аммо ҳар қалай сўфизм таълимотига сиёсӣй кризис даврида мурожаат қилиш билан уни эркин, ҳамма ишинг жойида бўлган пайтда қабул қилиш ўртасида фарқ бор ахир.

Самир уни тоқат билан тинглади. Унинг кўкимтир кўзларида табассум порларди.

— Албатта, фарқи бор. Аммо натижаси муҳим-да. Баъзан шундай бўладики, кулфат бизнинг тўғри йўлга тушишимизга ёрдам беради.

— Аммо, айтилик...

Кутилмаганда қўшни столга ўтирган ўрта яшар хонимнинг кўзларига кўзи тўқнашиб, Исо сўзининг ярмида жим қолди. «Агар ҳаммаси илгари ўйлаб қўйилганидек кетганда Сальванинг менга хотин бўлиб тушганига аллақачон бир йил бўларди,—ўйлади у.— Агар...»

Исо яна Самирга мурожаат қилди:

— Сўфизмда «агар» қандай маъно англатади.

Самир, афтидан Исонинг нима талаб қилаётганини билмасди. Исонинг ўзи ўз саволига жавоб қилди:

— У шубҳалар азобини акс эттиради ва воқеалар оқимининг ўзгариши олдиндан тақдир томонидан пешанада ёзиб қўйилган деган аҳмоқона фикрни айтади.

Самир беозор жилмайиб, нимагадир эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, аммо Исо уни эшитмади. Сальва ҳақидаги фикрлар туғғени уни тарк этмасди. У яна хаёлида қизнинг камчиликларини санаб ўтди ва ҳатто булар учун уни қаттиқ айблади. Албатта, у Исонинг аёл деган идеал тушунчасига жавоб бермасди. Аммо, нима ҳам дейсан, муҳаббатнинг кўзи кўр. Сальва ўз ахлоқи билан табиатнинг фалокат келтирувчи

кучларига қанчалик ўхшайди! «Эртами-кечми, менга хотиш керак бўлади,— деди у ўзича,— ким менинг алам ва умидларимни унингчалик баҳам кўра оларди... Ҳар қалай, нима бўлганда ҳам бу сўфизм эмас-ку!»

Унинг калласига бундан бир неча дақиқа олдин айтолмаган ўша фикр келди. У кечирим сўраган кишининг оҳангида савол қилди:

— Мабодо бизни тағин министрликка чақиришлари мумкин деб ўйлайлик. Сен унда ўз сўфизмингга нисбатан қандай муносабатда бўлардинг?

Самир оипоқ тишларини ярқиратиб кулди:

— Иккаласини ҳам бирга қўшиб олиб бориш унчалик қийин иш эмас-ку. Мана ҳозир мен савдо ишини сўфизм билан қўшиб олиб борапман. Бу менга ҳеч халақит бермайдн, аксинча, сўфизм кишининг кўплаб ярамас ниятлардан қутулишига ёрдам беради...

— Нималар деяпсан, ахир бу ўз-ўзингни ҳалок қилиш-ку! — хўрсиниш билан деди Исо.

Бир қанча муддат жим қолишди. Қуёш уфққа ёнбошларкан, секин порларди. Самир Исонинг бундан кейин нима қилмоқчилигин билан қизикди.

— Нима дейсан, ҳақиқатан ҳам бизлар учун ҳам-ма нарса тугадими? — жавоб қилмай сўради Исо.

Самир гангиб, елкаларини қисди:

— Шундай бўлиб кўриняпти. Бу воқеалар олдинги тўнтаришларга сира ўхшамайди...

Исо жим ўтирарди. У гўё ниманидир тинглаётгандек эди. Унинг кўриниши девоналарникидек эди. Кейин у деди:

— Ўзимиз ҳам мана шу бўшаб қолган кузги пляжга қанчалик ўхшаймиз-а...

— Шунинг учун ҳам албатта иш бошлаш керак деяпман-да.

— Бундан нима фойда? Барибир биз учун ҳаётда ўрин йўқ. Биз энди ҳамма вақт ўзимизни ортиқча

кишилар деб ҳис қиламиз, нимаси биландир кўричак-ка ўхшаш.

Кутилмаганда жилмайиш билан Исо сўзида давом этди:

— Сендан яширмайман, менда ҳам сенинг сўфизмингга ўхшаган гоё бор. Бу гоё менинг ёлғиз ҳаётимда катта роль ўйнайди.

Самир унга қизиқиш билан тикилди.

Сокин, қарийб лоқайд оҳангда Исо деди:

— Бирор-бир жиноят қилишнинг йўллари ҳақида ўйлаяпман.

Самир кулимсиради:

— Нима ҳам дейиш мумкин, ҳақиқатан ҳам ажойиб гоё!

— Ахир сўфизм гоёсига кўра ўз-ўзингни ўлдиришинг керак, мен, аксинча, ўзгаларни ўлдираман.

— Ҳамонки шу йўлга кирар экансан, бирор арзирли жиноят, масалан, жинсий жиноятларни таилашингни маслаҳат берардим...

Иккаласи ҳам кулишди.

— Худога шукр! Биз ҳали кулиш қобилиятини йўқотмабмиз,— деди Самир.

— Кулиб қол, масхарабоз!.. Биз ҳали ўзимизнинг тарих аравасидан улоқтириб ташланганимизни ва замон бундан кейин бизга кулиб боқмаслигини тўла англаб етганимизда кулолмай қоламиз.

Оқшом чўкди. Денгиз томондан ёқимли шабада эсди. Қўшни столларда ўтирган сийрак мижозларни ширин бир мудроқ босган эди. Бирдан Исонинг хотирасига ўзининг ҳали университет студенти эканлигида қилган биринчи нутқи тушди.

— Биз тамом бўлдик,— деди у алам билан.

— Сабр-тоқатли бўлишимиз керак. Душманларимизнинг ўзаро низолашувларини кутиб турамиз.

Улар ёнига казино хўжайини, грек киши келди. У Исога кулимсираб боқаркан, унинг соғлиги ва ишлари

ҳақида сўради. Исо шу зумдаёқ унинг саволларидаги яширин фикрни англади, кулимсираб жавоб қилди:
— Ўзингиз кўриб турибсиз-ку ишларим қандай-лигини...

Самир билан хайрлашиб, ўзининг баланд уйи яқинидаги бекатда трамвайдан тушаркан, Исонинг кўнгли эзилди.

Кенг вестибюлдан қоронғида лифт томон юраркан у яна Сальва ҳақида ўйлади: «Мени шу аҳволга солган ўша!..»

14

Ресторан буфетини рақс зали билан боглайдиган айвоннинг чала ёритилган йўлагидаги столда Исо қўлида рюмка ёлғиз ўтирарди. Музика янгради. Бир нечта нафар ёшлар кундузги ташвишларни унутиш ниятида музика садоси остида енгил рақс туша бошлашди.

«Наҳотки мана шу чиройли аёлларни бу ерга худди уруш давридагидай тўғри кўчадан олиб келишган бўлишса. Афтидан, уларнинг ҳар бирининг ўз уйлари бўлса керак»,— ўйлади Исо. У илк болалик йилларини эслаб кетди. «У пайтларда аёлларга эришиш анчайин осон эди,— ўйларди у.— Ҳозир эса улар одам танлайдиган бўлиб кетишди, бойиб кетишганданмикин? Нима бўлганда ҳам уларга сиёсий курашда мағлубиятга учраган одамдан кўра тузукроқ эркаклар керак».

Музика унга кучли таъсир қилмоқда эди. Танцага тушгиси келар, лекин жуфтини қаердан топсин... Икки рюмка коньяк ичиб олгач, дарров ўзини яхши ҳис қилди, гўё бегона кўзлардан яширувчи ишончли бошпанага киргандек бўлди. Ўйлади: ахир унда пул етарли-ку — оқсоқолларга балли. Бир оз салғиш учун ўзига эрк бериши мумкин. Эҳ, агар мана шу ярамас, боши

берк кўчага кириб қолмаганида, у ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатарди-я!..

Аммо Исо ўз ўйлари билан узоқ ёлғиз қололмади. Кимнингдир нотаниш овози эшитилди:

— Нимани ўйлаб қолдинг?

Исо атрофга аланглаб чиқди. Ҳеч ким йўқ. Аммо у аниқ эшитди-ку. Қандайдир мастнинг овози.

— Менинг қаердалигимни билишни истайсанми,— яна давом этди ўша нотаниш овоз.— Қара... Мен бу ердман!

Исо ўтирган столдан унча узоқ бўлмаган ним қоронғи бурчакда кичикроқ дарахт кўриниб турар, унинг ортида нима борлигини кўриб бўлмасди. Номаълум одам нима учундир ёруқча чиқмасдан шу дарахт орқасига яширинишга қарор қилганди. Исо ичида сирли ҳамсухбатини лаънатларкан, унинг ақмоқона ҳазилларига эътибор қилмаётган киши қилиб. кўрсатди ўзини. Аммо нотаниш киши қоронғида ҳамон гапирди:

— Ёлғиз ичишни яхши кўрасанми?

Исо нотаниш кишининг жим бўлишини кутиб оғиз очмасди. Аммо у жим бўлишни ўйламасди ҳам:

— Биламан, сен шундай ҳолатда яхшироқ ўйлайсан. Унда жавоб бер: ахир дунё ҳақиқатан ҳам ҳалокат томон юз тутаётгани йўқми?

Исо жавоб қилмади. У рақс майдончасига назар ташлади, танца тушаётган жуфтларни кузатар экан, уларнинг нимадан бунчалик хурсанд эканликларини, қизарган юзларида нега бунча хушчақчақ ифода борлигини ўйлаб ҳайрон бўларди...

Номаълум киши, афтидан роса отиб олган бўлса керак, ҳамон уни ўз ҳолига қўймасди:

— Мана шу савол ҳақиқатан ҳамиша мени безовта қилади. Агар дунё ҳалокат томон кетаётган бўлса, мен коньяк ичман, агар уни қутқариб қолишга бирор-бир умид бўлса, унда виски ичман. Мен учун нимадан

ўлишнинг фарқи йўқ — касалликларим етарли: ҳам қол босими, ҳам жигар ва ҳатто бавосил...

Исо беихтиёр жилмайди. Ҳар қалай мастлик ҳам яхши-да. «Аммо одамларимиз бошига бирданига қанчадан-қанча кулфатлар ағдарилмади,— яна хаёл сурарди у.— Шундай туюладики, эски дунёнинг барча вайронгарчиликлари сенинг бошингга ағдарилгандек. Ҳаммасидан огири шундаки, қалбинг янги тузумга нисбатан нафратга тўла бўлса ҳам, ақлинг бу тузумни рад этолмайди. Рад этолмайди, тамом, вассалом!»

— Дунё биринчи марта ҳалокатга юз тутаетгани йўқ,— кутилмаганда қалбидан отилиб чиқди бу сўзлар.— Агар пешанангга ҳалок бўлиш қисмати ёзилган экан, бунинг тезроқ бўлгани яхши...

Ўша ғалати кимсанинг овози эшитилди:

— Шошилишнинг нима кераги бор?

Асабий, қандайдир қалтироқ кулги билан Исо жавоб қилди:

— Ҳалокат ҳозир менинг учун эзгулик, ҳар қандай эзгулик бу яхшидир, агар уни узоқ кутншга тўғри келмаса...

Унинг миясини кайф заҳарлаган, хаёлида янгидан-янги қайгули фикрлар чарх урарди. Исо ниҳоят рюм-касидагини ичиб тугатиб, столдан турди ва мастларга хос енгил қадамлар билан эшик томон йўл олди.

У Саъд Заҳлул кўчаси бўйлаб борарди. Искандария кўчалари орасида шу кўча Исога кўпроқ ёқарди. Шунинг учун ҳам у сўнгсиз ўй-хаёлларга чўмган ҳолда ҳар куни бир марта шу кўчадан ўтарди.

Вақт ярим кечага яқинлашганди. Ҳаво кишини теткилантирадиган даражада салқин. Нафас олиш ҳам енгил ва эркин. Кўча ушбу соатда бутунлай бўм-бўш эди.

У денгиз томонга қаратиб ўрнатилган Заҳлулнинг ҳайкали ёнида бир неча дақиқа тўхтади. Саъд Заҳлул азалий орзуларининг қаҳрамони эди, Исо унга тақлид

қилишга интиларди. Кейин ўтаётган трамвайга чопиб чиқиб олди, бир неча вақт юраркан, қирғоқ бўйлаб юришга қарор қилиб, тушиб қолди. Денгизнинг шўр суви салқинини олиб эсаётган шабада миясини бир оз равшанлаштирди. Осмонда секин сузаётган оғир булутлар карвони ортидан юлдузлар милтилларди... Гўёки денгиз ухлаётган, қоронғида эркин нафас олаётгандек эди. Қаёқдандир, узоқлардан гулханлар йилтираб кўзга ташланарди. Бу очиқ денгизга чиққан балиқчилар кемаси эди. Атрофда жон зоти йўқ...

Исо тош зиналардан пастга тушаркан, бир оз ором олишни ўйларди. Бўм-бўш квартирага қайтгиси йўқ эди, бунинг устига уйқуси ҳам келмаяпти. Искандарияга кўчиб келганидан буён у ҳайрон қоларли даражада ҳаёт кечирарди. Кўнглига ёққанини қиларди: ухлагиси келса ётар, истаган пайтида уйқудан турар, оч қолса — ер, зерикканда — уйдан чиқарди. Ҳеч қандай мажбурият, ҳеч қандай ташвиш йўқ.

Буйдай мутлақ эркинликдан у илгари ҳеч қачон фойдаланган эмасди...

Бирдан Исо бу ерда ўзп ёлғиз эмаслигини ҳис қилди, бошини беихтиёр чапга бурди, худди қандайдир сирли куч уни ўша томонга ундагандек бўлди.

Қоронғиликда кечга қолган ўткинчининг хира қиёфаси гавдаланди. Ниҳоят, номаълум одам кўча чироғининг нури тушиб турган ёруғ томонга ўтди. У аёл киши эди. Унга бир қарашнинг ўзидаёқ шуни англаш мумкин эди: тунги овга чиққан фоҳиша. Унинг устида арзонбаҳо кўйлак, шунчалик қоронғи тунда юзиди бегона эркакни учратишдан қўрқиш туйғусининг акс этмаганлиги ҳам унинг касби ҳақида гувоҳлик бериб турарди.

Аёл секинлик билан қирғоқ панжарасига яқинлашгунча Исо уни диққат билан кузатди. Кўзларни худди бошпанасиз итникидек, ким бўлмасин бирипчи ишорасидаёқ ортидан кетишга тайёр эди. Исога жуда ҳам

яқин келаркан, у сал наридаги тош зина устига оҳиста ўтирди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди.

Ғаройиботни қаранг! Агарда йилнинг бошқа фасли бўлганда, у Искандария курортлари учун унчалик ҳам бозори чаққонлардан бўлмасди. Аввалига Исода ундан жирканиш туйғуси пайдо бўлди, аммо, кейин кўнглида унга яқинлашиш истаги уйғонди. Ҳа... Илгариги «Министр канцелярияси»нинг жаноб бошқарувчиси министрлик постига биринчи номзод бўлган одам йўқ эди. У ҳалок бўлди. Ҳозирги Исо бегона шаҳарда тун қоронғисиди улоқиб юрган бир маст, ёлғиз ва ғариб эди. Бирдан унинг қалби тубида тунги чувалчангларга ўхшаш, энг тубан инстинктлар уйғониб жўш урди. Бу ҳислар уни ахлат тўла тубсиз ғор томон итарар эди.

У аёлга қўли билан ишора қилди: бу аёлга яраша бирон оғиз сўз айтишга тили айланмади. Кейин яна бир марта ишора қилиб уни чақирди. Аёл ўрнидан туриб, унга яқинлашди. Исо ишора билан уни ёнига ўтиришга таклиф қилди. Аёл ўтирди ва кутилмаганда секин қиқирлаб кулди, унинг кулгиси қирғоқ яқинидаги — тошлар устида ўйнаб оқаётган тўлқинларнинг сокин шовиллашини эслатарди.

Бир қанча муддат Исо унинг юзига тикилиб турди — унинг юзи худди гўдакнинг юзи эди.

— Ёшинг нечада ўзи?

У жавоб қилмай, тагин кулди. Исо саволини яна такрорлади.

— Ўзинг топ.

— Сен ҳали ўн беш ёшдан ошмагансан.

— Хотиржам бўл, — ғурур билан деди аёл, — нима бўлганда ҳам ҳар қалай, балоғатга етганман.

У ўртача қоматли, миқтидан келган, думалоқ, оқ юзли, болаларникидай калта сочли аёл бўлиб, тирноқларида маникюр бўёқларининг излари бор эди.

— Бунича кеч қаердан қайтгилсан?

У келган томонини кўрсатди:

— Қаҳвахонадан.

— Нима учундир мен йўлда ҳеч қанақа қаҳвахона-ни учратмадим-ку.

— Кимга керак бўлса, учратади,— яна кулди аёл:— Сигарет топиладими?

Улар индамай чекишди. Исо нима дейишини билмасди. Кейин шивирлаб деди:

— Кетдик...

Бир қанча муддат улар қирғоқ бўйлаб ёнма-ён юришди. Кейин аёл уни қўлтиқлаб олди. Исонинг қанчалик қовоқларини уйиб олганини қоронғида сезиб бўлмасди. У яна Сальвани хотирлади. Бу уни янада қаттиқроқ изтиробга солди. Алам билан ўйлади. «Агар булар иккаласи дугона бўлишганда? Қизиқ, мен ўшанда қайси бирини танлаган бўлардим?»

15

Исо эрталаб жуда кеч уйғонди. Анча вақтгача ёнида ухлаб ётган аёлга ҳеч нимага тушунмай ҳайрон бўлиб тикилиб турди. Кейин бирдан тунги ҳодисалар ҳақидаги хотиралар миясига урди. У ўз қилмишини ўйлаб кўраркан, бир оз хотиржам бўлди: бунинг нимаси ёмон экан? Нима бўпти? Совуқ жирканч нигоҳ билан аёлга тикилиб қолди: унинг ярим яланғоч танасида қалин лаблари ярим очиқ — текис, майда тишлари кўриниб турибди, боши ўнг елкаси томон бир оз қийшайган, тўзиган сочлари кундузги ёруғда қаттиқ ва қайсардек туюларди. Болаларникидек майин киприклари, юзи ва ёшига сира ҳам мос келмайдиган бўшашган кўкраклари кишини ҳайратга соларди.

Исо осойишталик билан тўшакдан турди, ваннахонага ўтди. У қайтиб келганида аёл уйғонган ва эринчоқлик билан эснаб, каравотда ўтирарди. Унинг катта кўзларига қийинлик билан назар ташларкан Исо уни иложи борича тезроқ жўнатишга қарор қилди.

— Менинг кетадиган вақтим бўлди,— деди Исо.

Аёл унга илинж билан қаради, каравотдан ирғис турди ва ваннахонага чиқиб кетди. Исо балкон эшигини очди. Хонага денгиз ҳидини олиб тоза ҳаво кирди. Қуёш найза бўйи тик кўтарилган, чарақлаб турарди.

Қийинаркап, Исо денгизга меҳр билан тикилишда давом этди. Денгиз абадий ҳаракатда. Сув устида гоҳ у ер-гоҳ бу ерда тўлқинлардан бешиклар пайдо бўлар, гўёки минглаб лаблар ёқимтой жилмайиб очилиб-ёпилаётгандай кўринади.

Вақт ўтиб борар, аммо аёл кетмасди. Исопи қалтироқ босди. Емакхонага чиқаркан, аёлни уй йиғиштириш билан банд бўлиб турган ҳолатда кўрди.

— Ҳимматинг учун раҳмат, аммо бунни қўй... Керакмас. Мен кетишим керак.

Полни артишдан тўхтамай у илтимос қилди:

— Илтимос...

— Йўқ, йўқ,— бўғиқ овозда деди у,— кийин тезроқ. У стулга ўтирди. Қулимсиради.

— Турсанг-чи, ялқов қиз! Мен кетишим керак ахир,— тагин талаб қилди Исо.

Аёл мулоҳимлик билан сўради:

— Сен ёлғиз яшайсанми?

— Ҳа... Хўп бўпти, кетдик!

Аёл сочини тарай бошлади.

— Мабодо сенга хизматкор керакдир деб ўйлаган эдим...— унинг овозида биринчи марта сидқидилдан ачиниш оҳангги янгради.

— Раҳмат, мен ҳеч нимага муҳтож эмасман. Наҳотки сенинг уйинг бўлмаса?

— Йўқ.

— Шу пайтгача қаерда яшагандинг?

— Баъзан қаҳвахонада, баъзан эса хўжайканикида.

— Ахир сенинг тушуминг, моянанг бор-ку.

— Қишда мен учун иш бўлмайди, ўтган ёз эса бу масалада қишдан ёмонроқ бўлди.

— Афсуски, мен сенга ҳеч ёрдам қилолмайман,—
титроқ овоз билан деди Исо.

Аёл итоатгўйлик билан ўрнидан турди ва секин шивирлади:

— Йўқ, қишда ҳеч нима ишлолмайман. Сенга эса хизматкор керак.

Аёлнинг қатъияти уни баттар аччиқлантирди. Шундай бўлса ҳам у сўради:

— Нима учун сен қишда Қоҳирага бормайсан?

Аёл унга ақл бовар қилмайдиган гап эшитгандек ҳайрон бўлиб қаради ва оддийгина жавоб қилди:

— Ахир бу ерликман-ку.

— Қариндошларинг йўқми?

— Албатта бор, аммо уларнинг ҳузурига қайтолмайман-да.

— Улар билан учрашишдан қўрқасанми?

— Улар Тантада яшашади, мен асли ўша ёқданман.

Титроқ овоз билан жаҳлдан узуқ-юлуқ гапираркан, Исо унинг гапини шарт кесди:

— Хўп, ўзинг биласан. Менинг бошқа вақтим йўқ...

Аёл кийиниш учун бошқа хонага ўтди.

«Иккаламизда ҳам қандайдир умумийлик бор,— ўйлади Исо.— Жамият бизни тан олмайди».

Аёл қайтиб чиқди. Афтидан у Исога ёқмаётганидан жуда-жуда хафа эди. Деворда оспетлиқ турган онлавий суратни кўриб у сўради:

— Булар сенинг туғишганларингми?

Бейхтиёр кулимсиракан, Исо деди:

— Сен айёр қиз экансан!

Аёл ҳам кулимсиради. Кейин жиддийлашиб қизиқсинди:

— Сен искандарияликмисан?

— Йўқ...

— Амалдормисан?

— Шунга ўхшайманми... Эҳ, терговчи бўлиб кет-е! Бўлди, кетдик...

Аёл ундан пул сўради. У жуда кам пул берди ва биринчи марта шу тонгда унга ачинди.

Квартирадан бирга чиқишди ва уй олдидаги кўчада ажралишди. Очиққанини сезиб, Исо яқин ўртадаги емакхонага йўл олди. Кейин биринчи дуч келган кино-театрга кирди: қандай бўлмасин уч билан олти орасидаги вақтни бир амаллаб ўтказиш керак эди. Кино-театрдан чиққач, қаҳвахонада бир оз ўтирди ва оқшомги газетани ўқиб чиқди. Кечки соат тўққизларда яқинда кирган ресторани томон йўл олди. Музыка тинглади, танцага тушаётганларни кузатди, коньяк ичди, кайф қилди. Бутун дунёни ҳақоратловчи сирли ҳамсуҳбатининг овозини эшитгиси келиб қолди. Кейин Самирни эслади. Гўёки ҳамон у билан суҳбатини давом эттираётгандек секин деди:

— Биласанми, менинг сўфимизга қўшилгим келиб қолди...

Кулимсиради. Кейин ўз-ўзига мурожаат қилди:

— Сен келажак ҳақида ўйламайсан... Албатта, бу воқеалардан кейин дам олиш керак... Сен бунчалик арзимаслигинг учун қайғу чекма — тақдир шу экан...

Ярим кечага яқин уй томон йўл олди. Уйига яқинлашаркан, у кираверишда турган қоп-қора қиёфани кўрди. Бу унинг тунги таниши эди. Аёл унга томон енгил чопиб келди. Исо аёлнинг хижолатпазлик билан жилмайиб турган юзига ҳайрат билан тикилиб турди.

Бир оз иккиланишлардан сўнг Исо сўради:

— Бу ерда нима қилиб турибсан?

Аёл эҳтиёткорлик билан унинг қўлтиғидан олди:

— Сени кутдим... Ёлғиз келишингни ўйладим...

Унинг эркаловчи овози Исога таъсир қилди. У бир оз юмшади.

Зинадан кўтариларкан сўради:

— Исминг нима?

— Рири...

— Ҳа, исмингдан ҳам билиниб турибдики, танталики экансан...

— Искандарияда ҳам бундай исм учраб туради,— эътироз билдирди аёл... Сўнг қисқа сукутдан кейин қўшимча қилди:— Менинг юрагим сезиб турибди, сен мени ёнингда олиб қоласан, тўғрими?..

16

Исо Рирининг қолишига рухсат берди — аёл бунини жуда ҳам хоҳларди. Аммо у бошданоқ Ририга ўзининг эркин одам эканлигини ва унинг ишларига аралашмасликни, ҳатто ҳар кеча янги бир хотинни бошлаб келганида ҳам, индамаслиги лозимлигини тушунтирди... Рирининг ҳамма шартларига қўнишга тайёр эди. Исо Рирининг келиши билан уйда ҳамма нарсанинг ўзгариб қолганлигини пайқамаслиги мумкин эмас эди. Аёл бўмбўш, ёлғиз бошпанага ҳаёт бергандек эди. Ҳамма нарса тозаликдан ялтирарди. Уйда ҳаёт ҳам хушчақчақроқ бўлиб қолди.

Исо сотиб олиб келган янги кўйлақда аёл жозибали кўринарди. Бутун ўзининг қиёфаси билан Рирининг истаган хоҳишини бажаришга тайёр эканлигини билдирарди. Хизматкор ролини (албатта бека ролини эмас) Ририни осон ва ҳеч қийналмай бажарарди. У қандай бўлмасин, Исонинг кўнглини огритмасликка ҳаракат қиларди.

Бирга ер, ичар, чекар эдилар — аёл ортиқчасини талаб қилмас ва Исонинг ўзи ҳам бунга йўл қўймас: бир оғиз ҳам эркаловчи сўз айтмас эди...

— Мен ҳамма ҳақида ёмон фикрдаман,— ич ёриб қолди Исо унга.— Шундай бўлиб қолдим. Сенинг ҳақингда ёмон ҳаёлларга бормасликни хоҳлардим!

Тезда қиш ўз ҳукмини ўтказа бошлади ва об-ҳаво бутунлай айнаиди. Оқшомлари Исо уйда ўтиришга маж-

бур эди. Ҳар замонда у ёлғиз ўзи китоб ўқишга тути-
нар, баъзан улар биргаликда радио тинглашар, ҳар
хил майда-чуйда гаплардан гаплашншар эдилар. Баъ-
зан унга Рири янги ҳаётнинг, шу кўйга тушганидан бу-
ёнги турмушининг символидек бўлиб туюларди. Бундай
пайтларда у аёлни кўролмасди, қандай бўлмасин унинг
кўнглини яралашга уринарди. Аёлнинг тўлиқ, думалоқ
юзи чидаб бўлмас аламнинг зўридан буришиб кетарди.
Мана, ҳозир ҳам у ўзининг озор берувчисига ташлан-
моқчидек бўлар — кўча уни шунга ўргатганди. Аммо
Рири ўз кечинмаларини ошкор қилмасликка тиришар-
ди. Фақат титраган лаблари ва аламли нигоҳи унинг
ички курашидан далолат бериб қоларди.

Рири саводсиз эди. Унинг ягона қизиққан нарсаси—
кино эди. У кино санъати юлдузларининг номларини ёд
билар, кўп кинофильмларда айтиладиган қўшиқларни
айта олар, ўзи севган артистларнинг портретлари акс
этган откриткаларни тўплар, улар ҳақида соатлаб гапи-
ра олар эди.

— Сен мени кино учун туғилган деб ўйламайсан-
ми?— сўради у.

Исо унинг шуҳратпарастлигидан ҳайратланиб, бу
ҳақда ҳеч нарса билмаслигини айтди.

Рири кино юлдузлари ҳақида мпиглаб ҳар хил ҳи-
коялар биларди. Буларнинг барини қаердан биледи деб
ажабланмаслик керак эди. Чунки у ўзини минг шамли
кино чироғларининг нури — ёруғига муносиб деб билар-
ди. Фақат тасодиф унга кулиб боқмаган, холос. Бор гап
тасодифда.

— Сен мепнинг уйида эмас, бирор-бир продюсер ёки
кинорежиссёрнинг уйида яшашнинг керак эди,— мазах
қиларди уни Исо.

...Қиш кечалари узун. Бундай кечалари у кўпинча
тонг отгунча ётмасди. Рири уни турли хил карта ўйин-
ларига ўргатди. Улар пулдан ўйнардилар, баъзан аёл
уни ютарди ҳам. Аёлнинг Исодан оладиган пули фақат

шулар эди, аммо бу пуллар унинг чўнтагида узоқ ушла-
ниб қолмасди.

Бир куни Исонинг миясига у билан сиёсат ҳақида
суҳбатлашиш хаёли келиб қолди. У аёлнинг бўлиб ўт-
миш ҳодисалар ҳақида нималар билиши билан қизиқ-
синди, давлат арбобларининг номларини айтишини сў-
ради. Рири фақат елкасини қисиб қўя қолди.

Буни қаранг-а! Шундай одамлар борки, улар учун
сиёсатсиз ҳам ҳаёт ўз измида! Уни олдин осмонларга
кўтарган, кейин эса сиқиб олинган лимон каби бир чек-
кага улоқтирган шу сиёсат-ку!..

— Сен конституция ҳақида нимани биласан?—сўра-
ди у ошкора масхараомузлик билан.

Рирининг кўзларида ҳеч қандай маъно акс этмади,
у бундай нарсаларни англамасди.

— Хўш, Мисрнинг мустақиллиги масаласида қандай
фикрдасан?

Аёлнинг нигоҳи илгаригидай ҳеч нимани ифодала-
мади.

— Мен инглизларнинг чиқариб юборилишини кўзда
тутияпман,— тушунтиришга уринди Исо.

— Кетишса кетишаверсин. Агар сен шунини хоҳласанг.
Менимча эса кимга қандай-у, уларнинг борлиги ҳам
унчалик ёмон эмас. Менинг хўжайкам, масалан, яқинда
қаҳвахона очди.

«Мустақиллик билан унинг нима иши бор?— ўйлади
Исо. — Ахир бу унинг учун қуруқ гап-ку».

Аёл ўз ўтмишини очиқ кўнгиллик билан ва кишини
хайрон қолдирадиган даражада ҳикоя қиларди:

— Менинг онам, кекса холам ва оналарим бор. Ота
томонимдан эса амаким ҳам бор. У қарийб тўқсонда —
бизнинг уйдаги ягона эркак...

Болалигида у жуда тиниб-тинчимас — нақд шайтон-
нинг ўзи эди. У ўн ёшга тўлганда отаси вафот этди. Она-
сининг уни тарбиялаш эмас, ҳатто қизини ўз измига со-
лиш ҳам қўлидан келмади. Она уни эркаклардан сақлаб

қолишининг ҳам иложини қилолмади. Калтаклашлар ва қўрқитишлар фойда бермади.

— Мен бир йигитни севиб қолдим. Ушанда ҳали ўн учга ҳам тўлмаган эдим. Тезда бутун қишлоқ бизнинг тўғримизда гапира бошлади... Одатда бўладиган иш ҳам бўлиб ўтди... Онам бошида мени роса урди, то хушсизланиб ерга йиқилгунимча урди, кейин аламидан ўзини ўзи дабдала қилди.

Рири Искандарняга, шу ерга ўқишга келган йигитни ортидан қочиб келди, аммо бир неча ой ўтгач, йигит уни ташлаб кетди ва бу катта, бегона шаҳарда у мутлақо ёлғиз қолди. Мана бу зайлдаги ҳаёт ўша кунлардан бошланди.

— Ҳали жуда ҳам ёшсан-ку,— кулди Исо,— аллақачон шунчалик айёрликка ўргангансан.

Аёл мақтанчоқлик билан сўзида давом этди:

— Кейин бир кекса жаноб мени хизматкорликка олди. Аммо бу фақат бошқаларнинг кўзи учун эди, мен унга ёққандим. Унинг кекса, бемор хотини бор эди, у узоқ йиллардан буён тўшакдан турмасди.

— Сен бу имкониятдан фойдалана олмабсан-да ҳалиги қаҳвахона хўжайкасига ўхшаб, а?!

— Ахир менга ҳеч нима керакмас-да. Мен фақат ҳомий қидиравдим,— соддалик билан жавоб қилди аёл.

Исо ер юзида ўзидан ҳам бахтсизроқ одамлар борлигини англааркан, қаттиқ кулиб юборди.

— Сен келажакдаи нима кутасан?

Аёл қошларини кўтарди...

— Оллонинг даргоҳи кенг! Худо пошшо!

— Айтмоқчи, сен диндорсан-ку!

Рири яхшиси жим ўтирпшни афзал кўриб, фақат жилмайиб қўйди.

— Ўзинг бир кунни шайтонлигинингни тан олиб гапиргандинг-ку,— давом этди Исо.

Аёл кулиб юборди.

— Ухлаган маъқулмасми? Бир-биримизни бошимизни

қотирганимпздан кўра шу яхши,— ўйинқароқлик билан сўз қотди у.

Қундан-кун Исонинг Ририга ишончи ортиб борар ва ҳатто ўзи билан унинг ўртасида кўп умумий томонлар борлигини ҳам англай бошлаган эди. Жамиятдан узилиб ҳаёт кечираётган бу йигит учун Рири катта зарурат эди, айниқса ҳозирги кунларда бошига фақат мусибат тошлари ёғилаётганда бу аёлнинг ёнида бўлиши унинг учун сув билан ҳаводек зарур эди.

Партия лидерларига қарши қаратилган жазо қили- чининг ҳужуми авжига чиққан ва уларнинг кўпи судга берилган эди. Гўё қорадори билан савдо қилувчи киши- нинг ўз хўжайинларининг қамалганлини эшитгани синга- ри Исонинг юраги қўрқувдан қисиларди.

Исо янги тузумга нафрат билан қарарди ва бу тузум тартибларини тушунишни ҳам истамасди. Уни энди ҳеч нима ортиқ ҳайрон қолдиролмасди. Бу ерда ҳамма нарса аллақандай бегона туюларди, айниқса шу сершамол қо- ра қиш кунларида гаван ёпилган, қутурган тўлқинлар қирғоққа сапчир, қуюқ булутлар кундузни кечага ай- лантирган эди. Унинг қалби Қоҳирага, севимли қаҳва- хонасининг иссиқ бурчагига талппнарди.

— Сенга нима бўлди? Хаёлинг жуда узоқларда, бу- тун дунёни унутган кўйи кезиб юрибсан-ку!— хаёлини бўлди унинг Рири.

Исонинг ҳорғин кўзларида ҳаёт учқунлари чақна- ди, у аранг жилмайди, аммо индамади.

— Сенга нима бўлган? Гапирсанг-чи! Ахир бир неча кундан буён бир аҳволдасан!— тинчитмасди Рири уни.

— Э, сенга нима?— жовоб қилди у хўрсиниб, қалти- роқ товуш билан.— Сен фақат ўша радиодаги қўшиқла- рингни биласан, холос.

Рири бўш келмади:

— Сен оқсуяклардансан-а?

У қуруққина кулиб қўйди:

— Ишсизлардан десанг-чи!

— Сенми? Бўлмаган гап. Бу ерда қандайдир сир бор...

— Сир-пир йўқ. Ҳаммаси ойнадек равшан.

— Ҳеч бўлмаса шуни айт-чи, нега кейинги пайтлар бунақа бўлиб қолдинг, нима бўлди ўзи?

— Худди шу саволини ўзингга беришимга рухсат эт...

— Менинг ҳаётим ўзимнинг қўлимда эмас-да...

— Меники-чи?

Исо кулимсиради.

— Ҳадемай баҳор келади, иккаламиз ҳам ўз йўлимизни топиб кетамиз.

— Мен эса кетмайман!— хптоб қилди Рирп.— Ҳатто ҳайдасанг ҳам кетмайман...

Ёлишқоқ қиз! Туйғулари нозик бўлмай кетсин! Унинг муҳаббати Исо учун нафратли эди ва қиз бу ҳақда гапирганда, одатда унда жирканиш ҳисси пайдо бўларди. Мана, ҳозир ҳам зўрга ғазабини ичига ютиб, у ўзини алаҳситишга уринди, радио тинглашга тутинди. Радиода иқтисодий масалалар баҳси эшитиларди. Иқтисодчиларнинг номларини санаб ўтаркан, диктор Ҳасан Али-Дибогнинг ҳам номини эслатиб ўтди. Исо шиддат билан приёмникни ўчирди.

— Нима гап?

— Сенга айтдим-ку қўшиқларингни тингла деб!— қўполлик билан жавоб қилди Исо.

Исо очиқ киш кунларида Искандарияни кезиб юришни севарди. У ҳеч қачон Ририни ўзи билан бирга олиб юрмасди, қизнинг кўзлари эса у билан сайр қилиш иштиёқи билан ёнарди, ҳеч бўлмаганда у билан бирга қирғоқ бўйлаб бир неча қадам босишни қанчалик истарди Рирп.

Бу ҳақдаги фикрни эшитишнинг ўзиёқ Исо учун нафратланарли эди.

— Нима учун ҳазар қиласан, мен мохов эмасман-ку.

— Сўрама,— Рирининг гапини бўлди Исо. Аммо шу заҳотиёқ аёлнинг ҳаяжондан оқариб кетган юзларига

кўзи тушаркан, ҳазиллашиб уни калта сочларидан тортқилади ва мулойим овоз билан деди:— Бахтсизликнинг сабабларини ахтариш керакмас.

Аёл ўз туйгуларини фақат сўз билангина ифодаламасди: унга қандай бўлмасин яхшироқ хизмат қилишга, ҳар бир истагини пайқашга интиларди. Исо унинг ғам-хўрликларини, ҳали ҳам унга бир оз ишонмаса-да, миннатдорлик билан қабул қиларди. «Яқинда қиш ҳам тугайди,— ўйларди у,— ўшанда бу биргаликдаги ҳаётдан қутуламан. У бунн осон унутади». Ахир ҳатто Сальва билан ораларида бўлган оғир ва изтиробли муносабатлар ҳам севги туфайли эмас, шахсий орияти туфайлигина кўнглида доғ қолдирди, холос. Ҳечқисси йўқ, у ўзининг сиёсий карьераси барбод бўлгандан кейин, бўм-бўш бўлиб қолган қалбнинг тўлдирish учун бирон-бир эрмак топади: бирор-бир интригами, ёки саргузаштми...

Тез кунда у Рирининг соғлиғи кундан-кун ёмонлашаётганини сезиб, ҳайратга тушди. Аёлининг рангги оқариб, аъзойи бадани бўшашиб борар, рангги ҳам бир ҳолатда эди. Унга нима бўлди? Ахир у ҳозирги ҳаётдан рози эди-ку: бошпанаси бўлса, илгари ташландиқ ва кимсасиз эди, ҳозирги яшашини илгари орзу ҳам қилолмаганди. Балки шамоллаб қолгандир? Аммо унда шамоллашнинг аниқроқ аломатлари ҳам кўринмасди. Пировардида Исо бу ҳолат ниҳоят ҳайратлангандир ва сабабини аёлининг ўзидан билишга уринди:

— Сенга нима бўляпти? Илгари ҳам шунақа бўлармидинг?

Аёл унинг синчков нигоҳидан кўзини олиб қочиб, ҳеч қандай жавоб қилмади. Баъзида Ририни оёқда туришга ҳам мажболи келмай, ўринга чўзиларди. Исо унинг нотинч, хавотирдан безовта ва чарчоқ кўзларига термуларкан:

— Врач чақириниш керак...— деди.

Рирининг маъносидан қўлини силтади.

— Йўқ, йўқ, керакмас. Ҳозир ўтиб кетади. Сал ма-
зам қочган... Намгарчиликдан...

Шу пайт кўзларида ёш айланди, шунда у кичкина,
ғариб қизчага ўхшаб қолди. Исони номаълум қўрқув
ҳисси қамраб олди.

— Тўғри, тўғри, сен ҳақсан, ҳақиқатан бу оби ҳаво-
нинг ёмонлигидан...

Кунлардан бир кун Рири аламдан кўзларини юмиб
олди ва ҳеч сўз демай қорнини кўрсатди.

Исонинг юраги безовта тепа бошлади. Нақд фалокат-
нинг ўзи рўй берибди-ку. Оҳ, мана энди бу аёлнинг мак-
корона ўйинининг оқибати маълум бўлди!

— Эҳ, сен, илон экансан! Мен сени паноҳимга ол-
сам, сен мени шундай мукофатладингми?! Яхши ўйлаб-
сан!

— Қаердан билибман ахир?!— бўғилиб деди Рири.

— Олдириб ташлайсан, бу шайтонваччангни!

— Шунчалик эҳтиёткорликка қарамай, барибир шун-
дай бўлиб қолди.

— Алдайсан, алдаяпсан маккор... ҳатто шундай бўл-
ганда ҳам нима учун менга ўша заҳотиёқ айтмадинг?

— Қўрқдим! Қўрқдим мен...

— Қўрқдинг? Ўзинг-ку ҳаммани қўрқитган! Ни-
мани кутяпсан энди?! Бирор нима қиласанми яқин
орада?!

Аёл йиғлади. Исо унинг гапларини аранг эшнтди:

— Мен бир дугонамни ҳеч унутолмайман. У шу иш-
ни қилдираётганда ўлганди...

— Унда нима қилиш керак?— ғазаб билан қичқирди
Исо,— нима қилиш керак ахир? Сенинг ўзинг яна қандай
йўлини биласан?— қўлини пахса қилиб қичқирди:—
Мен, мен сени бошқа кўришни истамайман, эшитяпсан-
ми... Ҳозироқ йўқол... қайтиб бу даргоҳга келиш ҳақида
ўйламай ҳам қўя қол..

— Ҳайдама мени, илтимос, сен ахир унақа ёмонлар-
дан эмассан-ку,— илтижо қилди аёл.

Аммо Исо ғазабдан ўзини йўқотган, жаҳл ва қайсарлик билан такрорлади:

— Ҳа, ҳа... мен сени энди тушундим, юзингни кўришга тоқатим йўқ энди... кет, кет, йўқол!

17

Энди Исо уйга тонгга яқин қайтарди. Қалбини азобли қўрқув кемирарди: Рири унинг номини яна ҳам булғаб; номусини букармипкин?.. Наҳотки Исо уят ва хўрланиш билан прокурорга йўлиқса? Айниқса матбуот бу воқеани қандай кутиб олишнни айтинг. Бу Исо ва дўстлари мансуб бўлган партиянинг номини қора қилиш учун қанчалик мос фавқулодда ҳодиса бўлади.

Нотинчлик ва хавфсираш ҳисси уни бир нафас ҳам тарк этмасди. Аммо кунлар кетидан кунлар ўтар, лекин бу даҳшатли ҳодисадан қутулишнинг чораси топилмасди. Рири ҳатто қандай ҳолатда эканлигини айтишни ҳам истамасди. Исога энди ҳеч ниманинг хавфи йўқдай туюларди. Аммо у баъзан бу фикрида қатъий қололмасди. Бунинг устига, ёлғизлик уни кундан-кун ўз домига тортиб борарди. Баъзан қалбида узоқ-узоқларга, одам зотидан, бу олам ташвишларидан йироқларга, тоғларгами, ўр-қирларгами қочиб кетишдек тўхтатиб бўлмас ички куч мавж урарди. Исо кўп сабабларга кўра ўзининг Қоҳирага қайтиши албатта лозимлигини аңглар, аммо нимадир уни Искандарияда тутиб турарди.

Унга бу шаҳарнинг ҳамisha гавжум марказий майдо-ни ёқарди, бу ерда шаҳар гўзаллари кийиниш ва юриштуришда, гўзал қад-қомат ва чиройда мусобақалашгандек бўлишарди назарида. Ҳар бир трамвай гўёки бир тўда ҳурилиқони келтирарди. Уларнинг қадам товушлари шаҳар кўчаларини тўлдириб турган ёқимли овозлар оқимига қўшилар, уни янада жозибадорлаштирар эди. Мана, бир полиция офицери ўз олдидан ўтаётган икки

гўзалининг қоматига еб қўйгудек тикилганича қотди-қолди. Исо у билан кўз тўқнаштирди, офицер кулимсирлади. Исо бундай амалдор полициячилардан ҳар нарса кутиш мумкин, дея кўнглидан кечирди. Ойнанинг нариги томонида майдонга қараган «Нима буюрадилар» қаҳвахонаси. Исо ўзига жой топди. У атрофидан ўтиб турган одамлар оқимини кузатаркан, шу оқимга сингиб кетгандек бўлди. Ҳамма учун азиз ва ширин бўлган ҳаёт барқ уриб турганини, давом этаётганини ҳис қилди. Аммо ўтмиш ҳақида ўйлар, шахсиятпарастларга хос умид ҳисси яна тинчлик бермасди. Қаҳвахона столига ўтираркан у ўзини ҳар кун одамлар томонидан денгизга улоқтириллаган, кейин муниципалитет ахлатчилар томонидан йиғиштириб олинадиган бир чиқинди, ташландик деб ҳис қилди. Илгарилари у баъзан кўнгли-хушлик қилишга ҳам вақт топар, аммо топганда ҳам дидига мос келиш-келмаслигига қарамай ўзи чинакамга қониқмасдан шу ишни қиларди. Энди мана ҳамма имкониятлар мавжуд бўлган ҳозирги кунда бу ҳаю ҳавасларнинг барчаси бирданига ғойиб бўлди. Энди унинг ҳаёти зулматга чулғанди, боши устидан булут аримай қолди, одамлар эса кўзига шарпа бўлиб кўринадиган бўлди.

О, қишқи Искандария, аёллардек тез ўзгарувчан шаҳар! Тағин ҳаво бирдан айнади, гўё яна бир нохушликдан хабар бергандек, ҳамма ёқни зулмат қоплади. Ўтқинчилар пальтолари ёқасини кўтаришди, газета сотувчилар ўз киоскалари устига соябон кўтардилар, у эса «Нима буюрадилар» қаҳвахонасининг ойнавон девори ичра чой ҳўплар — ҳаётининг бирдан-бир машғулотини ўтказарди.

Момақалдироқ хуруж қилгани сайин унинг юраги сиқиларди. Тағин булутлар ерни қора пардаси остига олдилар. Майдон бўшаб қолди, одамлар уйлар, йўлақларнинг айвонлари остига паналаниш учун кирдилар. Исо уларнинг бир-бирларига қанчалик тикилишганини кўриб турарди.

Яқин ўртада енгил йўтал товушини эшитиб, Исо ўғирилди ва... ўздан бир стол нарида, креслода ўрнашиб олган Ририни кўриб қолди! Шу лаҳзада ундан юзини ўгирган Исо деразадан ташқарига, майдонга тикилди. Аммо у энди ҳеч нимани кўрмасди: унинг кўзлари ўнгида ўзининг унинг қолган апельсин рангли пальтосида Ририни гавдаланаверарди. Қалласида мингларча хаёллар ўрмаларди. Бир лаҳза унинг кўзларига кўзини тўқнаштираркан, уларда ниҳоясиз чекилган жабр-ситам изларини кўрди. Наҳотки у атайлаб Исонинг изидан тушиб юрган бўлса ёки улар тақдирнинг тақозоси билан беҳосдан учрашиб қолишди-микин?! Бу ишларнинг барчаси яхшилик билан тугармикан, улар тинчгина ажралишиб кетишармикин ёки жанжал кўтарилармикан?.. У боласини олдирганмикан?

Исо кетишга қарор қилди... Тағин майдонга қаради: шамол ва ёмғир. Буларнинг барчасига қарамай қаҳвахонада қолишга тўғри келади. Нима қилиш керак? Қандай бўлмасин тезроқ Искандарияни тарк этиш лозим. Йилжи бўлса эртагаёқ.

Бирдан уни қўрқув ҳисси эгаллади. Ририни полиция томонидан юборилмаганмикин? Балки қамашмоқчи, у мансуб партиянинг қанчадан-қанча таниқли арбоблари йўқ қилиб юборилган турмалардан бирига тиқмоқчидир. Балки улар Исонинг банкдаги жамғармасидан хабар топиб қолишгандир?.. Ўз ўйларини билан банд бўлиб, Исо Рирининг столига келиб ўтирганини сезмади ҳам.

— Нима мени, танишини естамайсанми?— сўради аёл.

Исо ўзини йўқотганча бир сўз демай унга тикилиб қолди.

— Аччиқланма, эски танишлар сифатида бирпас бир-га ўтирамиз,— деди Ририни.

Исо ҳали ҳам ўзларини полиция кузатиб турганига ишонган ҳолда қаттиқ овоз билан атроф-теваракдаги кишилар эшитсин учун жавоб қилган бўлди:

— Сиз нима деяписиз ўзи? Мен негадир ҳеч нимага тушунмаяпман!

— Шу гапни сен гапиряпсанми?!— ҳайрат билан бўлдиради аёл, у Исонинг ўзини танимаётганлигига ҳайрон қоларди.— Наҳотки, мени танимасанг?!

Исонинг юзи мутлақо ҳеч нарса англамаётган одам тусини олди.

— Минг афсусл Балки адашгандирсиз, мени кимгадир ўхшатыпсиз чамасп.

Рири изтироб билан лабларини тишлади. Уннинг юзи даҳшатли тус олди. Исо ҳозир жанжал кўтарилади деб кутиб турарди. Аммо Рири унга фақат алам ва истехзо билан тикилиб турарди.

— Бунн қаранг-а, худонинг қудрати-да, одам ҳам бир-бирига шунчалик ўхшаш бўладими,— деди ўзини маҳкам тутиб жавоб қиларкан у. Кейин столдан турди ва кетди.

Ҳаяжондан Исонинг боши айланарди. Наҳотки ҳаммаси яхшилик билан тугаган бўлса?! Шунчалик осоп-а?! У столда яна узоқ, жуда хурсанд кайфиятда ўтириб қолди. Ниҳоят ёмғир тингани, қуёш нурларини ёмғирдан ивиган ер устига сахийлик билан тўкаётганини сезиб қолди. Исо қатъият билан ўрнидан турди, пальтосини кўлига олди ва ҳеч қаёққа қарамай қаҳвахонадан чиқди.

Уйга у тун ярмидан оққанда қайтди. Бу ерда уни онасининг вафот этганлиги ҳақида қариндошлари томонидан юборилган телеграмма кутарди.

18

Кўмиш маросими кейинги кунга белгиланган эди. Исо унга аранг етиб борди.. Онасининг хотираси учун келган қариндошлар орасида Ҳасан ҳам бор эди. Унинг дабдаба билан «Мерседес»да келгани айниқса Исони изтиробга солди. Тақдир Ҳасанга кулиб боққани ҳамма-ҳаммасидан кўрниниб турарди: у сезиларли даражада ул-

ғайған, қатто бұйи ҳам чўзилиб қолған. Қарашларида ўзига ишонч нурланар, ўзини эркин ва хотиржам тутарди. Бўлалар қўл олишиб кўришишди. Исога диққат билан тикиларкан, Ҳасан деди:

— Кўринишинг бундан яхшироқ бўлади деб ўйлагандим.

— Искандариянинг об-ҳавоси менга ёқмаган бўлса керак,— жавоб қилди Исо. Унинг кўз ўнгидан кино лентасидай тезлик билан у шаҳарда бошига тушган савдолар ўтди.

— Сенинг Искандарияга қилган сафаринг бошданоқ маънисиз эди,— қатъият билан деди Ҳасан,— ўзинг ҳам ўлгудек ўжарсан-да.

Тез орада Самир, Иброҳим, Аббос ва бир қанча собиқ депутатлар келишди. Халқ кўпайиб борарди, тез орада игна ташласанг ерга тушмайдиган даражада одам тўпланди. Исо яна бир неча ёқимсиз дақиқаларни бошдан кечирди: Алибек Сулаймон маросимга келди, уни Ҳасан қарши олди.

Ўзининг ҳамдарадчилигини изҳор қилгач, Алибек тезда қайтди, Исо билан қатто сўзлашмади ҳам. Анъанавий урф-одатларнинг бири кетидан иккинчиси бажарилди. Буларнинг барчаси давомида Исо ўзини тутиб турди, фақат марҳумани қабрга тушириш вақтида у ўз ҳисларига эрк берди. Унинг кўзларига ёш тўлди, қабрнинг чеккасига келиб пастга узоқ тикилиб қолди. Онаси билан сўнгги бор учрашганларини эслади, ўшанда онаси унинг пешанасидан ўпиб шундай деганди: «Ўзинг билганингча иш юритавер. Қаерда бўлсанг ҳам худо йўлдошинг бўлсин. Мен эсам сен келгунча кўз ёшимни тўкмай келишингга асраб юраман». Исо онасининг ўша пайтдаги юз ифодасини хотирлай олмади,— у вақтда қатто онасининг юзига қарашга ботинолмаган эди, аммо қанузгача унинг қарияларга хос, совуқ қўллари қандай титраб кетганини ҳис қилиб юарди.

Қуръон ўқиладиганда Исо бир четга чиқиб турди.

Бир неча марта дўстлари билан нигоҳлар орқали ҳамдардлашишди. «Оллонинг иродаси. Ҳамманинг — бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам бошида бор гап. Ҳа, ҳа, ҳамманинг!»

Оқшом чўкди. Самир, Аббос, Иброҳим, Ҳасан ва Исо хоналардан бирига ўтиришди. Олдинига суҳбат қовушмай турди — дўстлар Ҳасаннинг ёнида сиёсат ҳақида фикрлашишдан ўзларини тийиб турдилар. Аммо бир оз ўтгач, кейинги йиллар воқеаларини эсга олишди — подшолик тузумининг инқирози, феодал тартнбларнинг беқор қиллиниши, инглиз қўшинларининг Мисрдан олиб чиқиб кетилиши¹ ҳақидаги гаплар суҳбат мавзуси бўлди. Қўшинларнинг олиб чиқиб кетилиши — ҳар бир мисрликнинг асрий орзусининг ушалиши эканлиги ҳақида узоқ гапирилди. Исо деярли суҳбатга аралашмас, залдан эшитилаётган қуръонни тинглашга интиларди. Лекин тезда у ўзининг бутунлай бошқа нарсаларни ўйлаётганини тушуниб қолди. У инглиз оккупациясининг тугалланиши ҳақида ўйларди. Қандай ҳаяжон билан тинглаганини ўша кунлари бу ҳодиса ҳақидаги хабарни! Ниҳоят энг муқаддас орзуси ушалибди-ку! Аммо шу билан бирга, бу улуғ ғалаба унинг партияси ва ўзининг иштирокисиз қўлга киритилганидан афсусланиш ҳисси ҳам уни тарк этмасди.

Ортиқ ўзини тутиб туришга илож тополмаганидан у хитоб қилди:

— Қандай ўйласанглар ўйланглари, лекин инглизларнинг ҳайдалиши масаласига келганда, бу ҳодиса бизнинг ўтмишдаги курашларимизсиз амалга оширилиши мумкин эмасди!

Бир лаҳза сукунат ҳукм сурди. Ҳасан нимадир деб эътироз билдиришга ҳаракат қилди, аммо Иброҳим ундан олдиноқ:

¹ 1956 йилнинг 18 июнида инглиз қўшинларини Мисрдан олиб чиқиб кетиш тугалланганди.

— Бу ўтмиш курашимиз деган гапнинг неча пуллик қиммати бор? Ахир у кураш мутлақо натижасиз бўлган-ди-ку. Фақат сўнгги революция бир зарб билан барча масалаларни ҳал қила олди...

Суҳбат яна анча давом этди. Ниҳоят, ҳаммалари тарқала бошладилар. Ҳасан ҳам кетишга отланди. Исо уни кузатишга чиқди. Дарвоза яқинида Ҳасан бирдан тўхтади ва дўстона табассум билан деди:

— Сенинг Искандарияга кетиб қолишинг — самарасиз гап. Сен ўз қарашларингни ўзгартиришинг керак. Исо илжайиб қўйди.

— Менга айт-чи,— давом этди Ҳасан,— ахир сен ўзинг узоқ орзу қилган нарсаларнинг барчаси амалга ошди-ку? Бизларга қўшилгин энди!

Исо қандайдир лоқайдлик билан бош қимирлатди, Ҳасан эса унинг қўлларини сиқаркан деди:

— Қарашларинг ўзгарганда мени излаб топасан, фақат ишора қилсанг бас...

Исо миннатдорчилик билдирди. Ҳасан томонидан унга нисбатан кўрсатилган олижаноблик кўнглида чуқур таассурот қолдирди. Аммо шундай бўлса ҳам уларни кўзга кўринмас девор иккига ажратиб турарди. Ҳамишагидек у Ҳасаннинг гапларидан ўзгача маъно излар, у билан мусохабада ўзининг енгилганини зимдан тан олиб юрарди. Мана шу эскидан қолган нафрат ҳисси унинг қалбида қайтадан кўпириб чиқди.

Ҳасанини кузатгач, у Умм-Шалабий томон шошилди. Кекса аёл уни бир дунё қайғу-алам билан қарши олди. У бир оз ўзига келгач, Исо сўради:

— Онам узоқ қийналиб ётдими?

— Йўқ, охирати яқин экан, оллонинг ҳузурига шошилди. Мен доим унинг ёнида бўлдим.

— Бирор кимса уни келиб кўриб турдими?

— Ҳар куни ёнида опаларингизнинг бири бўлар эдилар.

— Сусанна хоним-чи?

— У ҳам келди.

— Сальва-чи?— бир оз иккиланишлардан кейин сўради у.

— Йўқ, келмади.— Аёл тез-тез кияриклари билан кўз ёшларини ютишга уриниб гапида давом этди:— Сальва сизнинг бўлангиз Ҳасанга турмушга чиқди.

Исонинг аъзойи бадани титраб кетди, кўз ўпги қоронгплашди.

— Сальва... Ҳасанга?

— Ҳа, жаноб.

— Қачон бу гап бўлди?

— Ўтган ойда...

Стул суянчигига суянганча Исо ифлос, кўпдан буён оқланмаган шифтга, унинг катта ёригига маъносиз тикилиб қолди.

19

Бу илпқ июль оқшомида узоқ танаффусдан кейин дўстлар яна қайтадан қаҳвахонада йиғилишди. Айвонда енгил шабада эсиб турарди.

Суҳбат ланж, бўлиниб-бўлиниб давом этарди. Сиёсат ҳақидаги суҳбатлар эндиликда илгаригидек уларни қаноатлантирмас эди. Уларнинг барчаси ўз эгаллаган амалларидан, гарчи Аббос ҳукуматда масъул мансабда, Иброҳим эса адвокат бўлиб, революция ҳақидаги китобнинг автори сифатида ном қозонган бўлсалар-да, норози эдилар.

— Мен бир нарсага тушунмаяпман,— мурожаат қилди Исо Иброҳим ва Аббосга,— сен катта ёзувчи, сен бўлсанг таниқли амалдорсан, сизларга яна нима керак тагин?

Аббос олайган кўзларининг пахтасини чиқариб, ўзининг чинқироқ овози билан эътироз билдирди:

— Шахсан ҳозирги амалим, ўзимча, жуда ҳам жойи-

да, ҳаммаси шундай, аммо шароитнинг ўзи беқарор бўлиб турибди...

— Қўряпсизки,— қувватлади уни Иброҳим,— бизнинг замонамизда қанчалик олий мансабда бўлмасин инсоннинг қиммати бир пул...

Кейин Исога ўгирилиб, унинг елкасига қоқаркан, сўради:

— Нима учун сен ўзинг ҳақингда гапирмайсан? Наҳотки ҳали ҳам ўша эски ҳолатингда бўлсанг?

— Ўзинг биласан-ку,— жавоб қилди Исо,— онам вафот қилди, яқинда уйимиз эшигига «уй сотилади» деган эълон осиб қўйдим.

— Хўш, сен шу пайтгача қандай ҳаёт кечирдинг?

— Бунинг нима аҳамияти бор... Энг муҳими, юрагим ҳамон ўша эски давр билан бирга, ақлим эса баъзан бўлиб ўтаётган ҳодисаларга бўйсуниб ундайди. Қандай қилиб ақл ва юракни бир маромга солай?

Самир ҳамдардлик билан деди:

— Одам баъзан машаққат тортади... Иш топ, уйлан, кейин бир гап бўлар...

— Албатта,— унинг гапига рози бўлди Исо,— ниҳоят мен ҳам иш топсам, уйлансам керак. Аммо бутунлай ўз мағлубиятимга тан берганимдан кейин, бу можаролардан эсон-омон қутулиб олганимдан кейин бўлади бу ишлар...

20

Бир кун оқшом Исонинг олдига даллол — қирқ беш ёшлардаги, оппоқ ғалабия¹ кийган киши кириб келди.

— Харидорлар бор, уйни кўришмоқчи.

¹ Ғ а л а б и я — миллий эркаклар кийими, кўкраги очиқ, енглари кенг, узун кўйлак.

Кейин икки аёл кириб келди. Улардан бири етмиш ёшларда бўлиб, рангпар юзли, қўй кўзлари вазмин боқувчи, ҳаракатлари сокин ва ўзига ишонган кампир эди. Иккинчиси — унинг қизи — қирқ ёшларда, ўрта жуссали, миқти қоматли, сузук кўзли аёл эди.

Исо уларнинг саволларига жавоб қиларкан, хоналардан олиб ўтди.

Ҳовлини кўриб чиқишганидан сўнг, Исо аёлларни одатга кўра қаҳвага таклиф қилди. Даллол ҳам шу ерда эди. Унинг қисик кўзлари ўйнаб турарди.

— О, ҳовли жуда катта,— қичқиргандек гапирди у,— бу ерга ҳам майдонга, ҳам кўчага олиб чиқадиган бино қурса бўлади. Жуда топилмайдиган жой. Ўзи бу кварталда янги уйлар кўп қуриляпти. Ўзларинг кўрдинглар: бешта уй, қарийб бир вақтнинг ўзида қад кўтарди. Баҳоси ҳам тузук...

— Аммо уй жуда эски-ку, унда яшаш ҳам мумкин эмас,— ўзни билимдон кўрсатиш оҳангида сўзлади ёш аёл, у аynи пайтда уй эгасининг диққатини ўзига тортишга интиларди.

— Албатта,— унга қўшилган бўлди Исо,— аммо гап бу уйда эмас, ҳовлида. Бу ҳовли жаннат-ку, бунинг устига арзон баҳода сотилаётган бўлса. Ахир, хоним, ўзингиз ҳам кўрдингиз.

— Келажакда,— гапга қўшилди даллол,— ҳовли-жойнинг баҳоси анча кўтарилади. Бу кварталнинг қанчалик истиқболли эканлигини унутманг, бу ерда қанчалик кўп халқ яшайди, транспорт қандай, жойлашган ўрни қанақа, буларни унутманг.

Кампирнинг қизи ҳовлининг саҳни қанчалиги билан қизиқди. Унинг бир оз бўғиқ овози сал ҳаяжон билан жарангларди. Исо аллақачон унинг ҳақида муайян таассурот ҳосил қилганди. «Яхшигина аёл экан» деб ўйлади у ва жавоб қилди:

— Минг квадрат метр саҳни бор. Албатта сиз уйнинг нарҳини ҳам билган бўлсангиз керак?

— Ун минг фунт?— хитоб қилди кампир.— Бундай катта пул беришга ким ҳам кўнарди?!

— Талабгорлар топилади,— кулимсиради Исо.

— Бундай омад яна қайтиб келмайди,— деди даллол,— худо шоҳид.

Исо кампир билан узоқ савдолашаркан, ҳовлининг нархини бир фунт ҳам туширмади. Вақт-вақти билан у ёш жувонга нигоҳ ташлаб қўярди. Исо жувон эрсиз деган қарорга келди. Ўйлади: «Бадавлат бўлса керак. Бунинг устига тузуккина экан. Албатта, бу мен орзу қилганлардан эмас-ку...» Шу пайтда унга ўз нигоҳлари-ю, ўй-хаёлларини кампир кузатиб тургандек бўлди.

Ниҳоят, иккала аёл ҳам ҳеч нима демай, ҳеч қандай қарорга келишмай қайтиб кетишди.

21

Орадан бир қанча кунлар ўтди. Харидорлардан дарак йўқ эди. Исо энди хавотирлана бошлаган эди, кутилмаганда даллол ёқимли хабар келтириб қолди: кекса хоним талаб қилинган нархни тўлашга розилигини билдирибди. Даллолдан Исо кампирнинг бадавлат — катта амалдорнинг беваси, исми Иноят хоним эканлигини билиб олди. Унинг ягона қизи — Қадрия эрга чиққан, аммо боласи йўқ, эри билан ажралишганига беш йил бўлган экан.

Ишни кейинга сурмасдан Исо ўша заҳотиёқ Иноят хонимни кўриш учун унинг уйига йўл олди. Дўстона суҳбат давомида ҳамма ишлар ҳақида келишиб олинди. Марҳум оила бошлигининг портретига кўзи тушгач, Исо иложи борича аёлларга ўзини севимли кўрсатишга интилиб деди:

— О, мен сизнинг эрингизни танирдим. Ўз вақтида у мен ишга олган эди. Унинг одабийлиги ва ватанпарварлиги ҳамиша ҳаммада унга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотарди.

Исонинг марҳум уй эгасига бўлган бу эътибори икки аёлда яна ҳам яхши таассурот қолдирди. Иноят хоним унинг яна бир оз ўтиришини илтимос қилди. Хизматкор чой ва ширинликлар келтирди. Кампир ўзининг марҳум эрини бунчалик яқиндан билган киши билан танишиш ва уни уйга таклиф қилишдан хурсандлигини билдирди. Қадрия жимгина креслода ўтирар, Исони зимдан кузатар эди.

— Ҳа,— гап бошлади Иноят хоним,— Саъд Заҳлулнинг ўзи эримнинг иқтидорига юқори баҳо берганди. Ингирма тўртинчи йилда — мен буни яхши эслайман, унинг ўзи эримни ички ишлар министрлигига ишга ўтказганди... Эҳ, кейинги тўнтариш пайтида раҳматлик қанчалик азият чекди... Сизнинг тасаввур қилишингиз қийин...

Бир оз муддат жим тургач, кампир яна давом этди:

— У Қадриямизнинг турмуш қуришига қарши эди. Аммо мен мажбур қилдим. Қизимнинг бахтсизлигига ўзим сабабчман.

— Қанақасига шундай бўлди?— қизиқсинди Исо.

— Биласизми, у анча таниқли, аммо камбағаллашган оиладан эди. Қизим — ажойиб қыз, яхши бека, кўнгли очиқ эмасми? Куёв эса пияниста, бор буд-шудини картага тикадиган чиқиб қолди. Ахир Қадрия бунга чидаш беролармиди?

— Дарҳақиқат, қизингизга осон бўлмапти,— кампирнинг фикрини қувватлади Исо. Айни пайтда ўзи бошқа фикрда эди: Қадриядек хотин билан унинг ўзи бахтли бўла олармикин? Тақдирнинг нотекис йўлларида у яранган қалб жароҳатларига малҳам бўла олармикин?

Хайрлашиб чиққанида Исо бу ҳовлига кираётганига нисбатан анча тетик ва ўзига ишонган ҳолда эди. У икки аёлда ўзига нисбатан қизиқиш уйғотганига ишонди.

Яна бир неча кун ўтди. Бу вақт давомида Исо бир қанча янги гаплар эшитди. Қадрия Иноят хоним айтганидек бир марта эмас, балки уч марта эрга тегиб, чиққан экан. Биринчи турмуши бор-йўғи бир неча ойгина

давом этган:— ота томонидан қариндош бўлган эр — ҳатто тўй кунининг ўзидаёқ уни хотин эмас, асосан, унинг пули қизиқтираётганини ошкора айтган. Иккинчи турмуши беш йил давом этган. Бу сафар Қадриянинг ота-онаси ёшлар учун бир тийин ҳам ажратишмаган, куёвнинг даромади уларни қониқтиришига ишонишган.

Ҳамма жанжаллар бу гал ҳам ажралиш билан якунланган. Учинчи турмуш олти йил давом этган. Бу сафар кампир ўз принципларини ўзгартириб, қизни совға-саломларга, ёрдамга кўмиб ташлаган. Пул ҳаддан ташқари кўп бўлган, лекин қизиғи шундаки, куёв буларнинг устига бола ҳам бўлишини истаган. Қадрия эса энди унинг бу истагини қондириш имкониятига қодир бўлмаган. Ундан кейин эр ўйнаш тутган. Аммо тезда унинг бу алоқаси маълум бўлиб қолган ва турмуш дўзахга айланган. Шундан янги — учинчи ажралиш келиб чиққан.

Қадриянинг тарихи мана шундан иборат. Албатта, ўз дўстларидан Исо буларнинг барчасини яширарди. У фақат уларга бир гал арзийдиган аёлга уйланмоқчи эканлигини маълум қилди, холос. Ҳамма ҳайратда қолди, у эса фахр билан давом этди:

— Бунинг устига маълум ва машҳур, бадавлат оиладан!

— Кейингиси айниқса зўр экан,— қичқиргундек деди Аббос.

— Нима ҳам дердик, сенга таъзим қилишга тайёрман,— ҳасад билан хўрсинди Иброҳим.

Ҳаммалари жилмайишди. Сўнг Исога бир дунё савол ёғдирдилар. У безовталиқ билан сир очилиб қолишидан қўрқа-яиса жавоб қиларди. Ўз қалбини у фақат Самир-гагинна очди, ундан ҳеч нимани яширмади.

— Айтайлик, мабодо ораларингизда бола бўлмасачи, бу сени безовта қилмайдими?

— Қадрия ажойиб аёл, у мени бутун камчиликларим билан қабул қилишга тайёр, нимага ахир мен ҳам шун-

дай қилолмас эканман? Ҳозирги замонда бугунги аҳволимда менга турмушга чиқишга розилик берадиган шундай тоифадаги аёл яна топилармиди?!

Бир неча кундан кейин Исо Иноят хонимникига ташриф буюрди ва ундан Қадриянинг қўлини сўради. Тезда унга розилик жавоби берилди.

— Ошқора айтаман, ҳар қандай ёлғон оила учун ётдир,— эътироф этди Исо кампирга,— менда бир оз жамғарма бор, пенсия ҳам оламан. Ҳозир мен ҳеч қаерда ишламайман, аммо келажакда муносиброқ жой топаман, деб ўйлайман. Ўз вақтида мен давлат аппаратида масъул мансабда эдим, кейин менн бўшатишди, снэсатнинг қурбони бўлдим,. Пешанамда бор экан. Нима ҳам қилардим. Ўзингиз тушунасиз, илгарилари шунчалик масъул мансабни эгаллаб турган одам узоқ вақт ишсиз қололмайди-ку!

— Яхши... яхши. Нималар деяпсиз! Пул масаласи бизни ҳечам қизиқтирмайди. Юрагим сезиб турибди, сиз қизимга муносиб эр бўласиз.

Кампир Қадриянинг ўтмиши, унинг пуштсизлиги ҳақида оғиз очмади. Исо ҳам бу гаплар ўзига маълумлигини англатадиган кўриниш бермади. Ким биларди кейин нима бўлишини? Балки умидлари чиппакка чиққан садоқатли эр бўлишга тўғри келар...

22

Исо билан бунки аёл ўртасида яхшигина муносабатлар ўрнатилди. Исо бошданоқ ўзини эркакларча тутди. У Иноят хонимникига кўчиб ўтиш ҳақидаги таклифни рад этди, уни қайнанасига қарам бўлиб қолиш айниқса чўчитарди. Ешлар Қоҳиранинг илгари революцияга қадар Исо яшаган квартираси жойлашган кварталида яшашга қарор қилишди.

Исо кампирга унинг номидаги мулкдан у ўлгандан кейин эмас, балки тириклик пайтидаёқ ёш оила фойдаланишини очиқ айтди.

— Фақат ана шу ҳолатдагина,— ишонтирди у Иноят хонимни,— биз сизга ҳамиша чин юракдан сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Исонинг қатъий сўзлари пировард-натижада Иноят хонимга таъсир қилди. Ўз ғалабасидан мамнун бўлган Исо ўй сурарди: «Барибир, буларнинг ҳаммасини менинг революция туфайли йўқотган нарсаларим билан тенглаштириб бўлармиди?»

Тўй ойини Иноят хонимнинг денгиз қирғоғидаги дала ҳовлисида ўтказишга қарор қилишди. Ҳовли яқинидан Нил оқарди. Исо бу жойни жуда севар, чунки бу ерда шаҳарга хос бўлган барча қулайликлар қишлоқ шароитида, табиат қўйнида мавжуд эди. Унга тағин бу атроф-теваракка ҳокимлик қилувчи сукунат жуда ёқарди. Қуруқ ва тоза ҳаво кишига маст қилгудек таъсир қиларди.

Курортда Исонинг дўстлари ва танишларидан ҳеч ким учрамади, шунинг учун ҳам у бутун вақтини оиласи билан бирга ўтказди. Фавқулодда у оилавий ҳаётнинг чиндан ҳам ширинлигини ҳис қилди. У ниҳоят осойишталик ва бахт топганига ишонарди. Бунинг устига, унинг ғурурланишига ҳам ҳақи бор эди: Қадрия унинг ҳар қандай истагини итоаткорлик билан адо этарди.

Аммо тезда бу тарздаги ҳаёт уни бездира бошлади. Ҳар қалай у мустақилликка ўрганган, келажакда ўзини катта даромадларга эга бўладиган улкан аслзода сифатида тасаввур қиларди. Ҳозир эса у бутунлай хотинига қарам бўлиб қолди. Ахир уларнинг ҳаёти фақат қайнонаси ажратадиган пулгагина боғлиқ эди-да. Мана шундагина Исо ишсизликнинг нима эканлигини яхши англади. Шунинг учун ҳам Иноят хонимнинг унинг истагига яраша маблағ ажратишга ҳамиша тайёр эканлиги ҳақидаги фикри ҳам, Қадриянинг чексиз ғамхўрлиги ҳам

Исони ўзининг бағри бутун эмаслигини ҳис қилиб эзилишга, ёлғизликда қийналишига чек қўя олмади.

Ҳа, бундай ҳаёт узоқ давом этиши мумкин эмас эди! Исо тагин фойдали меҳнат билан, ўз қобилияти ва кучига мос иш билан шуғулланиши лозим эди!

Вақт ўтиши билан Исо Қадрияни яхшироқ билиб борди. У яхши кийинишни севарди, ажойиб таомлар тайёрлай оларди, айниқса ширинликлар тайёрлашда унинг тенгги йўқ эди. Бунинг устига, ўзининг иштаҳаси ҳам жуда яхши эди. Нард ўйнашни ёқтирар, кинога тушар, баъзан бирор-бир ҳажвий воқеани акс эттирган театрга ҳам тушиб турарди: жиддий драматик асарларни ёқтирмасди. У фақат бошланғич мактабни тугатган, бошланғич маълумотидан ҳам хотирада қолгани оз эди. Машаққат билан ўқий олар, аранг хат ёзарди, холос.

Аммо Қадрия ҳақиқий, ўта ҳиссиётли, ғамхўр ва назокатли аёл эди. Исо бундан хурсанд бўлса арзирди. Аммо унинг ҳаддан ташқари ғамхўрлиги ва назокати ҳам аста-секин Исонинг кўнглига ура бошлади. Балки аёлнинг унга бунчалик ғамхўрлиги ораларида зурриёт бўлмаганлигидандир? Исо хотинининг болаларга ғамгин ва айни пайтда ҳаяжон билан тикилиб турганининг гувоҳи бўлган.

«Қизиқ, бу жажжи бошда қандай фикрлар яшириниб ётибдйкин?— ўйларди у.— Менинг, масалан, бир вақтлар ишдан ҳайдалганиму барча нарсалардан ажралганим уни ташвишлантирармикан?» Вақт-вақти билан Исо Сальвани эслаб турарди. Бундай дақиқаларда юрагининг эски яраси баттар жазилларди. Бир куни хаёлан кўзлари олдида Рири жонланди. Иснод ҳисобламган алоқани эслаганда, юзида изтироб ва уят ҳисси акс этарди.

Бир замонлар давр сурган эди-да! У министрлик биносига эрталаб давлатнинг «Шеврол» машинасида келар, швейцар тавозе билан қаршисидаги эшикни очиб

берарди. Бир куни ўз номзодини парламентга қўймоқчи ҳам бўлган, албатта сайланарди ҳам. Аммо бош ми-
нистрнинг ўзи бир оз кутиб туришни — Исонинг аввал
министр даражасига кўтарилишини маслаҳат берган
эди...

Сувайш каналининг миллийлаштирилиши ҳақидаги
хабарни эшитганда хурсандлигидан унинг юраги ёрилиб
кетишига оз қолди. Шахсий ҳаётининг барча ташвиш-
лари унутилди, кайфияти кўтарилиб, Исони ишга чан-
қоқлик туйғуси эгаллаб олди, худди ўша яхши замон-
лар келгандай эди. У барча кишилар каби хурсанд ва
бахтиёр эди. Дўстлари билан учрашаркан, Исо улар-
нинг бу ҳақдаги фикрларини билгиси келарди. Қанча-
лик қийин бўлмасин, юз берган ҳодисанинг улғувор мо-
ҳиятини англамаслиги мумкин эмасди. Тўғри, бу ҳоди-
сага парво қилмасликка ҳам интилиб кўрди, чунки
унинг юраги янги тузум билан боғлиқ бўлган ҳамма
нарсани инкор этишга тайёр эди. Исо ҳаяжон ичида
сиёсат осмонини кузатарди: янги тонг юлдузи қизикш
уйғотар, яна ўтмишни жонлантирарди. У ўз қалбидаги
икки «мен»нинг курашидан азоб тортар, тиним билмас,
толиқар эди. «Энди нима бўларкин?»— сўради у ўз-
ўзидан, кўз ўнгиди бўлиб турган воқеа-ҳодисаларга хо-
лис баҳо беришга интиларкан. Бу саволга ўзи жавоб
тополмагач, хотинига, қайнанасига мурожаат қиларди,
одатда у улардан қониқарли жавоб ололмасди... Шундан
сўнг қаҳвахонага, асабларини осойишталаштирувчи бир-
икки қадаҳ спиртли ичимлик томон интиларди у.

Сентябрнинг ўрталарида қалби тўла қарама-қарши
туйғулар билан Исо Қоҳирага қайтди. У ўзгарганди:
олижаноброқ, юмшоқроқ бўлиб қолганди. Илгариги
дўстлариникига тез-тез бориб, уларни йўқлайдиган бў-
либ қолди. Уларнинг хотинлари ёш ва маълумотли эди-

¹ Сувайш каналининг миллийлаштирилганлиги ҳақидаги декрет
1956 йил 26 июлда эълон қилинганди.

лар: бу уни бир оз хафа қиларди. Фақат бир нарасигина унга таскин берарди: уларнинг бирорталари ҳам насл-насаби ва мавқеи жиҳатидан Қадрияга тенг келишолмасди.

— Оилавий ҳаётингдан хурсандмисан?— сўраб қолди ундан бир кунни Самир.

Бир оз сукутдан сўнг Исо жавоб қилди:

— Албатта, жуда хурсандман... Аммо, биласанми, менимча, оилавий ҳаётнинг ўзигина ишсиз... бола-чақасиз одамни қониқтиролмас экан-да...

Мамлакатда воқеа устига воқеа юз бериб турарди. Исроил қўшинлари Синай ярим оролига бостириб кирдилар.¹ Уша кун тонгидаги ҳар бир янги хабар уни жинни қилиб қўяёзди. У радиоприёмникка ёпишиб олганча, сўнгги хабарларнинг ҳар бир жумласини чақишга ҳаракат қиларди. Ҳозир мамлакатнинг тақдири қал бўлай деб турганида, у ҳар бир ҳодисага ўзининг ҳаётига янгича нуқтаи-назардан қарашга ҳаркат қиларди.

Илгариги Исо — эски Мисрнинг ватанпарвари энди йўқ эди. У ўзини босиқ тутишга, воқеаларга ҳолис баҳо беришга интилар, иродасининг кучи билан ўзидаги қарама-қарши фикрларни енгилшга ҳаракат қиларди.

У Қадрияни кузатди: хотини бутунлай кундалик ташвишларга ғарқ бўлганча, Исони ташвишлантирган барча воқеа-ҳодисаларга осойишталик билан ва ҳатто лоқайдлик билан қарарди.

— Яна уруш, осмон тўла самолётларми?— илжайиб сўради Қадрия.

Исо одатда унинг гаплари, қилиқларига жиддий эътибор бермас, унга худди ўзининг оғир ўй-хаёларидан чалғитувчи ўйинчоқ сифатида қарарди. У бу сафар хотиним кайфиятимни бир оз кўтармоқчи деб ўйлади.

— Учоқ бошида ўралашиб қолдинг. Сенингча, барча

¹ 1956 йилнинг 29 октябридан 30 октябрга ўтар кечаси.

одамлар худди сенга ўхшаш бўлишганда, бу олам нимага айланиб қоларди?

— Унда,—мулойимлик билан жавоб қилди Қадрия,—урушлар бўлмас эди!

Исо юракдан хахолаб кулди. Бутун ғам-андуҳлар, ташвишлар, хавф-хатарлар йўқолгандай, иккинчи даражали нарсаларга айланиб қолгандай туюлди назарида.

— Сени фақат умумий ишлар қизиқтиради, холос, шундай эмасми, ҳамма одамлар нимадан ташвишланса — сен ҳам ўшандан ташвишланасан, яъни ватанимизнинг шаъни ташвишга солади сени, шундаймасми? — сўради Исо.

— Ол-а, сенга ва уйингга қараш ташвишининг ўзиёқ етиб-ортади!

— Сен Мисрни севасанми?

— Бўлмасам-чи!

— Ахир сен бизнинг армия ғалаба қозонишини истайсанми?!

— Албатта, қани энди тинчлик ва осойишталик бўлса!

— Ундай бўлса, айт-чи, нима учун мана шуларнинг барчаси сени ташвишга солмайди?

— Менинг бошқа ташвишларим ҳам етарли...

— Қизиқ, масалан, дейлик, Исроил онангнинг мол-мулкига чанг солса, нима дердинг?

— Нималар деяпсан ўзи! Ахир биз ғалаба қозонмай-мизми?

Исо бу суҳбатга ҳазил сифатида қаради ва бир оз тинчланди.

Ҳавонинг айниб турганига қарамай, улар Иноят хонимни кўриб қайтишга қарор қилишди. Уникида тушлик қилиб, кўчага чиқишди. Майдонда узоқ туриб қолишди, такси тутишга ҳаракат қилишди. Кутилмаганда ҳаво тревогаси янгради. Исонинг қўлини маҳкам тутганча, Қадрия титроқ овоз билан:

— Кел, қайтамиз...— дея таклиф қилди.

Улар Иноят хоним уйи зинапояларидан қайта кўтарилаётганларида тўпларнинг садоси эшитилмоқда эди. Эрига ёпишиб олган Қадриянинг бутун вужуди титрарди. Исонинг ҳам юраги кўкрагини ёргудек бўлиб урарди. Ҳамма хонага йиғилди, дераза пардалари туширилди.

— Бутун умр шундай ўтиб кетди,— худди ўзини оқлаётган одамдек деди Иноят хоним,— уруш кетидан уруш. Тревогалар, ўқ овозлари, бомбаларнинг портлаши. Қандайдир бошқа сайёрадан бошпана қидириш яхши-масмикин?— Хонага зулмат чўкди. Ҳамма миқ этмасдан ўтирар, оғиздаги бўғизда қолган эди. Қаердандир узоқдан гумбурлаган тўп овозлари эшитилиб турарди.

— Бу авлод,— давом этди сўзида Иноят хоним,— қилмаган хизматлари учун тўғри жаннатга тушади...

23

Кейинги кунни Исо бутунлай ҳаяжонда ўтқўзди. Сўнгги йўқ янгиликлар ва миш-мишлар орасида ҳақиқатни англаб олпш қийин эди, улар гоҳ қувонтирар, гоҳ ташвишга соларди. Оқшом тушгач, у сеvimли қаҳвахонасига шошилди. Тезроқ дўстлари билан учрашиш, улар билан ўзининг умидлари ва ташвишлари ҳақида баҳс-лашишга шошиларди. Шундай пайтда унинг фикрича ҳеч қандай куч улар орасидаги иттифоқни буза олмас эди.

Иброҳим ўз фаразларини баён қилди.

— Ўйлайсизки, Исроил бу ишни ўз-ўзидан, ўз билгича бошлабдими?

Ҳамма ҳайрат билан унга ўгирилди. Иброҳим сўзида давом этди.

— Исроилнинг орқасида Франция, Англия ва Америка турибди!

— Менимча,— унинг гапини бўлди Самир,— бизнинг

армиямиз Исроилни то иттифоқчилари кўмакка келгунча тор-мор эта олади.

Қимдир истеҳзо билан кулди.

Қоронғилик чўкканини ҳеч ким сезмай қолди. Иброҳим товушни пасайтириб, шивирлагандек қилиб, гапирди:

— Энди ҳаммаси равшан, афтидан янги тузумнинг купи битди.

Юракларда умид учқунлари ялнғланди: балки ўша хўрланишлар, тўкилган ёшлар учун энди улар жавоб беришар. Аббос бошини кўтариб, эътироз билдирди:

— Бундай калта ўйлама... Бу одамларни ҳам қўллаб-қувватлайдиганлар бор.

Қоронғиликда унинг кўзлари ёнди.

— Картадан топиш ҳам қийин бўлган қандайдир бир районни деб наҳотки жаҳон уруши бошланиб кетса,— эътиборсизлик билан деди Иброҳим.

— Нима деяпсизлар ўзи? Сизнингча, Исроил бизни янчиб ташлайверсинми?— ўзини тутолмай хитоб қилди Исо.

— Янчиб ташлолмайди,— тинчлантирди уни Иброҳим,— иш ҳам оккупацияга қадар бормайди. Исроил Синай ярим ороли билан кифояланади ва афтидан, араблар билан тинчлик ҳақида битим ҳам тузиб қайтиб кетади. Кейин албатта, тагин Англия ва Франция Яқин Шарқ проблемасини ўз фойдалари нуқтаи назаридан ҳал қилишга интилиб, бу ишга аралашади ва шубҳасизки, Мисрда эски шароитни яна тиклашади.

— Бу нш тагин Фарбнинг хўжайинчилигини таъминлаб бермайдими?!

— Нима бўпти! Ҳар қалай, ҳозирги аҳволимиздан кўра шу яхши эмасми?

— Мана сенга Фарбга сиғиниш! Ҳамма жойда одамларнинг боши кетяпти,— деди Исо худди ўз-ўзига мурожат қилгандек.— Нима ҳам дейиш мумкин? Жуда ажойиб йўлни танлабсиз: ё ватанингни сот, ёки ўзингни!

Аммо, менинг учун бу урушда енгилишимиз ўлимдан ҳам ёмонроқ.

— Ҳа, сен ҳали ҳам романтик экансан!— хитоб қилди Аббос.

— Биз нима учун қайғуришимиз керак экан ахир?— унга қўшилди Иброҳим.

Биз нимага ачинишимиз керак, нимага деб сўраяпман сизлардан?! Албатта ўлиб бораётган киши учун, ўлимдан кўра қандай бўлмасин ҳаёт яхши-да...

— Баъзан менда ҳам шундай фикр туғиладики, бир йўла хароб бўлгандан кўра, ўтмишга қайтиш афзалроқ кўринади. Яна баъзида ўйлайман, мамлакатда машҳур одам бўлиб, ҳеч ким у билан ҳисоблашмайдиган бўлгандан кўра, ҳукумат учун ҳеч ким саналмай, дунё учун қандайдир фойда келтирадиган киши бўлиш афзалроқ.

— Шунинг эслайманки, ўзинг бир пайтлар тан бериб айтганингдек, кўкрагингга икки Исонинг кураши кетяпти,— кулиб деди Иброҳим.— Шундай экан, бизни ҳозир гапириб турган Исонинг фикрлари эмас, аксинча, индамай ўтирган Исонинг фикрлари қизиқтиради.

Ҳамма қаттиқ кулиб юборди.

«Улар менинг фикримга қўшилмасалар нима бўпти,— ўйларди Исо,— ҳаммасидан муҳими, бизни нима шундай аянчли аҳволга олиб келдйкин? Шахснинг барбод бўлиши — буларнинг ҳаммасига бош сабаб эмасмикин? Бу хавфли касаллик ватанимизни адо қилади».

Ҳаво тревогаси янгради. Чироқ ўчди ва ҳамма ёқни зулмат қоплади. Самир қаҳвахонанинг залига яширинишни таклиф қилди, аммо уни ҳеч ким қувватламади. Исо бирдан Қадриянинг уйда ёлғиз қолганини хотирлади. У хотинига ачиниб кетди. Бу ерда ҳукмронлик қилаётган сукунатни узоқлардаги портлаш товушлари бузиб турарди. Улар яқин ва узоқдан эшитилар, портлашлар тинмасди. Дўстлар зулмат қоплаган қаҳвахонада қолиб кетишди. «Шатрами? Гелиополисми? Хелуанми? Қаер тўпга тутиляпти?» деган овозлар эшитиларди

— Бунча кучни қаердан олишдийкин?

— Бизникилар қаерда? Самолётларимиз қани?

Бомбардимон бир минут ҳам тўхтамасди. Ҳеч қачон, ҳатто ўтган уруш кунларида ҳам бунчалик бўлмаганди. Ҳаммининг тоқати тоқ эди. Кутиш ва номаълумлик юракларни эзарди. Бу ёғи нима бўларкин? Кутилмаганда қаҳвахонага бир одам отилиб кирди ва бор овози билан қичқирди:

— Инглиз самолётлари... бомбардимон қияпти!.

— Бўлмаган гап,— ўнларча титроқ овозлар эшитилди атрофдан.

— Мен ўз қулоқларим билан радиодан эшитдим,— ишонтирарди кирган киши.

Ҳамма ўйининг тагига етолмасди. Бирданига портлашлар тўхтади. Қўрқув ва жимлик оғушуда кутиш дақиқалари кечарди. Мана, отишма тўхтагани ҳақида сигнал берилди. Зўриқиш пасайди, одамлар ўзларига кела бошладилар. Чарчаган, серташвиш чеҳраларни ёритиб чиरोқ ёнди.

Одамлар жимгина бир-бирларига зимдан нигоҳ ташлардилар. Нима қилиш керак энди? Кетса бўлармикин? Қайтадан хавфдан дарак берувчи сигнал янгради. Ҳамма портлаш овозини кутиб қотиб турарди.

— Афтидан, охират биз ўйлагандан ҳам кўра яқинроққа ўхшайди,— шивирлади Иброҳим.

— Оллои таолога сизин, бу бизнинг рўзи машҳаримиз бўлмасин,— унга қўшилди Самир.

Бир соатлик қийноқ ва азоблардан кейин тағин ваҳмдан қутқарувчи отишма тугаганлиги ҳақидаги сигнал чалинди. Энди панадан чиқиш мумкин эди. Дўстлар Иброҳимнинг машинасига ўтирдилар. Аммо улар беш минут ҳам юрмасларидан сиреналар янгради. Тўхтадилар. Атрофда аксига олгандек ҳеч қандай бомбапана топилмади. Тревогани автомобилда ўтирганча ўтказишга қарор қилдилар...

— Биз албатта тирик қолишимиз зарур бўлиб қолди,

ахир ҳозир турмушнинг баҳоси оша бошлади-ку,— ҳазиллашди асабий кулги билан Иброҳим.

Бутун бир соат отишма тўхташнинг машинада кутишди. Ниҳоят, кутилган сигнал чалинди. Кутишдан чарчагандек «Форд» ўрнидан қўзғалди, биринчи, иккинчи кўприкларни орқада қолдириб, Замалик¹ томон учиб кетди. Тезда тревоганинг янги сигнали автомобилни яна тўхташга мажбур қилди. Тағин портлаш овозлари гумбурлади.

— Ҳарбий объектларни бомбардимон қилишаётган бўлишса керак,— зўр-базўр билан гапирди Исо ўзини тинчлантириш мақсадида.

— Балки дуч келган жойга бомба ташлашяпти,— қўрқув билан гўлдиради Самир.

— Нималар деяпсизлар! Граждан аҳолини ўққа тутиш жиноят саналади,— эътироз билдирди Аббос.

— Яхшики ҳали ҳам ўзимизни нима биландир хотиржам қила оламиз,— хулоса қилди Иброҳим.

Отишма тугаганлиги ҳақидаги сигнал эшитиларкан, машина илгарига отилди, у тағин сирена овози янграмасдан ҳаммани ўз уйига етказиб қўйишга шошиларди.

24

Кундуз ва кечқурун Қоҳира осмонида самолётлар гувиллаб турди, тинимсиз портлашлар қулоқни қоматга келтирди. Аммо бунга қарамасдан шаҳарнинг одатий ҳаёти бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмади. Муассасалар, магазинлар, бозорлар ишлайверди.

Шаҳар бўйлаб кўплаб одамлар қурбон бўлганлиги ҳақидаги ваҳима гаплар кезиб юрарди. Гарчи, шундоққина ёнгиналарида ўлим шарпаси кезиб юрган бўлса-да,

¹ З а м а л и к — Қоҳиранинг бир райони.

одамлар ўрганиб қолган ҳаёт тарзидан воз кечишни ис-
тамасдилар.

Қоҳира ҳарбий лагерга айланди. Броневниклар ва юк
машиналари колонналари шаҳар кўчаларини тўлдирди.

Тўплар гумбури ва бомбалар портлаши одамлар
учун худди кўча сотувчиларининг қичқиришларидек бў-
либ қолган бу кунларда Иноят хоним қизпникига кўчиб
ўтди. У ўзини ёмон сеза бошлаган, кўзлари янада хира-
лашган эди. Кекса аёл фақат тасбеҳ ўғирар, афтидан
ўзига ёпирилган балоларни даф этувчи қудрат қидирар-
ди. Онасининг касали Қадрияни серҳаракат қилиб қўй-
гани йўқ. У ҳатто сал бўлса-да, этидан ҳам тушмади.
Фақат уйқули кўзларигина бир оз тийраклашди. Оқшом-
лари ҳаммалари радиоприёмник атрофига йиғилишар,
дикторларнинг Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея
мажлислари ҳақидаги хабарларини интиқлик билан
эшитишарди. Порт-Саид аҳолисининг тортаётган азоб-
уқубатлари ҳақида хабарлар эшитила бошлади.

Қадрия титраб-қақшаб сўради:

— Наҳотки биз инглизлар ва французларга қарши
тура олсак?!

— Порт-Саиднинг матонатига бутун жаҳон қойил
қоляпти!..— қайғу билан жавоб қилди Исо.

— Қаердадир қойил қолишарди, бу ерда эса бомба-
лар портляпти!

— Ҳа, шундайку-я,— чуқур хўрсиниш билан нафас
олди Исо,— аммо нима ҳам қила олардик?

— Ахир бундан қутулишнинг бирор-бир чораси бор-
дир!— хитоб қилди Қадрия. — Мен ортқ бунга чидол-
майман! Асабларим бардош бермайди.

Исо нима ҳам дея оларди? Унинг асаблари ҳам ўта
таранглашган. Аммо бундан юрагида ғалабага интиқ-
лик ҳисси янада қаттиқроқ алангаланарди. У ўзининг ўт-
мишдаги дардларини, келажак ҳақида орзуларини унут-
ган эди. Ҳозир бунинг пайти эмасди. Энг муҳими — бар-
дош бериш ва ғалаба қозониш. Қандай бўлмасин, ғала-

ба қозониш. Баъзан унинг хаёлига кечалари уйдан чиқиб кетиб, атрофда нималар бўлаётганини ўз кўзи билан кўриш, хавф-хатарни англаш, ғалабага ишонч ҳосил қилиш истаги пайдо бўларди. Агар лозим бўлиб қолса, ғалаба учун ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр эди.

Кундузлари мақсадсиз кўча кезиб юраркан, Исо пнтизорлик билан одамларнинг юзларига тикилар, уларда ҳам худди ўзидаги сингари ҳис-туйгуларни кўрарди.

Исо ҳайрат билан шунини сезиб қолдики, ўзи билан революция ўртасида турган улкан девор йўқола бошлаётган эди. Илгарилари бунга яқин фикр ҳатто хаёлига ҳам келмасди.

Бир куни туш пайтида идорасига ўтаётган Иброҳим кириб келди. Кейинги пайтларда у яна ўзига жуда ишонган, каттазанг бўлиб қолган эди.

— Яна бир неча соатдан сўнг фожиа тугайди!— останада туриб хабар қилди у.

Ички туғёнлардан эзилган Исо унга ҳорғин нигоҳ ташлади.

Иброҳим юзига жиддий тус бериб, давом этди:

— Бизнинг баъзи одамларимиз худди мана шу пайтда ҳукумат раҳбарлари билан учрашишлари, уларни мумкин бўлган нарсаларни сақлаб қолиш учун таслим бўлишга ишонтиришлари ва кўндиришлари керак.

Исонинг кўз олдига бирдан тагин Қоҳира кўчалари бўйлаб машинада ўтиб бораётган инглиз олий комиссари гавдаланди. Ўтмишда кишини хўрловчи бундай манзарани неча марталаб кўришга тўғри келган!..

— Яна нимани сақлаб қолиш мумкин энди?— тушкунлик билан хитоб қилди Исо.

— Бўлди, мутлақо тушкунликка тушиб қолибсан!— аччиқланди Иброҳим.— Бечора! Сенга энди яшашнинг ҳам, ўлимнинг ҳам фарқи йўқ! Наҳотки, биз бу мағлубиятдан қақатгина ютишимизни англамасанг?!

Исо оғир хўрсинди:

— Одамларнинг ғам-андухининг чеки йўқ... Ахир шундай ҳаёт одамларга керак деб ўйлайсанми?

Иброҳим жаҳл билан елка қисди.

— Балки бу қайғу-аламларга қарамай, ҳаётга интилиш аҳмоқликдир, сени билмадиму, аммо менимча, ҳали тирик эканмиз, курашишимиз, ҳаётнинг барча ярамасликларига қарши чарчамасдан курашаверишимиз керак...

— Менга қара,— унинг гапини кесди Иброҳим,— ҳали шунақа ўзгариб кетдингми?

Исо лабларини қаттиқ тишлаганча жавоб қилмади, унинг қиёфасида иккиланиш акс этарди...

Пировардида ҳаммаси яхшилик билан тугади. Бутун дунё халқларининг қатъий талаби билан агрессорлар ҳеч нимага эришмасдан орқага чекинишга мажбур бўлишди. Одамларнинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

Яна қайтадан эски замонлардагидек, дўстлар ўз сеvimли қаҳвахоналарига йиғила бошладилар. Аммо уларнинг чехралари сўниқ, кулгилари эса аянчли эди. Йўқ, улар келажакдан ҳам бирор-бир яхшилик кутишолмаяпти!

— Ҳа,— алам билан деди Иброҳим,— энди бизнинг қўшиғимиз тугади, биз адо бўлдик.

Трубкасини кулдон устига силкитганча Аббос хитоб қилди:

— Албатта! Энди қайта бош кўтаришимиздан кўра, қиморда ютиб чиқиш осонроқ бўлиб қолди!

Ҳатто Самирнинг кўкимтир кўзларида ҳам жаҳл ва алам кўриш мумкин эди.

Бошда ғалабадан шунчалар қувонган Исо ҳозир худди сувга тушгандай, жимгина, ҳеч нимага аралашмай ўтирарди. Тағин унинг қалбида ўз тақдири ҳақидаги қайғули кечинмалар ғимирсиб қолганди.

Ҳар бир одамнинг ўзига яраша иши бор, уники эса йўқ. Ҳар бир одамнинг тургун бир жойи бор— у эса ўз ватанида бегона одам. Нима қилмоқ керак? Яна шаҳар бўйлаб санқисинми, узоқ оқшомлар қаҳвахонани гуллатсинми, жини суймайдиган одати— тагин қариндош-уруғлариникига борди-келди қилсинми? Ёлғизликдан сиқилиш ва эзилиш, ҳадеб ўз-ўзидан бу бемаънн ҳаётнинг яна қанчалар давом этишини сўрайвериш жонига ҳам тегиб кетди-ку!

Дераза олдида турганча Исо қиш қуёши нурларига интиқлик билан юз тутарди. Иш ҳам йўқ, умид ҳам йўқ. Қадрия кострюллар устида парвона: эрининг ёлғизлиги билан қизиқишга вақти ҳам йўқ! У янада тўлишган, сочлари узоқ вақтдан бери тароқ кўрмаган. У ўзининг бутунлай хотиржам қиёфаси билан уни ҳеч нарса ташвишлан-тирмаётганлигини намоиш қилаётгандек бўларди.

Исо газетадан бош кўтармасди. Сўнгги ахборот қисмини ўқиб чиқаркан, қизиқишлари сўнди, кейин сатрмасатр эринчоқлик билан реклама эълонларини ўқиб чиқди. Ўзи сезмаган ҳолда у газетани унутди ва яна кейинги йилларда миллион марталаб ўйлаган хаёлларига ғарқ бўлди. Албатта, Қадрия у ўйлаган ва тилаган аёл эмасди. Бунинг устига, унинг юрагида Сальвага интиқлик ҳисси яшар, унга бўлган муҳаббатини эса аллақачонлар ўлган ҳисобларди. Ҳа, агар ичкилик бўлмаганда бундай ҳаётга Исо бунчалик узоқ бардош беролмаган бўларди. У аллақачонлар барча ташвишларга қўл силкитган, Қадриянинг, пенсиянгизнинг ҳаммасини ўзингиз яратяпсиз, уй-рўзгор ташвишларининг барчаси менинг бўйнимда қоляпти, деган писандаларига ҳам эътибор қилмасди. У ҳатто Исонинг банкдаги пулларини ҳам ўз қўлига олмоқчи бўлди.

Аммо кунларнинг бирида Исо шунинг гувоҳи бўлдики, Қадрияни фақат ошхона ташвишлари ва уй-рўзгор ашё-

безакларигина қизик ириб қолмай, бошқа ташвишлар ҳам безовта қиларкан

— Исо, кейинги пайтларда сен уйда жуда кам бўляпсан, ҳамиша қандайдир ўйчан, ғамгинсан. Агар билсанг эди, бу ҳолатинг мени қанчалик ташвишлантираётганини...

Елкаларини қисаркан, Исо осойишта жавоб қилди:

— Нималар деяпсан! Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. ҳеч ташвишланишингга ўрин йўқ.

— Шундай бўлса ҳам оила бошлиғининг ташвишланишига бирор-бир сабаб бордир ахир? Масалан, дейлик, у ёш, соғлом, аммо ишсиз.

— Балки эринг ишсизлигидан ўзингни ўнғайсиз ҳис қилаётгандирсан?— зўрма-зўраки илжаяркан сўради Исо.

— Менми?!— хитоб қилди Қадрия ва ишонч билан давом этди:— Нималар деяпсан! Аммо кўриб турибман сен қаттиқ азоб чекапсан, ахир бу мени ташвишлантирмайдими?..

— Хўш, нима қилиш керак унда? Сен нима қилишни тавсия этасан?

— Жоним, ўзинг яхши биласан-ку.

— Ахир барча министрлик мансаблари банд-ку,— кулимсради Исо. Иккалалари ҳам кулиб юборишди.

— Шундай бўлса ҳам сендан илтимос қиламан, бу ишга жиддий қарагин,— деди Қадрия.

«Ҳақиқатан ҳам у ҳақ,— ўйларди Исо,— буни қаранг-а, шу кичкина калла ҳам ақлли фикрлардан холи эмас экан-ку!»

Унинг ўзи ҳам ишлаш кераклигини яхши тушунарди. Унга нима бўлган ўзи? Ёки бирор-бир касаллик унинг иродасини ишдан чиқардимикин? Нега энди у ўзининг хусусий адвокатлик идорасини очиши мумкин эмас? Бунинг устига бу ишни биров билан ҳамкорликда ҳам қилиши мумкин.

Бирор кун йўқ эдики, Исо ўз имкониятига мос тушадиган иш ҳақида ўйламасин. Аммо у ҳамишадагидай беиш ўтирар, қатъий бир қарорга келолмасди. Сўнгги ойларнинг барча вақеаларини хотирасидан ўтказаркан, у шу қарорга келди: ташвишланиш учун жиддий хавф йўқ. Банкдаги жамғармага ҳеч ким қўл уролмайди. Бой хотинга уйланганлиги уни эртанги кунини ҳақида қайғуриш ташвишидан қутқарган, ўзига ишончини орттирган эди. Пенсия ўз эҳтиёжлари учун етиб турарди. Кунлар кетилан кунлар қувиб ўтар, бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдай, ҳамма нарса ўша-ўшалигича қоладигандай эди.

— Менга қара,— деди бир кунини унга Самир,— кейинги пайтларда жуда танбал бўлиб кетдинг-ку, ҳатто қорин ҳам сола бошладинг. Бунини ўзинг нимадан деб ўйлайсан?

— Нимадан бўларди? Шунчаки хотиним яхши, эрини тузук боқади.

— Шунақами... Мен бўлсам соғлигингга путур етган бўлса керак деб ўйлабман,— ҳайрон қиёфада қўшимча қилди Самир.

— Биласанми, ҳатто ўзим ҳам сезяпман, одамлар менга ғалати қарайдиган бўлиб қолишди...

— Ҳаммасига ўзинг айбдорсан. Ўлгудек ялқовсан. Қани аввалги ярим кечагача министрликда қолиб ишлайдиган, партиямида, клубда катта ишлар олиб борадиган Исо қани, деб сўраяпман сендан?

Қоинотни забт этиш бошланганлиги ҳақидаги хабар бутун дунёни ларзага солди. Инсоният тарихида янги давр бошланди. Бу кунларда Исо худди уйқудан уйғонгандек бўлди. Унинг қалбида теварак-атрофдаги ҳаётга, одамларга, уларнинг кашфиётлари, ютуқларига қизиқиш туйғуси пайдо бўлди. Аммо бу жуда узоққа бормади. Бир кунини у дўстларига шундай деди:

— Ер юзидан бош олиб кетгинг келади... Яшаш зерикарли, ортиқ тоқат қилолмайман...

Ёз дўстларни курортга бошлади. Одатда эрта тонгдан Иброҳимникига тўпланишарди. Уларнинг даврасига тез-тез Шайх Абу ат-Таввоб қўшиларди. Кейин маълум бўлишича, у бу давра учун мутлақо бегона экан.

Ярим кечагача вақтни қарта ўйнаш билан ўтказишарди. Шу важдан Исо билан Қадрия ўрталарида жиддий жанжал ҳам бўлиб ўтди. У Исонинг кечалари уйга кеч қайтишини, пулга қарта ўйнашни бас қилишини талаб қилди. Доимий писандалар қуршовида қолган Исо чидай олмади ва охир-оқибат, эшикни қаттиқ ёпиб, уйдан чиқиб кетди.

— Уйда ишлар қалай?— сўради ундан Иброҳим ҳам-малари қарта столига ўтиришгач.

— Ёмон, ҳаддан ташқари ёмон!

— Бизнинг хотинлар,— пичинг билан писанда қилди Иброҳим,— Қадрия хонимга нисбатан анча паст табақадан. Тўғри, курортда эр устидан назорат бўлиши керак, аммо бунчалик ҳам қаттиқ эмас-да...

— Сеп кўпроқ ютгин, хотининг ҳам тинчиб қолади,— кулди шайх ат-Таввоб.

Иброҳим шайхдан Шукурий пошо ҳақида сўради.

— Олло таолонинг иродаси билан ўз вақтида чет элга ўтиб кетди ва қайтмаса ҳам керак.

— Чет элда нима-ю, бу ерда нима — ҳаммаси бир гўр,— деди Самир.

— Бекор гап. Мана мен, ҳамма вақт олло таолога сиғинаманки, янги тузумнинг ривожини бергин деб.

Ўйин давом этарди. Ҳамма эҳтирос билан ўйинга берилиб кетганди. Исо шунчалик қартага берилиб кетгандики, дунёдаги ҳамма нарсани унутганди. Бирдан кўзлари олдида Қадрия гавдаланди. Ҳозир у нима қилаётганикин? Онаси билан валақлашиб ўтиришгандир. Кампир албатта уйда ташвиш кўпайиб кетганлигидан шикоят қилаётган бўлса керак ва яна Исонинг илгариги ишида

бир чақалик обрўйи бўлмаган, шунинг учун ҳайдаб юборишган, деган фикрни ҳам айтаётган бўлиши керак. Ахир бу қип-қизил туҳмат-ку! Ўзининг қизи ҳақиқатан ҳам ҳайдашга лойиқ. Ўйлашга осон, эрга неча бор тегиб чиққан, пуштсиз бўлса! Бунинг устига, у Исодан ўн ёш катта-ку!

Қарийб тонг палласида ўйинни тўхтатишди. Исо уйда ўзини нима кутаётганлигини қўрқув билан кўз ўнгига келтирди. У кўчага чиқди. Унинг кетидан бошқалар ҳам уйларига йўл олишди.

Тонг сукунатида янги кун туғиларди. Ҳаво ёқимли хидларга тўла. Абадий нотинч денгизнинг кулранг қорамтир тўлқинлари оша уфқ ёришиб келарди.

Шайх ат-Таввоб ҳайқириқ билан хитоб қилди:

— Бу дам қандай гўзал-а!— ва ўзича эрталабки наъмонинг сураларини ғўлдирай бошлади.

— Айниқса ютганлар учун,— кулимсиради Исо.

— Мен ютмадим, аммо ютқизмадим ҳам,— жавоб қилди шайх, кейин қўшимча қилди:— Сен ростини айтганда, кучли ўйинчисан, Исо... Аммо лекин, барибир биз иккаламиз ютқизганларданмиз.

Исо шайхнинг нимага ишора қилаётганини тушунди ва қайғу билан деди:

— Дунёнинг ўзи шундай қурилган! Наҳотки биз шундай ҳаётга лойиқ бўлсак? Айтайлик, хато қилган ҳам бўлайлик, лекин айт-чи, ким янглишмайди ўзи? Нимага ҳукумат биздан юз ўгирди? Уни ўз фарзандининг туғилишини орзиқиб кутган онадай кутган кишиларини унутиши мумкинми?

Исонинг бағри ёнарди, ўз юрагини кимгадир очиб ташлагиси, дардларини тўкиб солгиси, ҳамсухбатидан ҳамдардлик сўзлари эшитишни истарди. Бирор дақиқа жим тургач, у яна сўз бошлади:

— Бизнинг партиямизнинг улугъ идеаллари бор эди. Биз қандай қилиб бунчалик тубанлашиб кетдик-а? Бизга ҳозир фақат иложсиз қўл силташ қолди, холо...

— Ноумид бўлма,— уни тинчлантиришга уринди шайх,— бу янгиларнинг давлати мустаҳкам эмасга ўхшайди, улар уйғонаётган миллатни ўз ортларидан эргаштириб кетолмайдилар. Ҳеч қачон!

Исо шайхни яқин муюлишгача кузатиб чиқди ва узоқ муддат унинг ортидан тикилиб қолди. Шайх секинлик билан кўчадан юқори кўтариларди.

Исо уйига йўл олди. Ғамгин ўйлар хаёлидан кетмасди. «Менинг нима бор? Ҳеч нима... Миср банкидаги жамғармамми? Нима қилишим керак, бундан кейин қандай яшашим керак?..»

Мана, унинг уйи. У қўнғироқ тугмасини босди. Кеча сукунатини кескин темир овози бузди. Озроқ кутди, тагин жиринглатди. Кейин тез-тез ва узоқ жиринглатаверди. Эшик очилмади. Уни афтидан, уйга киргизмасликка қарор қилишганга ўхшайди.

Жаҳлдан ақлини йўқотгандек тутоққан Исо уст-устига қўнғироқ тугмасини боса бошлади. Тезда бу машғулот унинг жонига тегди. У отилиб ташқарига чиқди.

27

Исо кечани Иброҳимникида ўтказди. Келгуси куни Нил қирғоғида жойлашган «Гранд отел» меҳмонхонасидан номер олди. Ҳафтанинг охирига бориб кўзда тутилмаган харажатлар ва қартадан ютқазилган қарзларни тўлаш учун банкдан юз фунт олишга тўғри келди. Иброҳимнинг хотини эрининг маслаҳати билан Қадриянинг олдига бориб, уни эри билан яраштиришга уриниб кўрди, аммо ҳеч нарсага эришолмади.

Исога ҳаммаси барибир эди. У қарта ўйнашда давом этарди. Бу энди бирдан-бир машғулоти бўлиб қолганди.

— Сен қандай бўлмасин, туриш-турмушингни ўзгартиришинг керак,— деди бир куни Самир унга, денгиз ёқасидаги казинода ўтиришганда.

Туш пайти эди. Бошқа кунлари Исо бу вақтда кечалари қарта столи ёнидаги бедорликлардан кейин эндигина уйқудан турган бўларди. Аммо бугун нима учундир одатдагидан эрта уйгонди. Қирғоқда ўтириб олганча у оч назар билан яқинидан ўтаётган чўмилиш костюмидаги аёлларга жимгина термиларди. Ҳатто у дўстига жавоб ҳам қилмади. Самир унга қайта мурожат қилганида Исо унинг сўзини бўлиб, хаёлчанлик билан деди:

— Шу қизларнинг бирортасининг ортидан юришни қанчалик хоҳлардим. Биласанми, ахир мен ҳали ҳақиқий муҳаббат нималигини кўрганим йўқ-ку...

— Нималар деяпсан, яна уйланмоқчимисан?

Осмонда бири-биридан чиройли булут тўдалари сокин кезарди.

— Қара, қандай булутлар,— деди Исо саволга жавоб бермай,— уларга қарасанг, шунчалар орзуларга фарқ бўлгинг келадики.

— Балки, сенинг ишларинг ҳақида гаплашармиз? Кўзингни оч, қарта сени хароб қилади.

— Худо сени ишқилиб зерикиш азобидан сақласин,— деди қалтироқ товуш билан Исо.

— Иш... Мана нима керак,— деди Самир қатъий қилиб, Исонинг қўлига туртар экан,— сенга биринчи ва охириги маслаҳатим шу — ишга кир.

Келгуси оқшом Исо яна Иброҳимнинг уйига йўл олди. Ўйинчилар аллақачон уни кутиб ўтиришарди. У ўз ўрнини эгаллади ва эндигина ўйин қизиб кела бошлаган эдики, Самир пайдо бўлди ва Исо унга ниҳоятда зарур бўлиб қолганлигини айтди. Исо ўзини эшитмаганликка солди ва ўйинда давом этди. Самир қарийб куч билан уни столдан ажратди: Исонинг бақириб-чақириб қаршилик кўрсатганига ҳам, даврадошларининг сукутли норозиликларига ҳам қарамади у. Самирнинг уйида Исони Самирнинг хотини Эҳсон ва Қадрия кутишарди. Қадрия катта, юмшоқ креслода ўтирар, боши қуйи солинган, галати учрашувни кутарди. Исони илиқ кутиб оларкан, Эҳсон

уни ёнига, ўзи ўтирган узун ва ингичка супага ўтиришга таклиф этди.

— Раҳмат, сизнинг келганингиздан жуда хурсандман... Энди эса,— сўзида давом этди Эҳсон ҳазилкашлик билан Қадрияга ишора қиларкан,— қадрдон дугонамни таништиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Исонинг қовоғи осилди... Қадриянинг киприклари намланди. Бир неча лаҳза хонада ўлик сукунат ҳукм сурди.

— Шубҳасиз, ҳар бир муаммонинг охири бор...— тагдор гап қилди Эҳсон, ноқулай жимликка хотима бериш мақсадида.

— Албатта, ҳар бир ишни яхшилик билан ҳал қилса бўлади,—қувватлади хотинининг фикрини Самир ва Қадрияга мурожат қилиб деди:— Сенинг эринг қатъиятли ва бир сўзли одам. Кўп қайғу-алам чеккан, буни ёлғиз оллонинг ўзи билади... Аммо у ҳаммасига бардош берди ва ўз қарашларидан воз кечмади...

— Кўриб турибманки, сизга у жуда ҳам ёқаркан...— деди Қадрия.— Ўйлайманки,— деди у Исога ўгирилиб,— сен ниҳоят менга нисбатан яхши муносабатда бўлишингни кўрсатасан...

— Ҳа... ҳа...— шошилиб гапга аралашди Самир,— келажак ҳақида ҳали гаплашамиз, сиздан илтимос...

— Ишонаманки,— хитоб қилди Қадрия,— Исони барча бемазагарчиликлардан иш қутқаради. Бунинг учун мен ҳамма нарсага тайёрман...

— Сенинг фикрингга тўлиқ ва бутунлай қўшиламан,— деди Самир,— аммо бу ғояни амалга ошириш учун албатта ақл билан иш кўриш керак, бунинг учун курортдан тезроқ кетишга тўғри келади. Сизларга август ҳам етади. Дарҳол Искандарияга жўнанглар ва у ерда ёзнинг охиригача бўлинглар. Бу жуда ҳам зарур... бу ишни ҳеч ҳам кейинга сурманглар...

— Агар Исо рози бўлса, мен эртагаёқ отланишга тайёрман...

Меҳмонларини кузатаркан, Самир Исога деди:

— Искандарияда сенга ўйлаш учун етарли вақт бўлади. Октябрда Қоҳирага қайтганингда тезда ишга киришасан.

Қадрия Исо билан ёнма-ён бўм-бўш кўча бўйлаб борарди. Юлдузлар тўла осмонда булутсиз ой жилмаярди... «Буларнинг барчаси олам устида сочилиб ётган гўзаллик,— хаёл қиларди Исо,— қайғуларинг жабрини яна ҳам кучлироқ сезишга, бахтсизлигингни чуқурроқ англашга мажбур қилади».

— Биласанми, менинг қон босимим ошиб кетибди,— секингина деди Қадрия.

— Бунга сен айбдорсан!

— О худойим-ей,— тутоқди Исо.

— Мен докторга бордим. У менга дори ёзиб берди ва парҳез қилгин, деди.

— Ҳечқиси йўқ, худо хоҳласа, яхши бўлиб кетади,— базўр эшитиладиган даража гап қўшди Исо ўз ўйларида давом этаркан: «Муҳаббатсиз никоҳ — умидсиз ҳаёт. Ҳатто омади юришиб қизиқарли иш топганда ҳам барибир қониқиш ҳисси бўлмайди... Ишларинг нима-ю, ишламадинг нима!»

28

Улар Искандарияга ўзлари, Иноят хонимсиз жўнашди. Бир неча кун «Лувр» меҳмонхонасида яшашди, кейин Исо еттинчи қаватдан денгизга қараган шинамгина бир квартира топди. Курорт мавсуми тугаёзганди: аста-секин хушчақчақ оломон шовқини камайиб борар, осмонда кун сайин оқ-қўнғир булутлар кўпайиб борарди.

Қадрия ўтган кўнгилсизликларга қарамай, бахтиёрдек эди, астойдил даволанар, парҳез сақлар, деярли ҳамма нарсадан ўзини тиярди.

— Ҳаётни янгидан бошлаш қийин,— оғир хўрсиниқ

билан гапириб қолди бир кун Исо. Қадрия унинг кўзларига тикилиб қолди, у гангиб қолганди.

— Менинг биргина орзуим бор,— сўзида давом этди Исо,— узоқроқ тинч жойда, қишлоқда, Қоҳирадан узоқларда яшагим келади. Қоҳирага эса фақат заруратдан келинадиган бўлса.

— Бизни қишлоққа нима боғлаб туради?!— типирчилаб қолди Қадрия.

— Ташвишланма... Ўйлашимча, булар ҳаммаси орзулигича қоладиганга ўхшайди.

Кунлар жуда зерикарли ўтарди. Исо ўзини ҳамон ёлғиз ҳис этарди. Қадрия соғлиғи нобонлигидан нолиб, кўпинча уйда ўтирарди. Исо кўпинча ўзининг одатий ўйларига ғарқ бўлганча кўча кезиб юрарди. «Албатта,— дерди у ўз-ўзига,— даврим ўтиб кетди, ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди. Илгари эгаллаган мансабимга кўтарилиш ҳеч қачон эришиб бўлмайдиган гап. Фақат ягона йўл — тақдир қўшган хотинимнинг ҳисобига яшаш, холос. Йўқ, йўқ, севиш эмас, унинг ҳисобига муттаҳамлик билан ўғриларча яшаш. Буларнинг барчаси қачон тугаркин-а? Қандайдир бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш, орзу қилиш ва қувонишни қанчалар истарди у. Бунинг йўли борми?»

Бир кун оқшом Исо қирғоқ бўйлаб сайр қилиб юрарди. Бирдан... бир-бирига уланиб кетган соп-саноқсиз дўкончалардан бирида у Ририни кўриб қолди.

Безовталанган ва бир мунча хавотирланганча у витринага тикилиб қолди. Шубҳага ҳожат йўқ эди, қаршисида Рирининг ўзи турарди. У афтидан мороженое, боб ва тамия сотиладиган дўкончанинг соҳибаси эди. Исо пана бўлганча Ририни узоқ кузатди. Рири билан қанчалик бағритошлик қилиб ажралганини эсларкан, уни уят ҳисси қоплади, ўзини ноқулай сизди. Ҳа, ҳа... Бу унинг ўзи... Рири. Вақт унинг фойдасига оқинти. Бу энди илгариги юлқиланган қиз эмас, чинакам аёл эди... Аёл бўлганда ҳам тўла маънодаги аёл, унинг чеҳрасидан жиддий, иш

билармон, ҳақиқий хонимлиги сезилиб турибди... Уч ҳафта ҳар кун шу қирғоқ бўйлаб кезиб юрибди, деярли бу атрофнинг барча майда-чуйда жиҳатларигача илғаб олибди-ю, шу дўкончани пайқамабди-я... У нима деб аталарди? Э, ҳа, «Олу миннатдор бўл».

Исо ҳар сафар Искандарияга келганида Ририни эсларди. Унинг билан ўтган дамлари хотирасида қайта жонланарди. Уни Рири билан ҳатто яккама-якка бўлса-да, учрашиб қолиш тасодифи жуда қўрқитарди. У ҳақда ҳеч нарса билмаса-да, у ўзича Рири шаҳарни тарк қилган, унинг тақдир йўлидан абадий йўқолган деб фараз қиларди. Мана, у шу ерда, шундайгина у билан ёнма-ён ўз дўкончасида ўтирибди. У буларнинг ҳаммасига қандай эришолдйкин? Исо соя панасида ҳамон тик турар, хотирасида Рири ҳақида аллақачонлар унутилиб кетган тафсилотлар жонланарди. Қарангки, буларнинг ҳаммаси унутилиб кетган, энди қайтмайдиган воқеалар бўлиб туюлганди-я...

Дўконга бир хотин кичкина қизчанинг қўлидан етаклаб кириб келди. У Ририга яқинлашиб, мулойимлик билан нимадир деди. Бирдан қизча Рирининг тиззасига чиқиб олди. Рири уни эркалата ва ўпа бошлади. Исонинг миясида ҳайратга соладиган бир фикр пайдо бўлди. Юраги уриб кетди — назарида унинг уриши қирғоқнинг гранит елкаларига жаҳл билан келиб урилаётган денгиз тўлқинлари овозини ҳам босиб кетгандай бўлди. Исо Рирининг тиззасида ўйнаб ўтирган қизчадан кўзларини узолмасди. Уни совуқ тер босди, қўл-оёқлари титрай бошлади... «Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас», — дерди у ўз-ўзига.

У қизчанинг юзига қарашга имкон тополмади. Балки буларнинг ҳаммаси унинг кўзига туш каби кўринаётгандир ва вақти келиб, бу хаёлларидан ўзи ҳам кулиб юрар?.. Бу ердан қочиш керак, имкони бўлса тезроқ қочиш керак! Бу дўкончадан узоқроққа, Искандариядан узоқроққа қочиш керак!.. Аммо у жойидан бир қадам

ҳам жилолмасди. Рири қизчани баланд кўтарди ва ўпди-да, ерга туширди. Хизматкор хотин қизчанинг қўлидан етаклаганча олиб кетди. Улар чет кўчадан шаҳар маркази томон юришарди. Исо уларнинг ортидан чопди ва тезда етиб олди. Қизча худди қушчадай вижир-вижир қилиб нималарнидир гапириб кетарди. Исо унинг биргина «шоколад» деган сўзини эшита олди, холос. Чорраҳа яқинидаги ширинликлар ва ёнғоқлар сотиладиган дўконча олдида хизматкор хотин тўхтади. Исо яқин келди, сотувчидан бир пачка сигарет сўради ва қизчага интиқлик билан тикила бошлади... Кўзлари юмалоқми? Кўп жиҳатлари худди таниш чеҳранинг ўзи. Буларда онаси ва опалари юз тузилишининг ҳаммасидан оз-оздан бор. Уни титроқ босди. Чарчоқнинг кучи ва ҳаяжондан у оёғида зўрға турарди. Юрак ҳаяжон билан тепарди...

Хизматкор хотин қизча билан кўчани кесиб ўтди ва кўчанинг нариги томонидаги бино томон йўл олди. Исо улар то уйга кириб кетгунларича кўз узмай турди. У осмонга боқди, чуқур нафас олди. «Шафқат қил, худойим... Шафқат тилайман...» шивирларди унинг лаблари.

29

Исо Рирининг дўкончаси қаршисидаги «Ан-Наср» қаҳвахонасида ўтирганча эҳтиётлик билан уни кузатар, кўзи кўзига тушиб қолмаслигига ҳаракат қиларди. У кўпдан буён бунчалик ҳаяжонга тушмаган, сира ўзига келолмасди. У ҳозир хизматкор аёлнинг ўзи билан гаплашмаганига қанчалар ачинарди. Ушанда кўп нарса равшан бўларди-я.

Қизчани айтмайсизми! Қандай ширин, тетик, ҳаракатчан. Наҳотки у ўзининг қизи бўлса?

Бир нарса равшан эди: бу ишни кейинга суриб бўлмайди. Қадрияни тарк этиш керак, ўтмишдаги барча аламзадалик ва нафратни унутиш керак. Энди у ортиқ Қадрия билан яшай олмайди. Йўқ, йўқ, у бу ердан ҳеч

қаёққа кетмайди. Номаълумлик ҳам энди уни ортиқ қўрқитмайди. Балки бу унинг умр бўйи излагани — янги, тўлақонли ҳаётини бошлаш учун сўнгги имкониятдир. Ҳозир унга кўп нарсa равшан бўлиб қолган, ҳеч қандай куч уни бу йўлдан қайтаришга қодир эмасди. У ўз тақдири учун курашга тайёр... Қадрия-чи? У ўзининг талабларига мос тушадиган бошқа эр топа олармикин? Рост, унинг учун ачинсанг арзийди. Аммо у билан энди ортиқ яшолмайди, бу фақат ўз-ўзини алдаш, бундан фақат қалбингда аччиқ изтироб қолади, холос. Ахир бу ҳаётни — келажаги бўлмаган ҳаётни давом эттиришдан нима маъно чиқади? Ҳеч қачон унинг юраги меҳр-муҳаббатнинг кучидан сиқилмаганиди, мана ҳозир у шу бахтиёр лаҳзани бошдан кечираётир... Бу қизча — унинг қизи! Яна бир оз муддат ўтгач, у албатта бунини аниқ билиб олади. Қизи етим бўлмаслиги керак. Исонинг ўзи тортган етимлик азоблари ҳаммалари учун етарли. Албатта, қизчаси унинг ҳаётига кўпдан-кўп мураккабликлар олиб келади. Биргина унинг пайдо бўлишининг ўзиёқ буларнинг барчасига зарба беради. Миш-мишлар, иғво гаплар, унинг номини булғашлар бўлади, албатта. Бўлса бўлаверсин! У таслим бўлмайди, ҳаммасига бардош беради ва ниҳоят ўз бахтига эришади. Агар унга бахт кулиб боқса, ҳақиқий оила қура олади, бунинг учун эса Искандарияда қолса, ўзининг эҳтиёт маблағларини Рирининг дўкончасини кенгайтириш, ундан олинадиган фойдани оширишга хизмат қилдирса арзийди... Янги ҳаёт бошланади. У аҳмоқона уятни йиғиштиради, беҳуда ғурур ва ўжарликни унутади, олдида турган оғир синовии мардлик билан қарши олади...

Тун ярмидан оғди, қиргоқ бўшаб қолди, ҳар замонда кеч қолган йўловчи ўтиб қоларди. Сўнг ҳеч ким қолмади. Рирининг дўконида ҳамма ҳаракатга келиб қолди: дўконни ёпиш керак. Исо қаҳвахона столидаги ўз ўрнини тарк этиб, марказ томон олиб борувчи тор

кўчага яширинди, муюлишда қотиб турди. Мана, муюлишнинг нариги бошида соя пайдо бўлди. Исо бир неча қадам илгари юрди ва кўча чироғи ёритиб турган жойга чиқди. Энди уни узоқдан ҳам кўриш мумкин эди. Рири яқинлашарди. У Исога қарамасдан келарди. Аёл унинг ёнидан ўтаётганида Исо секингина чақирди:

— Рири...

Аёл тўхтади.

— Ким у?

Исо бир қадам илгари босди... Аёл унга диққат билан тикилди: юзининг бирор-бир пайи ҳам қимирламади.

— Бу мен, Исоман!

Аёл албатта уни таниганди. Кўзларидаги ҳайрат, лабларнинг титраши, қошларнинг чимирилиши, юзида ёқимсиз ифоданинг пайдо бўлиши — буларни пайқамаслик мумкин эмасди. Рири ҳеч қандай сўз қотмасдан ўтиб кетишга ҳаракат қилди. Исо унинг йўлини тўсди.

— Қимсан ўзинг?— ҳайронлик ифодаси билан сўради аёл.— Мендан нима истайсан?

— Мен Исоман, ёки унутдингми-а?!

— Танаймайман сени, қоч йўлимдан!

— Эсла, бир эслагин-а... кейин ҳайдайсан, хўпми?— давом этди Исо ўз овозига илиқлик ва ҳиссиёт беришга ҳаракат қиларкан.— Биламан, сен мени кечирмайсан... аммо гаплашадиган зарур гапларимиз бор... сен бунга тушунасан...

— Сенга неча марта айтиш керак — мен сени танаймайман, танаймайман, билдингми. Қўйвор мени!

— Биз гаплашишимиз керак!— қичқирди Исо, умидини узаркан.— Бу жуда муҳим! Менинг қанчалик азият чекаётганлигимни тасаввур қилишинг қийин.

— Э, кетсанг-чи... Кет... Сенинг қиладиган энг яхши ишинг шу бўлади...

— Тушунсанг-чи Рири, мен болани кўриб, ақлимдан айрилдим!

— Қанақа бола? Нима ҳақда гапиряпсан ўзи?

— Қайси бўларди, сенинг тиззангда ўтирган-да, дўконда... мен тасодифан кўриб қолдим, кейин эса болани... Хизматкор хотин билан, мен уларнинг кетидан уйгача бордим. Менга ишонишингни хоҳлайман, тушунишингни хоҳлайман, менга қанчалик оғир...

— Ҳеч нимани билишни истамайман,— қатъият билан такрорларди аёл.— Кет!

— Мен жинни бўлиб қоламан... Рири, менга фақат шуни айтгин, у менинг қизимми? Айта қол, айтишинг керак... айтишинг керак...

Кўча сукунатида Рирининг кескин овози янгради:

— Йўқол кўзимдан, йўқол дейман! Телба! Йўқол, йўқол!— такрорларди у ўзини йўқотганча.

— Юрагим сезиб турибди...

— Алдайди юрагинг... Сенинг ўзингдек алдайди!

— Тушунаман, итлик қилдим, рост. Аммо ҳозир айт-чи, сиғинаман сенга: шу қизча менинг қизимми-а?

— Мен сенга фақат битта жавоб қиламан: кўзимга кўринма, турқингни бошқа кўрмай.

— Тўғри, қаҳрингга арзийдиган иш қилганман, биламан... аммо энди фақат яхшилиқни раво кўряпман. Тагин ўтинаман: мени шу илинждан маҳрум қилма...

— Йўқолсанг-чи!— қичқириб юборди аёл.— Турқингни кўришни истамайман. Кет!

— Рири, менга қара, наҳотки кўрмаётган бўлсанг, ақлдан оздим-ку. Фақат саволимга жавоб қил — менга бошқа ҳеч нарса керак эмас...

— Аблаҳсан! Ўзинг эдинг-ку мени ташлаб қочган, энди бўлса, калтакланган итдек суйкаласан!

Аёл Исони итариб юбориб, унга лаънатлар ёғдирганча қочишга тутинди.

30

Кечани Исо соҳилда ўткаади. У ҳеч нимани: жануб юлдузларининг порлашини ҳам, қутурган денгиз шов-

қинини ҳам кўрмас, эшитмас эди. Уйга тонг отганда қайтди. Қадрия безовталиқ азобида уни кутиб ўтирарди. Агар Рири унинг юрагида тирноқдек бўлса-да умид қолдирганда, Исо Қадрияга бутун ҳақиқатни айтиб берарди. Аммо бу нарса йўқ эди, шунинг учун Исо хотинига, кайфиятим ёмон бўлгани учун бутун кечани шаҳарда дайдиб юриш билан ўтказдим, деб қўя қолди. Ўринга кираркан, у ўз-ўзига дерди: «Яна қартабозлик, коньякбозлик, меъдага тегиб кетган сўзлар».

Эртаси кун Исо тагин Рирининг дўкони томон йўл олди. У ўз боласини кўриш умидида атрофни узоқ кезиб юрди. Ҳеч нимага эришолмаганига қарамай, қизини кўриш умидида воз кечмасди. Яқинроқдаги оёқ кийими тозаловчининг олдига бориб, Исо оёгини яшиқ устига қўйди ва қаттиқ овоз билан.

— Бўш квартира борми?— деб сўради.

— Бу вақтда юракка малҳам бўладиган хонимчалардан кўра квартиралар кўпроқ,— кулимсиради пойафзал тозаловчи.

— Менга бўш хона керак.

— Пансионданми?

— Яхшиси, бирор-бир оиладан бўлса!— деди Исо ва бошини Рирининг дўкони томон маънодор силкиб сўради:

— «Олу миннатдор бўл»нинг хўжайкаси ҳақида бирор нима биласанми?

Пойафзал тозаловчи жиддий тортди, юзидан табасум қочди.

— Нима деяпсиз, жаноб. У эъгиборли хонимку.

Исо унга диққат билан тикилиб қолди.

— Вақтингизни олиб ўтирмай, бу ҳақда ҳеч нима билмайман,— давом эди пойафзал тозаловчи.

— Э, ҳа, гапимни тушунмабсан. Кўриб турибман бу хонимнинг эътиборлигини. Аммо унинг қизчаси бор деб эшитаман, ширин қизча.

— Ҳа, ҳа, шундай ажойибки, бахтиёр қовушувнинг ҳосиласи!

Исо маъноли илжайди.

— Аммо қизнинг отасини ҳеч ким кўрмаган-ку. Хоним эрсизми?

— Нималар деяпсиз, нималар деяпсиз... Унинг эри дўкон хўжайини-ку.

— Ундай бўлса нима учун у ўз дўконига хўжайинлик қилмайди?

— Биласизми?..— пойафзал тозаловчи ямланди, кейин худди сувга сакрашдан олдин чуқур нафас олган кишидай ўпкасини тўлдириб ҳаво ютди:— У ҳозир турмада...

— Нима сабабдан?

— Айтишларича бангилик билан шуғулланаркан! Аммо худо шоҳид, унинг айби йўқ!

— Оллонинг ўзи уни озод этади. Лекин, айт-чи, у боланинг отасимикин?

— Бўлмасам-чи,— пойафзал тозаловчининг кўзларида бир лаҳза эҳтиёткорлик ифодаси пайдо бўлди.

Исо сирли бир қатъият билан:

— Бўпти, беҳуда валақлашни тўхтатайлик... Сезиб турибман, сенга нимадир аёну, аммо буни мендан яширишга ҳаракат қияпсан... Балки мен сендан кўпроқ нарсa биларман бу ҳақда, а нима дединг?— деди.

— Нима биласиз?

— Аввал сендан эшитишни истагандим: сен гапни ёлғондан бошлаганингдан кейин қандай қилиб суҳбатни давом эттиришимиз мумкин?

— Айтишларича,— яна гап бошлади пойафзал тозаловчи, афтидан Исога ён босган ҳолда,— хўжайин бу қизчанинг гувоҳномасини ўз номига ёздирган. Яхши одам у.

Нима сабабдан бу ишни қилган экан?

— Биласизми, у кекса ва кўнгилчан одам, болалари йўқ эди,— давом этди пойафзал тозаловчи Исонинг бо-

тинкасини мойлашни ҳам унутмаган ҳолда.— У ўзининг шу хонимини севиб қолди ва унга уйланди. Ҳаммаси худонинг иродасидан...

— У ҳақиқатан ҳам яхши одам,— деди Исо сўлагини ютиб,— албатта уни қамаш адолатдан эмас...

— Шунинг учун ҳам бу хотин дўконда тинимсиз ишлаяпти, тоқат, садоқат билан уни кутяпти-да...

— Ундай эрга арзийди ҳам-да...

Исо пойафзал тозаловчининг ҳақини тўлади. Суҳбат унинг озгина умидини ҳам ҳавога учуриб юборганди.

Кечагидай у кўча чироғи остида ярим тунгача тик туриб, Рирининг ўтишини кутди.

Исони кўриб қолиб, аёл кўчаниннг нариги томонига ўтиб олди, Исо унинг изидан чопди.

— Мен сени кутяпман,— деди Исо ўтинч билан,— биз гаплашишимиз керак...

Рири ўзини бу гапларга алоқаси йўқдай кўрсатиб йўлида давом этди. Исо унинг йўлини тўсди...

— Менга фақат шуни айт: у мениннг қизимми?

— Қоч, бўлмаса ҳозир полиция чақираман.

— У — мениннг қизим, ҳа, ҳа! Мен ҳаммасини биламан...

— Эшитяпсанми, полиция чақираман...

— Бағрингни кенг қил, кечир мени...

Рири кескинлик билан унинг гапини бўлди:

— Сени ўлдирганнинг ҳам ҳақи кетади. Кечир эмиш-а...

— Кел, яхшиси бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини унутиш ҳақида келишиб оламиз...

— Мен аллақачон унутганман... Кет...

— Рири, сен эрингни бекорга кутяпсан, ажраш у билан, иккаламиз...

— Қандай тубанлик!— унинг гапини кесди аёл.— Сен ҳамма вақт шундай эдинг. Наҳотки, яхшилик қилишга ҳам қодир бўлсанг...

Исонинг юзи огрикдан буришди.

— Мен жуда, жуда ҳам азобланияпман,— илтижас
қилди у.

— Менга нима. Азоб тортсанг тортавер.

— Ахир бу қизалоқ— менинг қизим, бутун борлиғи
билан меники-ку. Турмадаги одамнинг унга қандай ало-
қадорлик ери бор?..

Рири Исога ёвқараш қилди.

— Бу — унинг қизи,— қатъият билан деди у. — Фа-
қат унинг қизи. У қизчани ўзига фарзанд қилиб олди,
қизча энди фақат унга тегишли, эшитяпсанми? У билан
бирга мен ҳам уникиман. Сени огоҳлантириб қўяй: мен
билан бошқа учрашишга ҳаракат қилиб юрма!

— Рири, сен менинг учун шафқат эшигини ёпяпсан...

— Мен?! Уни сенинг ўзинг ёпгансан... Кет, илтимос
қиладан сендан..

— Қизим-чи?! — йиғламоқдан бери бўлиб илтижо
қилди Исо.

— Наҳот сен ота бўлсанг? Сен дунёдаги энг қўрқоқ
одамсан!— қичқирди. Рири ундан бир қадам узоқлаш-
гач.— Менинг қизимга бундай отанинг кераги йўқ!..

31

Бир дўкон ортига яширинганча Исо Ририни қидира
бошлади. У Ририни бир соябон остида кўрди. Аёл ўзи-
дан унча узоқ бўлмаган, жойда, қумда ўйнаётган Ниа-
матнинг ўйинини диққат билан кузатиб турарди.

Эрталаб ҳаво тоза эди. Қуёш бунчалик эрта пляжга
келган озгина кишиларни эркалатганча ўзининг майин
нурларини сочарди. Рирининг кўзига чалинмаслик учун
Исо ечиниб-кийиниш хонасига яширинди.

Унинг бутун фикри зикри қизчасида эди. У бу кичкина
вужудни ўпишини, қуёшда қорайган оёқчаларига юзини
суртишни, унинг қалин, ҳўл сочларини силашни шунча-

лар истар эдики. Чиройли, олов ранг чўмилиш кийимидаги қувноқ ва шўх Ниамат қайғусиз ва бахтиёр эди. Ниамат— отанинг зерикиши, онанинг қўрқуви ҳосиласи эди. Ҳаёт тақдирнинг бу жиҳатлари билан ҳисоблашмади ва соғлом ҳамда бахтга тўла вужуд бунёд қилди. Унга тикиларкан Исо ўйларди: «Миллионларча йиллар илгари бўлгани каби ўз тўлқинларини бугун ҳам улуғворлик билан чайқалтираётган денгиз сон-саноқсиз бунга ўхшаш воқеаларнинг гувоҳи бўлгандир, худди шунингдек, бу мовий, булутсиз осмон ҳам».

Исо қатъият билан ўзи яшириниб турган жойидан чиқди ва қизча томон йўл олди. Рири отилиб унинг йўлини кесишга интилди, аммо у қизини ўпишга улгурди Кейин ҳаммаси гўёки тушдай секинлик билан ғойиб бўлди.

Тушлик вақти бўлди. Исо уйига бормади, қаҳвахонада тамадди қилиб қўя қолди. Кейин уч соатли сеанс беврувчи кинога отланди, бу ҳам камлик қилиб қолди — бошқа кинотеатрга тушиб, у ерда ҳам яна бир фильм кўрди. Кечга яқин тагин овқатланиш ва коньяк ичиш учун қаҳвахонага кириб келди. Бу ерда у ярим кечагача ўтирди, ичди. Юришга мажоли келмасди. Тахта тўсин нарёғидаги креслога ўтди ва унга ўрнашиб оёқларини узатганча атроф-теваракка боқди. Қандайдир узун бўйли, ёш бир йигит унинг диққатини тортди. Исо бу бугдой ранг, узунчоқ юзни, бу қатъий, совуқ назарни қаердадир кўргандай эди.

Нотаниш йигит унга яқинлашди: кулранг шим, оқ кўйлак. Чап қўлининг икки бармоғида у қизил гул тутиб турарди. Уларнинг кўзлари тўқнашди, йигит кулимсираганча мева шарбатлари сотилаётган тахта тўсин томон ўтиб кетди. Бирдан Исони яшнн ургандай бўлди. Унинг кўз ўнгида узоқ унутилган бир воқеа жонланди, айбдорларни сўроқ қилишларнинг бирида Исо ўз партияси вакили сифатида иштирок этганди. Ўшанда ҳали жуда ҳам ёш бўлган бу йигит ўзини мардларча тутган, сафдош-

ларидан ҳеч кимнинг исмини айтмаган эди. Тўғри, уни барибир айбдор санашган ва концлагерга жўнатишган эди. У ёқда қанча бўлдийкин? Албатта ҳукумат алмашувига қадардир. Қизиқ, ҳозир у нима иш билан шуғулланаркин? Қатта мансабдамикин ёки ҳали ҳам илгаригидек ҳокимлар билан жанг қилиб юрибдимикин? Нега у кулдийкин? Наҳотки Исони эслаган бўлса? Яна бирор ҳодисани бошлаб юрмасмикин... Исо бу йигит ҳақида ўйламасликка қарор қилди, аммо, нимадир унинг иродасидан устунлик қилди, у ўгирилишга мажбур бўлди; йигит тахта тўсинга елкасини тирраганча қўлида бир бокал манго шарбати хотиржам Исога тикилиб турарди Унинг кўзларн маънодор кулар ва афтидан: «Ўтмиш унутилмайди, у шу ерда, сенинг олдигинангда» деяётгандек эди.

Исо кўзларини олиб қочди. У ортиқ бу ерда қололмаслигини ҳис қилди ва ўрнидан туриб, соҳил томон йўл олди. Уйга қайтиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ахир, наҳотки унинг ўз уйи бўлса? Бир оз олдинга юргач, Исо майдонга бурилди ва Саъд Заҳлул ҳайкали ёнидаги скамейкага келиб ўтирди. Атроф кимсасиз эди. Скамейкаларда жон зоти йўқ. Майдонда баланд хурмолар билан ўйнашганча совуқ шамол ҳукмронлик қиларди. Тунги осмонда Сомон йўли атрофига сочилган юлдузлар милтилларди. Ўтмишдан қочиб қаерга бориш керак? Хотиралардан қандай жон сақлаш мумкин? Агар яна бу йигитни учратиб қолса, нима қилиши керак?

Бирдан Исо кимдир ёнига ўтирганини ҳис қилди. У қалтироқ босиб ўтирилди ва титраб кетди: бу унинг ўша эски таниши эди.

Исо ўзини ҳимоя қилмоқчидай отилиб турди, аммо шу заҳотиёқ ноқулай илжайганча яна ўтирди. Йигит хотиржамлик билан сўз қотди:

— Хайрли тун, жаноб Исо, гарчи хайрли тонг дейиш жоиз бўлса-да! Қаранг, яна бир оздан кейин — тонг отади!

Кўча чирогининг заиф нурида Исо йигитга тикиларкан совуққина жавоб қилди:

— Хайрли тонг. Сиз кимсиз?

— Наҳотки мени унутган бўлсангиз?

— Минг афсуски,— ғўлдиради Исо ўзини ҳаддан ташқари ҳайратланган қиёфага солиб.

Йигит кулиб юборди.

— Ўз душманини киши энг охирда унутади дейишади!

— Гапларингизга тушунмаяпман.

— Наҳотки. Ўшанда тонггача давом этган терговни хотирингизга келтиринг-а. Сиз ахир озодлик курашчиларини ҳам турмага ташлаган кишисиз-ку...

— Тушунмаяпман, сиз нима ҳақда гапиряпсиз,— бир оз ён босгандай деди Исо,— аммо уруш кунларини, ўша оғир шароитда, ўзимиз бундан нафратлансак-да, баъзан айрим чоралар кўришга мажбур бўлганларимизни яхши эслайман...

— Бунга ўхшаш ўзини оқлашларини жуда кўп эшитдим. Ҳа, майли, ўтган ишга салавот!

Исо чурқ этмасди. У суҳбатни давом эттиришга қодир эмасди, шунинг учун у бошқа бир томонга қараганча, ёлғиз қолишни истаётганлигини сездиришга ҳаракат қиларди.

— Ҳаммаси ўзгарди, ҳаммаси,— оёйишталик билан гапида давом этди йигит,— бутун дунё ўзгариб кетди. Ўйламанг, мен бошқаларнинг бахтсизлиги ёки кулфатидан хурсанд бўладиганлардан эмасман. Йўқ, наҳотки! Заррачаем, қасам ичаман-а... Мен ҳатто кўпроқ ҳамдард бўламан...

— Худо ҳаққи, мени ўз ҳамдардлигингиздан халос қилинг!— тутатиб унинг гапини бўлди Исо.

— Хафа бўлманг, илтимос. Мен одамлар назарида хира бўлиб кўринишдан жуда ҳам қўрқаман, аммо сиз билан гаплашишни истагандим...

— Нима ҳақда?

— Ҳамма нарса ҳақида. Атроф-теварагимиздаги дунё ҳақида.

Исо ҳалли кайфи тўла тарқалмаганини қис қилганча секин:

— Энди мени ҳеч нарса қизиқтирмайди,— деди.

— Мени эса ҳамма нарса ҳаяжонга солади...

— Сиз бутун олам бир хил ва зерикарли бўлиб қолганлигини наҳот кўрмаётган бўлсангиз?

— Менинг зерикишга вақтим йўқ!

— Хўш, сиз нима қиласиз?

— Қийинчиликларга эътибор бермайман, келажакка кулиб, қувониб қарайман.

Исо жим қолди.

— Сиз, кўриб турибманки, мен билан суҳбатлашишни истамаётирсиз, — деди йигит, — сизни ортиқ безовта қилишга ҳақим йўқ.

Исо уни нигоҳлари билан узоқ кузатиб қолди. Уша зумдаёқ бу суҳбатни қувватламаганига жуда ачинди. Ахир бу ёш йигитнинг қўйнида тоши йўқ эди-ку. У билан гаплашиши лозим эди. Ҳа, яхшиси, уни қувиб етиш керак!

Исо қатъият билан ўрнидан турди, катта-катта қадам ташлаб, майдондан тўғри юрди.

У ниҳоят ўз олдида қандайдир мақсад кўрди ва унга эришишга қатъий қарор қилди. Назарида зулмат ва ёлғизлик чекина бошлагандек эди.

Нагиб Махфуз

ЛЮБОВЬ ПОД ДОЖДЕМ

(Р о м а н)

Перевод с издания издательства «Прогресс», Москва, 1965.

Редактор М. Махмудов
Рассом Ю. Габзалилов
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор У. Ким
Корректор Ш. Соатова

ИБ № 750

Босмахонага берилди 10.04.79. Босишга рухсат этилди 15.11.79. Формати 70x108^{1/32}.
Босмахона қоғози №1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 6,3.
Нашр л. 6,52. Тиражи 60000 Заказ № 6780. Баҳоси. 75 т. Фафур Фулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган матрицадан Морозов номли босмахонасида босилди. Самарканд, Кузнецкая кўчаси, 82.

Маҳфуз Нагиб.

Ёмғир остидаги муҳаббат: /Роман/ Русчадаи М. Сатторов таржумаси. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.— 144 б.

Нагиб Маҳфузининг «Ёмғир остидаги муҳаббат» романида араб халқининг Англия ва Исроил мустамлакачиликларига қарши инқилобий кураши, Сувайш каналининг араблар қўлига ўтиши, бу воқеалар даврида араб элчиси Исонинг аҳволи, унинг ижтимоий қиёфаси, севгиси ва изтироблари акс эттирилган.

Махфуз Нагиб. Любовь под дождем.

ББК 84.50АЭ
И (Араб)

М $\frac{70304 - 212}{М 352 (04) - 79}$ 118—79—3704040000